

БОРИС ЛИ

Х А Л Қ Т И Б Ъ И Ё Т И


**Амалий машғулотлар учун
ўқув-услубий қўлланма**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЛИ БОРИС НИКОЛАЕВИЧ

ХАЛҚ ТИББИЁТИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан
Олий ўқув юртларининг 5720100 – Даволаш иши мутахассислиги йўналишида
таҳсил олаётган талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган*



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2009

Дарсликда халқ тиббиётининг умумий ва хусусий масалалари ёритилган, унинг классик ва замонавий шакллари берилган. Шунингдек, китоб асосий вақт экстремал ҳолатларда амалий кўникмаларни қўллашни шакллантириш масалаларига ҳам бағишланган.

Дарслик тиббиёт институтлари талабалари учун халқ тиббиёти бўйича дастурга мувофиқ яратилган.

Тақризчилар:

Т.О.ДАМИНОВ,

ЎзР ФА академиги, профессор,
ТТА юқумли касалликлар ва болалар
юқумли касалликлари кафедраси мудир

А.Л.АЛЯВИ,

тиббиёт фанлари доктори, профессор,
ЎзР ССВ тиббиёт реабилитация
ва терапия ИТИ директори

ISBN 978-9943-08-326-4

© Б.Н. Ли. «Халқ тиббиёти». Дарслик. «Янги аср авлоди», 2009 йил

СЎЗБОШИ

Ёш шифокорларни тайёрлаш сифатини ошириш Республикамиздаги тиббиёт олий ўқув юртларининг асосий вазифасидир, бу вазифа эса фақатгина замонавий ўқув адабиётлари билангина амалга ошадди. Бироқ кафедра ташкил топган 1996 йилдан то ҳозиргача тиббиёт институтлари талабалари учун халқ таъбири бўйича дарслик йўқ. Шу сабабли ушбу дарсликни яратишга зарурат туғилди. Дарслик «Халқ таъбири» дастури талабларига мувофиқ ва ўқитишнинг замонавий технологияларини эътиборга олган ҳолда тайёрланди.

Даволаш ва тиббий педагогика факултетларининг 5-курс талабалари, шунингдек тиббиёт олий ўқув юртлари профессор - ўқитувчиларини халқ таъбири бўйича асосий билимлар билан таъминлаш ва мамлакатимизда замонавий фан ютуқлари даражасида аҳолига даволаш-профилактика ёрдамини ташкил қилиш ушбу дарсликнинг асосий мақсади қилиб белгиланган.

Дарслик боблари ҳам назарий, ҳам амалий материаллардан иборатдир. Дарсликда игна санчиш концепцияси, меридианал қонун бўйича рефлексотерапия нуқталарини тизимлаштириш, биологик фаол нуқталарга таъсир ўтказиш усуллари, игна билан даволашда келиб чиқиши мумкин бўлган асоратлар ва уларнинг олдини олиш, халқ тиббиётининг шифобахш ўсимликлари ва бошқа маълумотлар ҳам мазкур дарсликдан ўрин олган. Шунингдек, унда шошилунч ҳолатларда халқ тиббиёти амалий кўникмаларини қўллаш усуллари асосий эътибор қаратилган.

Ушбу дарсликка халқ тиббиёти бўйича собиқ СССР, шунингдек хорижда нашр этилган китоб материаллари ва Тошкент Тиббиёт Академиясининг услубий ишлари таърибаси асос қилиб олинди.

Бу китоб халқ тиббиётининг барча бўлимларини қамраб ололмади, бироқ у ўқитувчини халқ тиббиётининг асосий қоидалари билан таништириш имкониятига эга.

Айтиш жоизки, ушбу вазифа Ўзбекистон Республикаси тиббиёт институтларида келгусида халқ тиббиётини ўрганиш ва ривожлантиришда биринчи қадам бўлиб хизмат қилади.

Барча таклиф ва истаклар муаллиф томонидан миннатдорчилик билан кутиб олинади.

ЛИ Б.Н.,
тиббиёт фанлари доктори

І БОБ

ХАЛҚ ТИББИЁТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

Хитой, Тибет, Монголия, Японияда бўлган даволаш амалиёти минг йиллар давомидаги усуллар ва нозик томонлари бўлган Шарқ табобати анъаналарига эга. Уларнинг асосийси организмнинг шахсий ресурсларини сафарбар қилиш, дори-дармонларни кам миқдорда қўллашдан иборатдир. Чунки дориларни қабул қила олмаслик замонавий тиббиётнинг муҳим муаммоси ҳисобланади.

Дори-дармонсиз самарали даволаш усули сифатида турли соҳадаги шифокорлар игна терапияси билан қуролланидиган вақт келди.

Биз игна билан даволашнинг амалий томонига кўпроқ ҳисса қўшишни зарур деб билдик, шунинг учун рефлексотерапия анъаналари механизмлари ҳақидаги замонавий тасаввурлар ва 14 классик меридианларга қисқача тўхталдик.

Чжен-сзю – терапия усулининг номи қуйидагиларни билдиради: «чжень» – укол ва «цзю» – куйдириш. Бу усул тана нуқтасини аниқлашда укол қилиш ёки куйдириш усулини ўз ичига олади.

Игна санчиш таъсир механизми ҳақида замонавий тасаввурлар

Игна билан даволаш механизмларини ўрганишга В.Г. Вогралик, И.И. Русецкий, Э.Д. Тыкочинская, Д.М. Табаева, Р.А. Дуринян, В.С. Гойденко, Э.Л. Мачерет, Гаваа Лувсан ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар.

И.И. Русецкий билан ҳаммуаллифликда (1962 й.) ёзилган қўлланмада келтирилишича, игна санчиш таъсир механизмининг таҳлили-


ни маҳаллий, сегментар ва умумий серебрял, шубҳасиз ўзаро алоқадор бўлган таъсирга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Игна тўқимага қанчалик чуқур кирса, дифференцирланган рецепторларнинг умумий таъсири кам бўлади. Игна санчишнинг ўзига хослиги, унинг барча бошқа рефлектор усуллардан фарқи ва хусусан, организмга тери ёки шиллиқ қават орқали даво таъсири жисмоний терапия ҳисобланади. Бу биринчидан, игна санчишда таъсир кичик зонага тушади, мазкур жараён эса нуқтали таъсир дейилади.

Иккинчидан (игна санчиш таъсирининг ўзига хослигини тушуниш учун айниқса муҳим бўлган), нафақат ва теридан жойлашган бирмунча сезувчанлик (экстерорецепторлар) учи таъсирланади, балки бевоқифа тери ости ҳужайралари, мушаклар, бойламлар, периневрал ва периваскуляр чигалларда игна йўли бўйича учрайдиган проприо-баро-хемо-ва ангиорецепторларнинг механик таъсири ўринга эга. Тўқимага игна киргизишда организм томонидан маҳаллий, сегментар ва умумий таъсир келиб чиқади (1-расм).

Турли нерв элементларининг чуқур таъсирланиши проприорецептив сезувчанлиги маълумки, фаол нуқтага маълум чуқурликка тормозлаш усули билан игнани киритишда келиб чиқадиган белгиларнинг пайдо бўлиши билан характерланади ва ҳар хил сезгилар (увишиш, жизиллаш, босим, «электр токи юриши», шишиш, илиқлик) билан тушунтирилади.

Бу сезгилар укол натижасида келиб чиқадиган оғриқнинг пайдо бўлиш сезгиси билан ёки теридан игнанинг ўтиши вақтида асосан содир бўладиган сезувчан нерв учларининг таъсирланишидан кўра, томир таъсирланишида ўзининг аъло даражадаги характери бўйича объектив аксини топади.

Маҳаллий таъсир, бунда келиб чиқадиган импульслар оқими афферент йўли асаб устун ва периваскуляр боғламлар ичидан ўтувчи соматик ва вегетатив толалар бўйича марказга интилади, тегишли жойга таъсир кўрсатилганда, орқа мия сегментлари ва асаб тизими бўлимларида (мия ўқи, ретикуляр формация, бош мия қобиғи соҳаси ва қобиғи) ҳам умумий таъсирини ривожлантириб, сегментар таъсир келтириб чиқаради. Умумий таъсир марказий асаб тизимининг бирмунча юқори бўлимлари – гипоталамус лимбико-ретикуляр тизимини жараёнга жалб этиш билан характерланади. Г.Н. Кассиль (1975) таъкидлайдики, қонда баъзи гормонлар, медиаторлар ва ме-



1-расм. Организмга игна санчишининг маҳаллий, сегментар ва умумий таъсири (А.М. Вейн маълумоти бўйича)

таболитлар таркиби кўпая боради ва бошқалари эса камаяди. Катехоламинлар, асетилхолин, гистамин, серотонин, кортикостероидлар, кининларнинг ўзаро муносабати ўзгаради.

Буларнинг барчаси жисмоний фаолиятнинг бузилишини тиклашга ва гомеостази меъёрга келтиришга олиб борувчи, вегетатив-гу-

морал комплекснинг фаоллиги ва реактивлигини қайта қуришга олиб келади. Бу эса игна санчиш ҳаракати асосида мураккаб нейрогуморал механизм ётади деб ҳисоблашга асос бўлади, таъсир ўрни ва усули, таъсирга жавоб характери ва йўналишга қараганда, таъсир тушадиган функционал фон муҳим рол ўйнайди.

Масала шундаки, ички касалликларда – юза ёки чуқур рецепторларни таъсирлаш, қай бир таъсир кўпроқ даволаш аҳамиятига эга – бу батамом ўз ечимини топган деб ҳисоблашга асос бўлмайди. Тери юзаси рецепторлари юпқа дифференцияланган аппарат ҳисобланади ва чамаси Хитойча игна санчиш учун катта рол ўйнамайди.

Игна санчиш қондаси уколнинг жуда кам оғриқли бўлиши ҳисобланади. Шундай экан, бундай ҳолда тери рецепторларининг таъсирлаши бошланғич «ишга тушувчи» аҳамиятга ёки пўстлоқ фиксацияси турига эга. Чуқур рецепторлар бошқа тур, яъни ўз характери бўйича – диффуз, суст таъсир манбалар ҳисобланади ва ички аъзолар ҳолатига самаралироқ таъсир кўрсатади.

Бошқа муаллифлар фикри бўйича эса игна санчиш механизмида гуморал омиллар, оғриқ сезгиларини блокирловчи биологик фаол моддаларнинг (медиаторлар, гормонлар) ажралиши катта аҳамиятга эгадир.

Э.Д. Тыкочинская (1959, 1966) ва В.Г. Вогралик ўтказган тадқиқотлар игна санчиш лейкоцитларга стимулловчи таъсир кўрсатади, фагоцитлар фаолликни оширади, антителалар миқдорини кўжайтиради ва организмнинг ҳимоя кучини оширади.

Игна санчиш механизми ҳақида яна бир нечта фаразлар бор, бироқ ҳали барча тан олган игна санчиш самарасининг барча яширин томонлари ва қадимги Шарқ рефлексотерапиясининг бошқа усулларини замонавий даражада тушунтириб берадиган умумий концепция яратилмаган.

Шундай қилиб, чжен-сзю терапияси тери қопламанинг чуқур бўлимларидаги рефлексотерапия ҳисобланади. Хитой халқ табобатининг катта хизмати унинг чуқур рефлексотерапияни ишлаб чиқиши билан характерланади. Чжень-цзю терапияси учун даволаш вақтида қачонки игна «хитой нуқтасида» (увушиш, оғирлик, зирқираш ва б.) бўлганда, маълум бир сезги турини ҳис қилиш муҳим омил ҳисобланади.

Шарқ ва Ғарб тиббиёти

Ғарб тиббиёти касалликлар сабабини ташқи омиллар деб ҳисоблайди (масалан, вируслар ва микроорганизмлар), Шарқ тиббиёти эса касаллик манзарасини ички омиллар орқали кўриб чиқади (масалан, организм ҳимоя фаолиятининг кучсизланиши). Шунинг учун Ғарб тиббиётининг асосий даволаш усули ташқи омиллар таъсирига барҳам бериш, тўхтатиш, Шарқ тиббиётида эса даволаш касалликларга қарши организмнинг ички ҳимоя таъсирини ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлашни назарда тутди (1-жадвал).

Ғарб тиббиётидан фарқли ўлароқ Шарқ тиббиёти табиий маҳсулотлардан тайёрланган тиббий препаратлардан кўпроқ фойдаланади.

1-жадвал

Шарқ ва Ғарб тиббиётининг фарқли жиҳатлари

Шарқ тиббиёти	Ғарб тиббиёти
Фалсафий ёндашув	Илмий ёндашув
Ҳар томонламалик	Дискретлик
Яхлит бир бутунлик тушунчаси	Ажралганлик
«Ички томондан» ёндашув	Жарроҳлик ёндашуви
Модел асос қилиб олинади	Касаллик асос қилиб олинади
Назарий ёндашув	Экспериментал ёндашув
Шахсий тиббиёт	Ижтимоий тиббиёт
Конституционал ҳимоя	Бактериология
Суяқлик патологияси	Бактериал патология
Субъектив белгиларга урғу берилади	Объектив белгиларига урғу берилади
Табиий дори воситалари	Кимёвий дори воситалари

Ғарб ва Шарқ тиббиёти бир-бирини тўлдиради.

Шарқ тиббиётининг таъсир доираси қуйидагиларда намоён бўлади:

– диагностика ва организм фаолияти билан боғлиқ касалликларни даволашда;

– эрта диагностика ва дегенератив касалликларнинг олдини олишда;

- эпидемиология диагностикаси ва даволашда.
- Ғарб тиббиёти фазилатига эса қуйидагиларни киритиш мумкин:
 - жароҳатларга диагноз қўйиш ва даволаш;
 - гигиена соҳасидаги касалликлар диагностикаси ва уларнинг олдини олиш (бактериология ва вирусология);
 - аъзолар тузилмаларининг шикастланишини даволаш.

Ҳар бир табобатнинг кучли томони бирининг бошқасидан устун туришини таъкидламайди, балки уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдиришини намоён қилади. Шундай қилиб, замонавий босқичда тиббиётнинг ривожланиши, касалликларни даволаш ютуқларига янгидан-янги Ғарб усулларини Шарқ тиббиётининг энг самарали усуллари билан уйғунлаштирган ҳолда эришиш мумкин.

Назорат саволлари

1. «Чжень-цзю-терапия» усулининг номи нимани билдиради?
2. Фаол нуқтага игна киритганда организмда қандай таъсирлар юзага келади?
3. Қайси асаб тизими бўлими жалб қилинганда умумий таъсир характерланади?
4. Игна санчиш лейкоцитларга қандай таъсир кўрсатади?
5. Шарқ ва Ғарб тиббиёти белгиларининг фарқли томонларини тавсифланг.

ҚАДИМГИ ШАРҚ АНЪАНАВИЙ ТИББИЁТИДА ФАЛСАФИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Инь-Ян концепцияси

Қадимги Шарқ амалий тиббиёти асосида Инь-Ян ва у-син фалсафий таълимоти ётади. Ҳар бир предмет ва жонзот, ҳар қандай табиат ҳодисаси ўзида икки томонни – инь ва ян (нур ва зулмат, соvuқ ва иссиқ)ни мужассам қилади (2-расм). Ушбу бошланишларнинг қарама-қарши курашлари туфайли дунё ва барча тирик мавжудотлар мавжуддир. Меъёрдаги шароитларда ушбу қарама-қаршилиқлар орасида нисбий мувозанат, гармония сақланиб туради, патологик шароитларда эса инь ёки ян касаллик сабаби бўлиши мумкин. Шундай қилиб, барча даволовчи тадбирларнинг бош мақсади инь ва яни нисбий мувозанат ҳолатига қайтариш бўлиши лозим.

Ян аъзосининг классик интерпретация фаолияти бу – «қувват» ишлаб чиқиш жойи, инь аъзолари эса «қувват» депоси ёки «қувватни» ютиш жойидир. Ян меридианлари бўшлиқ аъзоларга (фу – аъзоларга) йўғон ичак, ошқозон, ингичка ичак, сийдик пуфаги, ўт пуфаги ва тананинг уч бўшлиғига мос келади. Инь меридианлари (чжень – аъзолар) юрак, талоқ, буйрак, жигар ва перикард паренхиматоз ҳисобланади.

Перикард ва тананинг уч бўшлиғи ўзининг меридианларни «бошқарувчи», ўз морфологик асосига эга эмас, балки уларнинг меридианларини акс эттирадиган «функционал тизим» ҳисобланади.

Анча кейин, 12 асосий меридианлардан ташқари яна иккита, шунингдек морфологик асосиз «функционал тизим» ҳисобланадиган орқа ва олд ўрта меридиани кашф этилган. Орқа ўрта меридиани барча ян меридианларида ян қувватни, барча инь меридианларида олд ўрта инь қувватни бошқаради.



2-расм. Хитой монадаси

Инь ва ян орасидаги қарама-қаршилик бу – зиддиятлар, предмет ва табиатдаги тирик мавжудотларда иккала қарама-қаршиликлар курашини теран тушунтириб беришдир. Демак, нур ва зулмат, қўзғалиш ва тўхташ, иссиқ ва совуқ ва ҳоказолар инь-ян концепцияси нуқтаи назари билан бир бутунлик ва қарама-қаршиликлар курашини акс эттиради. Доимий кураш ва бир-бирини суриб чиқаришга интилиш дунёда ҳодисаларнинг ўзгариши ва ривожланишида ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, инь ва ян бир вақтнинг ўзида ҳам қарама-қарши, ҳам ўзаро боғлиқ бўлади ва бир-бирига таянган ҳолда ягона организмда ўзаро мавжуддир.

Замонавий фикрлар бўйича, инь яннинг бузилган балансини тиклаш масаласи бу – гомеостазни организм ҳимоя кучини стимуллаш йўли билан тиклаш масаласидир.

У-Син концепцияси


Қадимги Шарқ фалсафасига кўра, у-син концепцияси дунёдаги барча ҳодисаларнинг беш асосий элементи (дарахт, олов, ер, металл, сув) бутун моддий дунёнинг дастлабки асоси деган таълимотни тарғиб қилади (3-расм).

Беш асосий элемент концепциясида инсон организми физиологияси ва патологияси орасидаги организм ва ташқи муҳит орасидаги муносабат тушунтирилади.

У-син назариясида бешта асосий элемент орасидаги муносабатнинг қуйидаги турлари аниқланади: нормал ўзаро стимулловчи ва ўзаро жабрловчи алоқалар, патологик – ортиқча ва қарама-қарши жабрловчи таъсир.

Беш асосий элементнинг ўзаро стимуллаш тартиби қуйидагича: дарахтдан олов келиб чиқади, оловдан ер, металлдан сув, сувдан дарахт келиб чиқади. Ҳар бир асосий элемент бир вақтнинг ўзида стимуллайдиган ва стимулландиган ҳисобланади.

Нарса ва ҳодисалар орасидаги табиий ўзаро алоқалар ҳам стимул берувчи, ҳам чегараловчи алоқада бўлиши керак. Стимулсиз ривожланиш ҳам бўлмас эди, чегараланмаган ривожланиш ва ўсиш эса зарар келтириши мумкин эди.



3-расм. Асосий аъзолар ва улар меридианларининг беш асосий элемент билан ўзаро таъсири: катта доира ичидаги стрелка чегараланган (деструктив) алоқани билдиради; стимулловчи алоқалар катта доира айланаси бўйича кўрсатилган

Масалан, дарахт оловга стимул беради ва шу билан бирга ерни жабрлайди, ер эса ўз навбатида металлга стимул беради ва сувни жабрлайди.

Шу тариқа стимуляция жабрлаш билан чегараланади, жабрлаш эса стимуляция билан тўлиб боради, яъни бу таъсирлар туфайли нарса ва ҳодисаларнинг (гармония) нормал ривожланишини таъминловчи зарур (физиологик) мувозанат ўрнатилади.

Беш асосий элементлардан бирининг меъёрдан ортиши ёки етишмаслик ҳолатида улар орасида меъёрий бўлмаган, ортиқча ва қарама-қарши жабрловчи таъсир сифатида белгиланадиган патологик ўзаро таъсир келиб чиқади.


Меъёрдан ортиқ жабрловчи таъсирда ҳаддан ташқари патологик жабрнинг ўзаро таъсир кўрсатувчи икки томондан бири заифлашиб намоён бўлади.

Асосий элементлардан бирининг меъёрдан ошиши ва етишмовчилиги – патология натижасида келиб чиқадиган ортиқча ва қарама-қарши жабр кўпинча бир вақтда намоён бўлади. Масалан, агар асосий элемент – дарахт меъёрдан ошса, бу ҳолда у асосий элементга қарама-қарши жабрловчи таъсир ўтказди. Агарда асосий элемент – дарахт етарли бўлмаса, аксинча, у бир вақтнинг ўзида асосий элемент ер томонидан қарама-қарши жабр ва асосий элемент металл томонидан меъёрдан ортиқ жабрни ҳис қилади.

Анъанавий тиббиётда у-син концепцияси асосида инсон организми физиологияси ва патологияси орасидаги, организм ва ташқи муҳит орасидаги муносабат, шунингдек оғриқли ҳолатнинг ривожланиш сабаблари ва механизмлари тушунтириб берилади.

«Она-ўғил» қоидаси

У-син концепцияси асосида қаерда қувват бузилган бўлса, меридианда «қувват оқимини» кучайтириш ёки камайитиришга имкон берадиган игна санчиш билан даволашнинг «она-ўғил» қоидаси ишлаб чиқилган. Асосий элемент «она» озиқлантирувчи қувват узатишга



4-расм. «Она-ўғил» қоидаси. Асосий уч элемент (ёки уларга мувофиқ меридианлар) кўриб чиқилади: бузилган энергия билан унга ўтган асосий элементнинг циклда алоқаларни стимуллаши «она», навбатдагиси эса «ўғил» деб номланади

қобилиятли, асосий элемент «ўғил» эса реципиент, яъни қувват олувчидир. Агар асосий элементлардан (меридианлардан) бирида патология келиб чиққани ҳолда бузилган меридианга бевосита таъсир кўрсатиш шарт бўлмаса, у ҳолда «она-ўғил» қондаси қўлланилади. Ушбу қондага мувофиқ уч асосий элемент (меридианнинг) кўриб чиқилади: бузилган қувват билан, ундан илгари, бузилишдан кейинги (4-расм).

Агар бузилган меридианда (масалан, жигарда, дарахт) ортиқча қувват аниқланса, у ҳолда «ўғил» (юрак, олов) меридианининг тонусни кўтарувчи нуқтасига ёки «она» (буйрак, сув) меридианининг седатив нуқтасига таъсир ўтказиш мумкин.

Бузилган меридианда (дарахт) қувват етишмаган ҳолатда «она» (сув) меридианининг тонусни кўтарувчи нуқтасига ёки «ўғил» (олов) меридианнинг седатив нуқтасига таъсир ўтказилади.

Назорат саволлари

1. Аньанавий тиббиёт концепциялари ва уларнинг аҳамиятини айтиб беринг.
2. Инь-ян фалсафий таълимотини тавсифлаб беринг.
3. Ян меридианларини санаб беринг.
4. Инь меридианларини санаб беринг.
5. У-син концепцияси нимадан иборат?
6. Беш асосий элемент орасидаги ўзаро муносабат турлари қандай бўлади?
7. «Она-ўғил» қондаси қайси концепцияга асосланади?
8. «Она-ўғил» қондаси бўйича даволашнинг ўзига хослиги нимада?

РЕФЛЕКСОТЕРАПИЯ НУҚТАЛАРИ ТОПОГРАФИЯСИ ВА УЛАРНИ МЕРИДИАН ҚОИДАСИ БЎЙИЧА ТИЗИМЛАШТИРИШ

Ҳозирги вақтда 1500 дан ортиқ таъсир нуқталари маълум, улардан 670 таси меридианларда, 543 нуқта меридианларидан ташқарида жойлашган, 458 та «янги» нуқта ва 200 га яқини – аурикулярдир.

Циклнинг давомий эмаслигини ҳисобга олган ҳолда биз фақат 14 та доимий классик меридианлар (2-жадвал) локализациясига тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик ва мумкин қадар кўп тарқалган касалликларда клиник тиббиётнинг замонавий бўлимлари билан мувофиқ равишда рефлексотерапияни қўллаш малакасини ўзлаштиришга кўпроқ вақт ажратдик.

Биз меридианларнинг фақат ўша нуқталари, шунингдек меридианлардан ташқаридаги ўша, биз томондан тавсия этилган рецептларда эслатиб ўтилган нуқталарни келтирамиз.

Меридиан нуқталари меридианнинг французча индекси билан халқаро рақамлаштириш тизими ва русча транскрипция билан хитойча номда берилади.

Кўплаб адабиётларда келтирилганидек, нуқталарнинг жойлашиш ўрнини кўрсатишда биз «цунь» тушунчасидан фойдаланамиз (5-расм, 3-жадвал), укол чуқурлиги метрик тизимда берилади.

Меридианлар топографиясининг асосий маълумотлари ва рефлексотерапия нуқталари

Ўпка меридиани (I; P; Lu; L)

Ўпка меридиани қўл инь меридианлари тизимига киради. Жуфт меридиан, яъни ўзаро бир-бири билан алоқада бўладиган чап ва ўнг меридианларга эга (6-расм).

Классик концепцияга мувофиқ, меридиан тананинг ўзаро бўшлиғидан чиқади ва дастлаб пастга йўғон ичакка тушади, кейин эса ошқозоннинг кардиал қисмини четлаб ўтиб, юқорига кўтарилади ва диафрагмага сингиб, иккита ўзак – чап ва ўнг ўпкага бўлинади.

Меридианлар номланиши ва уларнинг қисқача ифодаланиши


Халқаро тизим бўйича рақамлаш каналари	Ўзбекча	Хитойча	Французча	Немисча	Инглизча
I	Ўтас меридиан	Shou-tay-in-fey-szin	Poumons (P)	Lunge (Lu)	Lungs (L)
II	Йўтон индак меридиан	Shou-tay-yan-da-chan-szin	Grosintestin (Gf)	Dickdarm (Dd, Di)	Large intestine (Li)
III	Ошқолон меридиан	Szu-yan-min-vey-szin	Estomac (E)	Magen (M)	Stomach (S)
IV	Талоқ-меъда ости бези меридиан	Szu-tay-in-pi-szin	Rate-Pancreas (RP)	Milz-Pankreas (MP)	Spleen (Sp)
V	Юрак меридиан	Shou-shao-in-sin-szyan	Coeur (S)	Herz (H)	Heart (H)
VI	Илтиқа индак меридиан	Shou-tay-yan-syao-chan- szin	Intestin Grele (IG)	Dunndarm (Du)	Small Intestine (Si)
VII	Сийдақ пуфак меридиан	Szu-tay-yan-pan-gyan-szin	Vessie (V)	Blase (B)	Bladder (B)
VIII	Бутирак меридиан	Szu-shao-in-shen-szin	Reins (R)	Nieren (N)	Kidney (K)
IX	Перикард меридиан	Shou-szyue-in-bao-lo- szin	Maitre du Couer (MC)	Kreislaufsexus (KS)	Circulationsex (Cx)
X	Тана "уч буъднинг" меридиан	Shou-shao-yan-san-szyao- szin	Trois Rechau-fleurs (TR)	Drei-Heizer (3ZE)	Three Heartess (T)
XI	Ўт пуфак и меридиан	Szu-shao-yan-dan-szin	Vesicule Biliaire (VB)	Gallenblase (G)	Gall Bladder (G)
XII	Жигар меридиан	Szu-szyue-in-gan-szin	Foie (F)	Leber (Le)	Liver (Liv)
XIII	Орқа ўрта меридиан	Du-may	Tou-Mo (TM, T)	Gouverneur (TM, VG)	Governing Vessel (GV)
XIV	Олд ўрта меридиан	Jen-may	Jenn-Mo (JM, J)	Conception (JM, VC)	Conception Vessel (CV)

Тана соҳасининг стандарт сонда пропорционал қисмларга бўлиниши

Анатомик соҳа	Чизиқ	Стандарт сонда бўлиниши
Бош	Ўрта чизиқ: қаншар усти – энса дўмбоғининг юқори чеккаси	12
Қорин	Ханжарсимон ўсиқ негизи – киндик Киндик – қов симфизининг юқори чеккаси	8 5
Қўл соҳаси	Елка: тирсак бурмаси – олд қўлтиқ бурмаси Билак: билак – кафт бўғими бурмаси – тирсак бурмаси	9 12
Оёқ соҳаси	Сон: тизза кўзининг юқори чеккаси – чов бурмаси Тақим бурмаси – думба бурмаси Болдир: ташқи тўпиқнинг юқори чеккаси – тақим бурмаси Ички тўпиқнинг юқори чеккаси – тақим бурмаси	12 13 15 14

Меридиан ўпкадан кекирдак орқали «таъсир учун қулай» бўладиган – меридианда ташқи юришнинг бошланиши (юқорида белгиланган «меридианнинг ўтиши» ички юришдан ва бу қисмга тўғри таъсирдан иборат) ўмров суяги остидан чиқади. Ўмров ости соҳасидан у қўлтиқ ости чуқурига йўналади ва юқори қўл соҳасининг медиал юзаси бўйича боради (елкада – икки бошли мушакларнинг ташқи чеккаси бўйича, тирсак соҳасида – билак суягининг олд чеккаси бўйича билак артериясининг юришига мувофиқ).

Қўл панжаси соҳасида меридиан бош бармоқнинг баландлиги бўйича ўтади ва I бармоқ нуқтаси шао-шан (P_{11}) тирноқ ўрнининг ички чеккасида тугайди.



5-расм. Тана соҳасининг пропорционал сонларда ифодаланган схематик тасвири

Меридианда «қувват юбориш» марказдан қочишдир. Анъанавий нуқтаи назар билан ўпка меридиани ўзида фақат морфологик субстратни, барча нафас олиш ва тери тизимидан иборат бўлган бир қанча функционал тизимни бирлаштиради.

Хитой халқ тиббиётининг классик қонунлари ўпканинг асосий фаолиятини қуйидагича белгилайди:

1. Ўпка модда алмашув ва нафас олиш даражасини назорат қиладди.

2. Ўпкадаги патологик ўзгаришлар тери, соч ва тер безлари фаолияти ҳолатига таъсир кўрсатади.

3. Ўпка фаолиятлари ўзаро чамбарчас боғланган бурун – ҳалқум, ҳиқилдоқ, бодомсимон безлар, кекирдак ва бронхларни назорат қиладди.

Нафас олиш фаолиятининг ёмонлашуви кўпинча бурундан нафас олиш фаолиятининг ёмонлашишига олиб келади, бундан «бурун – ўпканинг кўзгуси» деган тушунча келиб чиқади.

Шунга ўхшаш фаолиятни аниқлаш акупунктуралар (игна санчиб даволаш усули) амалиётида ўз тасдиғини топади. Шундай қилиб, ушбу меридиан нуқтасига санчиш бурун - ҳалқум, кекирдак, бронхлар ва ўпка, шу билан бирга бронхиал астма касалликларига кўпинча ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, юз ва юқори қўл соҳаси оғриқларида меридиан нуқтасига таъсир ўтказиш самаралидир.

Экзема, аллергик тошмалар ва бошқа касалликларда меридианнинг биологик фаол нуқтасида (БФН) акупунктураларнинг самарали қўлланиши, ўпканинг тери фаолиятига таъсири ҳақидаги қадимги концепцияни тасдиқлайди. Жарроҳлик амалиётида меридиан нуқталаридан қулоққа мос бўлган ўпка нуқтасига таъсир ўтказиш билан бирга терини кесишда фойдаланилади.

Шуни ёдда тутиш лозимки, меридианнинг энг фаол вақти бу – соат 3 дан соат 5 гача (барча меридианларнинг фаол вақти 4-жадвалда келтирилган) бўлган вақт оралиғидир ва бу даврда меридианлар кўпроқ «ишловга келадиган» тонусни кўтарувчи таъсирга эга бўлади. Унинг минимал фаоллик вақти – соат 15 дан 17 гача ва бу вақтда меридианни тўхтатиш осон.

Қадимги шифокорлар томонидан алоҳида аъзоларнинг санаб ўтилган биоритмлари замонавий клиник кузатувларда ҳам тасдиқланмоқда. Шунингдек, клинисистларга яхши маълумки, бронхиал астма


хуружлари кўпинча эрта тонгда, яъни соат 3 дан 5 гача бўлади, бу анъанавий шарҳларга мувофиқ ўпка меридианида қувватнинг максимал фаоллигидир.

Акупунктуралар амалиётида шунингдек «меъёрдан ошиш» (ўткир респиратор касалликларини эслатадиган – ҳароратнинг кўтарилиши, кафтнинг қизиши, баланд йўтал, томоқ оғриши, бронхиал астма) ёки «етишмовчилик» (бу кўпинча сурункали ўпка жараёнлари ёки тери фаолиятининг бузилиши билан кечадиган касалликларда қичиш, совуққа ожизлик, бўғиқ, йўтал, кўкрак қафасидаги оғриқ, шунингдек ушбу синдром учун характерлидир) синдромлари ажралиб туради. Ушбу маълумотларни билиш маълум маънода игнарефлексотерапияда хатоларни тузатишга ёрдам беради.

4-жадвал

Меридианларнинг фаоллик вақти

Меридианнинг номланиши	Меридианнинг фаолияти	Вақтлар	
		Максимал фаоллик	Минимал фаоллик
Ўпка	Инь	3-5	15-17
Йўғон ичак	Ян	5 – 7	17 - 19
Ошқозон	Ян	7 – 9	19 - 21
Талоқ – меъда ости беши	Инь	9 – 11	21 - 23
Юрак	Инь	11 – 13	23 – 1
Ингичка ичак	Ян	13 – 15	1 – 3
Сийдик пуфаги	Ян	15 – 17	3 – 5
Буйрак	Инь	17 – 19	5 – 7
Перикард	Инь	19 – 21	7 – 9
Тананинг уч бўшлиғи	Ян	21 – 23	9 – 11
Ўт пуфаги	Ян	11 – 13	1 – 3
Жигар	Инь	13 – 15	3 – 5
Орқа ўрта меридиани	Ян	-	-
Олд ўрта меридиани	Инь	-	-



6-расм. Ўпка меридианининг юриши ва унинг асосий нуқталари тасвири

Меридианга 11 та биологик фаол нуқталар (БФН) киради. Улар қуйидагилардир:

Р₁. Чжун-фу (ўрта уй) юнь-мэнь нуқтасидан 30 мм пастда жойлашган. *Топографик анатомияси* (ТА): катта кўкрак мускуллари юқори бўлими кўкрак артерияси, қовурғалараро нерв ва олд кўкрак нерви шохлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бронхиал астма, ўпка касалликлари, йўтал, юз ва қўл-оёқлар шиши, кўкрак соҳаси оғриқлари.

Р₂. Юнь-мэнь (булутлар эшиги) — ўмров суяги ташқи чеккаси остидаги чуқурликда, кўкрак ўрта чизигидан 6 цунь ташқарида. *Топографик анатомияси* (ТА): катта кўкрак мушаклари юқори бўлими,

қўлтиқ артериясининг бошланиши, елка нерв чигаллари шохлари. Укол чуқурлиги – 10 мм. Кўрсатма: аввалгидек (бу ерда ва кейинчалик «аввалгидек» сўзи остида бир хил, олдинги нуқталар учун ҳам бўлган кўрсатмани тушуниш лозим).

Р₃. Тянь-фу (самовий қаср) – елканинг икки бошли мушаклари билан чеккасида, қўлтиқ чуқурчасидан 3 цунь пастда. Агар қўл кўтарилса ва бурун учини унга теккизишга ҳаракат қилинса, у ҳолда бу жой тян-фу нуқтасига мос келади. *Топографик анатомияси* (ТА): елканинг ташқи юзаси венаси, елканинг мускул-тери нерви ва юқори латерал тери нерви. Укол чуқурлиги 12 мм. Кўрсатма: нафас олиш аъзолари касалликлари, кўкрак соҳаси, елка ва елка бўғимларидаги оғриқ, некрозлар, бош айланиши.

Р₄. Ся-бай (улуғвор нур) — елка икки бошли мушакларининг ташқи четиди, қўлтиқ чуқури сатҳидан 4 цунь пастда. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: юрак невроген касалликлари, пароксизмал тахикардия, кўнгил айнаши, кўкракдаги оғриқ.

Р₅. Чи-цзэ (тирсак ҳовузи) — тирсак букилишида, елка икки бошли мускули, билан чети пайларида. *Топографик анатомияси* (ТА): қайтувчи билан артерияси, билан нерв ва биланнинг латерал тери нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: нафас олиш аъзолари ва асаб тизими касалликлари (неврозлар, реактив ҳолатлар, сийдик тута олмаслик, болаларда томир тортишиши, курак соҳасидаги оғриқ, гемипарез, плекситлар).

Р₆. Кун-цзуй (юқори оралик) – билан-кафт бурмаларидан 7 цунь юқори, елка-билан мушакларининг ички чеккаси, бириктирувчи Р₈ ва Р₉ нуқталари чизигида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: ўткир респиратор касалликлари, юқори ҳарорат, овознинг бўғилиши, ларингит, фарингит, елка соҳаси ва қўл бўғимларидаги оғриқ.

Р₇. Ле-цзюе (бурилиш камчилиги) — билан суягининг билан чеккасида, билан кафт бурмасидан 15 цунь юқори билан суягининг бигизсимон ўсиқчасида. *Топографик анатомияси* (ТА): билан артерияси шохлари, билан латерал тери нерви ва билан нерв. Укол чуқурлиги 6 мм. Кўрсатма: мимика мускуллари учини ва контрактура, юз ва уч шохли нервлар неврити, ларингит, тонзиллит, энса соҳасидаги бош оғриғи, айниқса қайт қилиш билан кечадиган мигрен, қўл оғриши. Акупунктура амалиётидаги асосий нуқталардан биридир.

Р₈. Цзйи-цюй («канал» ёки меридиан ариқчалари) — билак-кафт бурмасидан 1 цунь юқори қўл панжасининг букувчи билак чеккасида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 6 мм. Кўрсатма: тонзиллит, бронхиал астма, қайт қилиш, ҳиқичоқ, билак нерви неврити.

Р₉. Тай-юань (катта манба) — билак чеккаси қўл панжасининг билакка букилиш пайи билак-кафт бўғимининг пастки бурмасида. *Топографик анатомияси* (ТА): билак артерияси, билак латерал тери нерви ва билак нерви. Укол чуқурлиги 6 мм. Кўрсатма: ўпка эмфиземаси, ангина, қовурғалар орасидаги невралгия, билакдаги оғриқ, конъюнктивит, кератит, уйқусизлик, депрессия. Артерияларга ўзига хос таъсир кўрсатади, артериал босимни максимал оширади ва ҳ.к.

Р₁₀. Юй-цзи (тенар чегараси) — билак томонидан қўл кафти 1 суяги негизида, кафт ва терининг ташқи юзаси чегарасида. *Топографик анатомияси* (ТА): билак артериялари тармоқлари ва кафт юзаси тармоқлари ўрта нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бош оғриши, бош айланиши, гипергидроз, тонзиллит.

Р₁₁. Шао-шан (ёш савдогар) — билак чети бош бармоқнинг тирноқ ўрни, ундан 3 мм ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): тегишли кафт бармоқ артериялари, билак нерви шохлари. Укол чуқурлиги 3 мм. Кўрсатма: ҳушдан кетиш ҳолати, оғиз бўшлиғи, ҳалқум ва қизилўнгач касалликлари, уйқусизлик, болаларда томир тортишиши, жарроҳлик манипуляцияларида терини оғриқсизлантириш учун нуқта.

Йўғон ичак меридиани (II; GI; Dd; Li)

Йўғон ичак меридианлари жуфт, ян меридианларининг қўл тизимига киради (7-расм). Меридиан кўрсаткич бармоғининг тирноқ ўрнидан 3 мм ташқаридан бошланади ва унинг билак чеккасидан узунасига кўтарилади, шу билан I ва II қўл кафти суяклари ораси ва бош бармоқни ёзувчи қисқа ва узун пайлар орасидан боради. Шундан сўнг меридиан билакнинг ташқи-билак ва елканинг орқа-ташқи юзаси чети бўйича елка бўғимини кесиб ўтади, куракнинг акромиал ўсиқчасигача бориб, ўша ердан да-чжуй (Т₁₄) нуқтасидан меридиан ўмров суяги устки соҳасига чиқади, ўша ердан унинг бир тармоғи тана ичкарисига йўғон ичакка кетади.

Меридианнинг иккинчи тармоғи ўмров суяги устки соҳасидан тўш-ўмров суяги – сўрғичсимон ўсиқ мускулининг орқа чеккаси бўйича бориб, унинг бурчагидан олдинги пастки жағга етади. Меридиан ин-сянь нуқтасининг қарама-қарши томонида тугайди, бунда бурун-лаб эгати билан айнан ўхшаш меридианнинг қарама-қарши томони кесишади.

Меридианда «қувват» юбориш – марказга интилишдир.

Анъанавий нуқтаи назардан, йўғон ичак меридиани нуқтасига таъсир ўтказиш кўпинча йўғон ичак ва ошқозон касалликларида, шиллиқ қават ва тери касалликларида, ўпка касалликларида тавсия этилади Унинг нуқталаридан фойдаланиш шунингдек, тананинг оғриқли синдромларида, айниқса оғиз бўшлиғи (тил, тишлар, бодом-симон безлар) юз соҳаси (бурун, қулоқ, кўз) оғриқларида самаралидир.

Жарроҳлик амалиётида хэ-гу нуқтасидан кўпинча умумий нуқталардан биттаси сифатида акупунктур оғриқсизлантириш учун фойдаланилади.

Меридианнинг энг мақбул фаоллик вақти – соат 5 дан соат 7 гача, минимал вақти эса – соат 17 дан соат 19 гача бўлган вақт оралиғидир. «Меъёрдан ошиш» синдромлари: юқори қўл соҳаси, орқа ва қорин оғриқлари, қориннинг дам бўлиши ва қабзият, бош айланиши ва бошқалар. «Етишмовчилик» синдромлари юқорида келтирилганларга қарама-қарши, яъни бунда ич кетиш, қўллардаги дармонсизлик, бронхиал астма ва бошқалар.

Меридианга 20 та биологик фаол нуқталар (БФН) киради. Улар куйидагилардир:

GI₁. Шан-ян (савдогар ян) — тирноқ ўрнидан ташқарига 3 мм жой қолдириб, кўрсаткич бармоғининг билак томонида жойлашган. *Топографик анатомияси* (ТА): тегишли кафт бармоқ артерияси, ўрта нерв шохлари. Укол чуқурлиги 3 мм. Кўрсатма: оғиз бўшлиғи касалликлари – тонзиллит, стоматит, ларингит, тиш оғриғи; қулоқ шанғиллаши, нафас олиш аъзолари касалликлари; ҳушдан кетиш ҳолатида тез ёрдам кўрсатиш.

GI₂. Эр-цзянь (иккинчи оралиқ) — кўрсаткич бармоқнинг билак томонида, чуқурлик пайпасланадиган жой, дистал қўл кафти – фаланга бўғимида. *Топографик анатомияси* (ТА): бармоқ орқа артерияси, билак нервининг сиртқи шохлари. Укол чуқурлиги 10 мм.

Кўрсатма: оғиз бўшлиғи аъзолари ва бурун (ларингит, тонзиллит, бурундан қон кетиши, тиш оғриғи) касалликлари, оддий ҳуснбузар ва б.

GI₃. Сань-цзянь (учинчи оралик) — II қўл кафти суяги билак чеккасида, унинг бошчасидан орқага (бу ерда чуқур пайпасланади). *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: аввалгидек (нуқта одатда эр-цзянь билан бирга, айниқса колитларда қўлланилади).


GI₄. Хэ-гу (суякларнинг бирлашиши) — I ва II қўл кафти суяклари орасида, II қўл кафти суягининг билак четига яқинроқда. *Топографик анатомияси* (ТА): бармоқ орқа артерияси, билак нервининг сиртқи шохлари. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: бош (юз, бурун, кўз, қулоқ), нафас олиш аъзолари касалликлари, коллапс, уйқусизлик, тунда терлаш, аменорея, неврастения, юқори қўл соҳасидаги оғриқ ва нимфалаж, ғавданинг юқори қисмидаги оғриқ синдромлари акупунктуранинг асосий нуқталаридан биридир.

GI₅. Ян-си (ян оқими) — «анатомик табакерка»да (бош бармоқни букувчи қисқа ва узун пайлар ораси) билак – кафт бўғимида. *Топографик анатомияси* (ТА): билак артерияси тармоқлари, билак нерви сиртқи шохлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бош оғриши, қулоқ шанғиллаши, тонзиллит, тиш оғриғи, билак – кафт бўғими касалликлари.

GI₆. Пянь-ли (қия ўтиш жойи) — билак суягининг орқа юзаси устида, билак – кафт бўғимидан 3 цунь юқорида. *Топографик анатомияси* (ТА): билак артерияси тармоқлари, билак нерви сиртқи шохлари, билак латерал тери нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

GI₇. Вэнь-лю (илиқ оқим) — билак суягининг орқа юзаси устида, билак-кафт бўғимидан билак букилишигача бўлган масофанинг ўрта-сида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 6-12 мм. Кўрсатма: оғиз бўшлиғи, ошқозон ва ичак касалликлари, қўл оғриқлари.

GI₈. Ся-лянь (қўлнинг пастки бўртиғи) — цюй-чи нуқтасидан 4 цунь пастда. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 6-15 мм. Кўрсатма: сийдик пуфағи сфинктерлар фалажи, ичак қулдираши, юрак соҳасидаги оғриқ, бронхит, плеврит, ўпка сили, мастит.



7-расм. Йўфон ичак меридианнинг юриши ва унинг асосий нуқталари тасвири

GI₉. Шан-лянь (қўлнинг юқори бўртиғи) — цюй-чи нуқтасидан 3 цунь пастда. Укол чуқурлиги 6-15 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

GI₁₀. Шоу-сань-ли (уч қўл масофа) – қўл панжасининг билакни ёзувчи узун орқа чеккаси ва билакни ёзувчи қисқа олд чеккаси цюй-чи нуқтасидан 2 цунь пастда *Топографик анатомияси* (ТА): билак артерияси, билак нерви, билакнинг орқа тери ва латерал тери нервлари. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: тиш оғриғи, стоматит, тирсак ва елка соҳасидаги оғриқ, гемиплегия, апоплексия, билак нерви невралгияси, мастит, паротит, грипп, сурункали колитлар. Нуқта умумий мустаҳкамловчи гуруҳга киради.

GI₁₁. Цюй-чи (қийшиқ ҳавза) – тирсак букилишининг ташқи чеккасида (тирсак бурмаси ва букилган тирсак бўғимидаги тўпиқ орасидаги масофа ўртасида). *Топографик анатомияси* (ТА): билакнинг орқага қайтувчи артерияси, билак нерви, орқа тери ва билакнинг тери нервлари. Укол чуқурлиги 15-25 мм. Кўрсатма: тонзиллит, елка, курак ва тирсак соҳасидаги оғриқ, бош оғриғи, гемиплегия, плеврит, қовурғалараро невралгия, неврастения, анемия, тери касалликлари, сурункали колитлар. Бу нуқтага таъсир ўтказилганда умумий мустаҳкамловчи таъсир кўрсатади.

GI₁₂. Чжоу-ляо (билак бўғими чуқурчаси) – билак бўғимидан 1 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): билак коллатерал артерияси ва елканинг орқа тери нерви. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: қўл соҳаси касалликлари.

GI₁₃. Шоу-у-ли (беш қўл масофа) – елка суяги ташқи чеккасида, билак бўғимидан 3 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): билак нерви, билак артерияси тармоқлари, елканинг латерал тери ва орқа тери нервлари. Укол чуқурлиги 5 мм. Кўрсатма: пневмония, ревматизм, қўл ҳаракати ва сезиш фаолиятининг бузилиши, уйқучанлик, бўйин соҳасида сил лимфаденити, ваҳима.

GI₁₄. Би-нао (қўл мускуллари) – сюй-чи нуқтасидан 7 цунь юқори дельтасимон мушакларнинг бириктирилиш жойида. *Топографик анатомияси* (ТА): елка артерияси тармоқлари қўлтиқ нерви, елканинг латерал тери нерви. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

GI₁₅. Цзянь-юй (цзянь – елка суяги охири, юй – суяк бурчаги) – елка бўғими устида куракнинг акромиал ўсимтаси ва елка суягининг катта бўртмаси (қўл кўтарилганда ҳосил бўладиган чуқурга тўғри

келади) орасида. *Топографик анатомияси* (ТА): курак усти ва курак акромиал артериясининг артериал тармоғи, елка чигалларининг тери тармоқлари ва ўмров усти нерви шохлари. Укол чуқурлиги 20 мм. Кўрсатма: гипертония касаллиги, гемиплегия, бўйин қийшайиши, елка соҳасидаги оғриқ.

GI₁₆. Цзюй-гу (катта суяк) – ўмров курак бўғимидан чуқурлик ичига. *Топографик анатомияси* (ТА): Курак усти артерияси тармоқлари, курак усти ва ўмров усти нервлари. Укол чуқурлиги 12-20 мм. Кўрсатма: болаларда томир тортишиши, пастки жағ соҳасида тиш оғриғи, плекситлар, елка-курак периартритлари.

GI₁₇. Тянь-дин (осмон томири) – тўш-ўмров-сўрғичсимон ўсиқ мушакларининг орқа чеккаси, қалқонсимон тоғайнинг пастки чеккаси бўйлаб. *Топографик анатомияси* (ТА): ташқи уйқу артерияси, бўйин тери нервлари. Бу нуқтанинг жойлашуви шунингдек, диафрагмал нерв ва бўйин чуқурлигида бўлган нерв чигаллари йўналишига мос келади. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: тонзиллит, ларингит, ютумнинг қийинлашуви.

GI₁₈. Фу-ту (ён томондан бўртиб чиқиш) – тўш-ўмров-сўрғичсимон мушаклари қоринча марказида қалқонсимон тоғай юқори чеккаси бўйлаб. *Топографик анатомияси* (ТА): бўйиннинг юқорига кўтаришувчи артерияси, бўйин нервларининг тери тармоқлари, қўшимча нерв. Бош қимирлатувчи мускул остидан ички бўйинтуруқ венаси ва сайёр нерв ўтади. Укол чуқурлиги 12 мм. Кўрсатма: йўтал, астма, гипер ёки гипосаливатсия, функционал афония, паст артериал босим.

GI₁₉. Хэ-ляо (кичик чуқурча) – бурун қанотидан 15 мм паст, жэнь – чжун нуқтаси билан бир даражада. *Топографик анатомияси* (ТА): ташқи жағ артерияси тармоқлари, ташқи жағ веналари ва пастки кўз косаси нерви (уч шохли нервнинг иккинчи тармоғидан давом этади). Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: ўткир ва сурункали ринит, ҳид билишнинг пасайиши, бурундан қон кетиши, бурун полиплари, бурун фурункули, юз нерви неврити, чайнов мушаклари учиши ва контрактура, уч шохли нерв невралгияси.

GI₂₀. Ин-сян (табрик иси) – бурун қанотининг ён эгати юқори чеккасида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 3-10 мм. Кўрсатма: ўткир ринит, ҳид сезиш қобилиятининг пасайиши, бурундан қон кетиши, юз нерви неврити ва бошқалар.

Одатда аввалгилар билан бирга қўлланилади.

Ошқозон меридиани (III; E; M; S)

Ян оёқ меридианлари тизимига киради, жуфт (8-расм). Йўғон ичак меридиани нуқтасидан чиқишда бошланиб, юқорига йўналиб сийдик пуфаги меридиани билан цин-мин (V_1) нуқтасида алоқа ўрна-тиб, кўзнинг ички бурчагига яқинлашади. Ўша ердан у орбитанинг (чэн-ци E_1 нуқтасига киришда) пастки чеккаси ўртасига яқинлашади ва бурун қаноти бўйлаб пастга вертикал тушади. Кейин у бурун-лаб бурмаси ўртасига йўналади, ундан сўнг оғиз бурчагига (ди-цан нуқтаси, E_4) яқинлашади, бироқ энди пастки лабга (Чэн-цзянь нуқтаси, J_{24}).

Пастки лабдан меридиан пастки жағ бўйича йўналади ва тахминан $2/3$ иякдан унинг бурчагигача икки тармоққа бўлинади. Улардан биттаси пешона тепаси соҳасига етиб, қулоқ супраси олдидан юқорига кўтарилади.

Меридианнинг иккинчи тармоғи тўш-ўмров-сўрғичсимон ўсиқ мускулининг олд чеккаси бўйлаб пастга тушади, у ердан да-чжуй (T_{14}) нуқтасига қайтиб, тахминан сўрғич чизиғи бўйлаб боради. Бу соҳада меридиан тана ичига тармоқланиб, ошқозон ва қорин бўшлиғининг бошқа аъзоларига яқинлашади, ундан сўнг қайта Ци-чун (E_{30}) нуқтасида меридианнинг ташқи қисми билан пешона бўйлаб бири-кади. Меридианнинг ташқи қисми ўмров ости соҳасидан ўмров ўртаси чизиғи бўйича пастга йўналади. 10 қовурға бўйлаб меридиан ичкарига оғади ва қоринда шу қорин тўғри мушакларининг ташқи чеккаси бўйича ўтади. Пешона суягининг юқори чеккасига етиб ва чуқур тармоқ билан бирикиб, тўрт бошли мушакларнинг ташқи чеккаси бўйича ўтувчи соннинг ташқи – олд юзасига чиқади. Кейинчалик меридиан тизза бўғимини кесиб ўтади ва болдирда ҳам шундай олд ташқи юзаси бўйича жойлашади (бармоқларни ёзувчи узун ва бош бармоқни ёзувчи узун мушаклар орасида). Оёқ панжасида меридиан II ва III оёқ кафти суяклари орасидан ўтади ва оёқ панжасининг II бармоғи тирноқ ўрнидан ташқарида ли-дуй (E_{45}) нуқтасида тугайди.

Анъанавий нуқтаи назардан, ошқозон меридиани ички аъзоларга умуман ва айниқса, ошқозонга, бунда ошқозон секрециясини назорат қилган ҳолда таъсир кўрсатади.

Даволаш амалиётида ошқозон меридиани нуқтасини қўллаш кўп ҳолларда уларнинг жойлашиш ўрнига боғлиқдир. Бошда жойлаш-

ган нуқталар сезги аъзолари ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида қон айланишини меъёрга келтирувчи таъсир кўрсатади. Ошқозон меридиани орқали, шунингдек, невралгия ва юз мушаклари спазмаларини даволаш мумкин. Бўйин соҳасида жойлашган меридиан нуқталари ҳиқилдоқ ва юқори нафас йўлларига таъсир кўрсатади, бу вақтда кўкрак қафаси соҳаси нуқталари сифатида ўпка ва бронхлар фаолиятига айниқса таъсир қилади.

Кўкрак ва қорин соҳаси нуқталарини стимуллашда гастрит ва энтерит яхши даволанади.

Оёқларда жойлашган нуқталарга таъсир кўрсатиш нафақат оёқ соҳаси, балки бошқа (бўйин ва бош) соҳалардаги қон айланишининг бузилишида ҳам самаралидир. Ошқозон меридианининг пастки нуқталарини шунингдек, бош оғриғи, кўз ва бошқа касалликлар учун қўллаш мумкин. Шундай қилиб, ошқозон меридиани нуқталарини стимуллаш бош, бурун, юз, тишлар, томоқ касалликларига таъсир кўрсатади, баъзи асаб тизимининг бузилиши, овқат йўллари касалликлари, безгак касалликларида самаралидир. Жарроҳлик амалиётида цзу-сань-ли (E₃₆) нуқтаси акупунктур оғриқсизлантириш учун асосий нуқталардан бири сифатида қўлланилади.

Ошқозон меридианида «меъёрдан ошиш» синдромлари қуйидагилар: кўкрак қафасининг олд юзаси, ошқозон ва оёқ оғриғи, кекириш билан қориннинг дам бўлиши, қабзият ва очлик ҳисси, оғзининг қуриши, қўзғалиш ва бошқалар. Меридианда «етишмовчилик» синдромлари юқорида тасвирланганларга қарама-қарши: овқат ҳазм қилишнинг бузилиши (қорин қулдираши ва қорин тўлалиги ҳисси, ич кетиши, қайт қилиш), сон, болдир соҳасида увушиш ва совиб кетиш ҳисси, қорин мушакларининг оғриши, депрессия ва бошқалар.

Меридианга 45 та биологик фаол нуқталар (БФН) киради.

E₁. Чэн-ци (кўз ёши резервуари) – орбитанинг пастки чеккаси ўртасида нуқта одатда кўз қорачиғи бўйича аниқланади, унинг ўртасига тўғри келади). *Топографик анатомияси* (ТА): кўз косаси артерияси, кўз косаси нерви. Укол чуқурлиги 6 мм. Ўта чуқур уколга йўл қўйилмайди, цзю мумкин эмас. Кўрсатма: кўз касалликлари, оғиз ва кўз айлана мушакларининг учиши ва контрактура.

E₂. Сы-бай (тўрт карра ёруғлик) – чэн-ци нуқтасидан 1 мм паст, кўз косаси тешигига тўғри келади. *Топографик анатомияси* (ТА): кўз косаси артерияси, кўз косаси нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма:

уч шохли нерв невралгияси, кўз касалликлари, бош оғриши, бош айланиши, гаймарит, ренитлар, юз нерви неврити, мимика мускуллари контрактураси, нутқнинг бузилиши.


Е₃. Цзюй-ляо (катта чуқурча) – сы-бай нуқтаси билан бир вертикал чизиқда ва жэнь-чжун (бурун-лаб бурмасида) нуқтаси билан горизонтал чизиқда. *Топографик анатомияси* (ТА): юз артерияси тармоқланиши, юз нерви тармоқлари, кўз косаси нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: юз нерви неврити, мимика мускуллари учиши ва контрактураси, кератит, глаукома, миопия, гаймарит, тиш оғриши, лаб ва лунж касалликлари.

Е₄. Ди-цан (ердаги ғалла кони) – оғиз бурчагидан 10 мм ташқарида. *Топографик анатомияси* (ТА): уч шохли ва юз нерви тармоқлари. Чуқурликда юз артерияси ўтади. Укол чуқурлиги 10 мм. Игналарни (30-70 мм) горизонтал киритиш мумкин. Кўрсатма: юз нерви неврити, оғиз ва кўз айлана мушакларининг учиши ва контрактура, уч шохли нерв невралгияси, нутқнинг бузилиши ва бошқалар.

Е₅. Да-ин (катта қабул) – пастки жағнинг олдинги юзасида жағ бурчагидан 1 цунь олдинга (пастки жағнинг учинчи катта илдиз тиши бўйлаб). *Топографик анатомияси* (ТА): юз нерви тармоқлари, уч шохли нерв тармоғи, катта қулоқ нерви, пастки алвеоляр артерия. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: юз шиши оғиз айлана мушаклари, чайнов мушаклари, бўйин ва кўз соҳаси мушакларининг учиши ва контрактура, нутқнинг бузилиши, тиш оғриши.

Е₆. Цзя-чэ (жағ араваси) – пастки жағ бурчагидан 10-12 мм (чуқурда) олдинга ва юқорига. *Топографик анатомияси* (ТА): чайнов артерияси, уч шохли нерв тармоқлари, катта қулоқ нерви. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: юз нерви неврити, мимика нерви учиши ва контрактура, уч шохли нерв невралгияси, овознинг бўғилиши, тиш оғриши (пастки жағда) – стоматит, бўйин соҳаси мушакларининг оғриши, учиши ва контрактура, бўйин-энса соҳасида пай чўзилиши, гимиплегия, тетраплегия, нутқнинг бузилиши.

Е₇. Ся-гуань (пастки чегара) – пастки жағ бўғими ўсимтасидан олдинга ва пастга, чуқурда. *Топографик анатомияси* (ТА): юз кўндаланг артерияси, чакка юза артериясининг учинчи тармоғи. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: юз нерви неврити, бош айланиши, қулоқ шанфиллаши, эшитишнинг пасайиши, тиш оғриши (юқори жағда).



8-расм. Ошқозон меридианининг юриши ва унинг асосий йўналиши тасвири

Е₈. Тоу-вэй (чарчаган бош) – шэнь-тин нуқтасининг кўндаланг чизиғи, пешона бурчаги бошнинг сертук қисми чуқурлигида, пешона ва бош тепа суягининг бирикувидан ҳосил бўлган жойда. *Топографик анатомияси* (ТА): чакка юзаки артериясининг пешона тармоқлари, юз нервининг чакка тармоқлари, уч шохли нервнинг биринчи ва иккинчи тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: пешона соҳасидаги оғриқ, мигрен, конъюнктивит, кўриш қобилиятининг пасайиши, кўз ёшланиши, юз неврити ва уч шохли нервлар невралгияси.

Е₉. Жэнь-ин (қадимда номланиши уйқу артерияси) – тўш-ўмров-сўрғичсимон ўсиқ мушакларининг олдинги четида, қалқонсимон тоғайнинг юқори чеккаси бўйлаб. *Топографик анатомияси* (ТА): умумий уйқу артериясининг ички ва ташқи уйқу артериясига бўлиниш жойи. Бу соҳа ташқарисида бўйин ҳалқаси – орқада сайёр нерв ва бўйин кўндаланг нерви жойлашган. Укол чуқурлиги 10 мм. Ўта чуқур укол ва куйдириш мумкин эмас. Кўрсатма: ларингит, тонзиллит, ўпка касалликлари, гипертония касаллиги.

Е₁₀. Шуй-ту (шаршара) – қалқонсимон тоғайнинг пастки чеккасида ташқарига, тўш-ўмров суяги-сўрғичсимон ўсиқ мушакларининг олди чеккасида. *Топографик анатомияси* (ТА): умумий уйқу артерияси, артериядан олдинги тил ости нервининг пасайиб борувчи тармоғи, артериядан ташқарига бўйиннинг сайёр нерви ва кўндаланг нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: тонзиллит, бронхит, астма, ларингит, кўкйўтал.

Е₁₁. Ци-шэ (нафас олиш кулбаси) – ўмров суякларининг тўш суяги учи юқори чеккасида, тўш-ўмров суяги - сўрғичсимон ўсимта мускуллари орасида. *Топографик анатомияси* (ТА): умумий уйқу артерияси, сайёр нерв, симпатик поя, бўйин нервларининг тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

Е₁₂. Цюе-пэнь (синган жом) – тўш-ўмров суяги - сўрғичсимон ўсимта мушакларининг орқа чеккасида, ўмров суяги устки чуқурчаси ўртасида. *Топографик анатомияси* (ТА): дорсал курак артерияси, ўмров устки нерви, ичкарида ўмров ости суяги артерияси ўтади. Укол чуқурлиги 10 мм (игнани 10 мм дан ортиқ чуқурлаштириш мумкин эмас. Негаки ўпка учинчи шикастлаш хавфи бор, бу эса, йўтал ва ҳиқичоқ чақриши мумкин). Кўрсатма: астма, плеврит, бўйин ва елка соҳаси мушакларининг яллиғланиш жараёни, қовурғалараро нервлар невралгияси, тонзиллит, сил лимфаденити.

Е₁₃. Ци-ху (нафас олиш уйи) – ўмров ости суяги, кўкрак ўрта чизигидан 4 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): энг юқори қовурғалараро артерия, латерал кўкрак ва ўмров ости нервлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: нафас олиш аъзолари касалликлари, диафрагмалар спазми, кўкйўтал, ҳиқичоқ.

Е₁₄. Ку-фан (хазина) – биринчи қовурғалараро, кўкрак ўрта чизигидан 4 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: ўпка касалликлари.

Е₁₅. У-и (пардали хона) – иккинчи қовурғалараро ўрта чизикдан 4 цунь ташқарига. Укол чуқурлиги 10 мм. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Кўрсатма: аввалгидек.

Е₁₆. Ин-чуан (лочин ойнаси) – учинчи қовурғалараро, ўрта чизикдан 4 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

Е₁₇. Жу-чжун (кўкрак ўртаси) – сўрғич марказида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол ва қуйдириш ўтказилмайди.

Е₁₈. Жу-чэнь (кўкрак илдизи) – бешинчи қовурғалараро, ўрта чизикдан 4 цунь ташқарида. *Топографик анатомияси* (ТА): қовурғалараро артерия, латерал кўкрак нерви ва қовурғалараро нервнинг тармоқланиши. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: сут безларининг яллиғланиши жараёнлари, гипогалактия, йўтал, плеврит, қовурғалараро невралгия.

Е₁₉. Бу-жун (кириш ман этилади) – қориннинг ўрта чизигидан 6 цунь юқорида, тоғайнинг VIII қовурғага бирикиши пастки чеккасида. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: ошқозон, жигар, юрак касалликлари, курак ва елка соҳасида ҳаракат ва сезги фаолиятининг бузилиши, қовурғалараро невралгия.

Е₂₀. Чэнь-мань (қабул қилувчи тўлалик) – қориннинг ўрта чизигидан 2 цунь ташқарига ва киндикдан 5 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: йўтал, қонли қайт қилиш, ютумнинг қийинлиги, иштаҳанинг пасайиши, қориннинг дам бўлиши, ич кетиши, ичакларда қулдираш, перитонит, сариқ касаллиги, диафрагмалар спазми.

Е₂₁. Лян-мэнь (чорраҳа дарвозаси) – қорин ўрта чизигидан 2 цунь ташқарига ва 4 цунь киндикдан юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 20 мм. Кўрсатма: ошқозоннинг турли касалликлари, хусусан гастрит, ошқозон яраси касаллиги, иштаҳанинг пасайиши, диспепсия ва бошқалар.

Е₂₂. Гуань-мэнь (чегара дарвозаси) – қорин ўрта чизиғидан 2 цунь ташқарига ва киндикдан 3 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): юқори қорин бўшлиғи усти артерияси, қовурғалараро нерв. Укол чуқурлиги 25 мм. Кўрсатма: ошқозон ва ичак касаллиги, сийдик тута олмаслик.

Е₂₃. Тай-и (катта хонада) – қорин ўрта чизиғидан 2 цунь ташқарига ва киндикдан 2 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): қорин усти юқори артерияси, кўндаланг чамбар ичак. Укол чуқурлиги 25 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

Е₂₄. Хуа-жоу-мэнь (сирғанчиқ мойланган эшик) – қорин ўрта чизиғидан 2 цунь ташқарига ва 1 цунь киндикдан юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 25 мм. Кўрсатма: эпиплея, глоссит, сурункали гастроэнтерит, асцит, нефрит, эндометрит, ҳайз циклининг бузилиши.

Е₂₅. Тянь-шу (осмон устун) – қорин ўрта чизиғидан 2 цунь ташқарига, киндик бўйлаб. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 15-30 мм. Кўрсатма: ошқозон ва ичак касалликлари, холицистит, нефрит, эндометрит, ҳайз циклининг бузилиши.

Е₂₆. Вай-лин (ташқи тепалик) – қорин ўрта чизиғидан 2 цунь ташқарига ва киндикдан 1 см паст. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 25-30 мм. Кўрсатма: қорин пастки қисмидаги оғриқ, ичак санчиғи, кўкрак қафаси олд деворининг оғриши.

Е₂₇. Да-цзюй (катта ҳукмронлик) – қорин ўрта чизиғидан 2 цунь ташқарига ва киндикдан 2 см пастроқда. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 25-30 мм. Кўрсатма: уйқусизлик, ичак санчиғи, қабзият, сийдик тугилиши, астения.

Е₂₈. Шуй-дао (сув йўли) – қорин ўрта чизиғидан 2 цунь ташқарига ва киндикдан 3 см пастроқ. *Топографик анатомияси* (ТА): қорин усти юза ва қорин усти пастки артерияси, XII қовурғалараро ва ёнбош-қорин ости нервлари. Укол чуқурлиги 25 мм. Кўрсатма: нефрит, цистит, сийдик тугилиши, эпидидимит, миелит, ичак санчиғи, тўғри ичак тушиши, бачадон ва тухумдонлар касаллиги.

Е₂₉. Гуй-лай (қайтиш) – қорин ўрта чизиғидан 2 цунь ташқарига ва киндикдан 4 см пастда. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 15-25 мм. Кўрсатма: сийдик-таносил доирасидаги касалликлар.

Е₃₀. Ци-чун (нафас олиш зарбаси) – қорин ўрта чизиғидан 2 цунь ташқарига пешона суяги дўмбоқчаси бўйлаб. *Топографик анатомия-*

си (ТА): ёнбош суякни айланиб ўтувчи, юза артерия, қорин усти юза ва қорин усти пастки артерияси, ёнбош-қорин усти ва ёнбош – чов нервлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: аёл ва эркаклар жинсий аъзолари касалликлари, бел оғриғи.

Е₃₁. Би-гуань (сон чегараси) – тикилувчи мушаклар ва соннинг сербар фасциясини таранглаштирадиган мушаклар орасида, тизза кўзининг юқори чеккасидан 12 цунь баланд. *Топографик анатомияси* (ТА): сон суягини айланиб ўтувчи, латерал артериянинг тармоқланиши, сон нерви тармоқлари, соннинг латерал тери нерви ва ёнбош-чов нерви. Укол чуқурлиги 20 мм. Кўрсатма: бел оғриғи, оёқларда сезги ва ҳаракат фаолиятининг бузилиши, чов лимфаденити.

Е₃₂. Фу-ту (ёнбошга туртиб чиқиш) – сон суягидан ташқарига ва олдинга, қоринчада сон тўғри мушаклари, тизза кўзи юқори чеккасидан 6 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): латерал артерия тармоқлари, сон суягини айланиб ўтувчи, сон нервининг мускул ва тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 20 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

Е₃₃. Инь-ши (сояли бозор) – сон тўғри ва кенг мушаклари орасида, тизза кўзи юқори чеккасидан 3 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 12 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

Е₃₄. Лян-цю (тепалик чўққиси) – сон тўғри ва кенг мушаклари орасида, тизза кўзи юқори чеккасидан 2 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 12 мм. Кўрсатма: гонит, бел оғриғи, мастит, оёқлардаги оғриқ ва дармонсизлик.

Е₃₅. Ду-би (бузоқ бурни) – тизза кўзи бойламидан чуқурча ташқарисида, тизза кўзининг пастки чеккаси бўйлаб *Топографик анатомияси* (ТА): тизза бўғими артериал тармоғи, сон нервининг олд, тери тармоқлари, катта болдир ва умумий кичик болдир нерв тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: тизза бўғими фаолиятининг бузилиши.

Е₃₆. Цзу-сань-ли (уч оёқ масофа) – катта болдир суяги тармоғидан 30 мм ташқарига; тизза кўзи пастки чеккасидан 3 цунь паст. *Топографик анатомияси* (ТА): нуқта катта болдир олд мушаги ва бармоқларни ёзувчи, олд катта болдир артерияси тармоқланадиган жой, чуқур кичик болдир нерви, сон нервининг олд тери тармоғи ва болдирнинг латерал тери нерви. Укол чуқурлиги 15-25 мм, 3 ёшгача бўлган болаларда укол чуқурлиги 3-6 мм. Кўрсатма: овқат ҳазм

қилиш аппарати, оёқ соҳаси касалликлари, умумий ориқлаб кетиш, оғиз бўшлиғи касалликлари, сийдик тутилиши, гипертония касаллиги, бош оғриғи, кўз касалликлари. Акупунктура амалиётидаги асосий нуқталардан бири, организмга умумий мустақкамловчи таъсир кўрсатади.

Е₃₇. Шан-цзюй-суй (юқори катта бўшлиқ) – цзу-сань-ли нуқтасидан 3 цунь паст, катта болдир мушаклари қоринчасида. *Топографик анатомияси* (ТА): олд катта болдир артерияси ва чуқур кичик болдир нерви. Бу соҳада болдир нервнинг сезги толалари жойлашган. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: бел оғриғи, оёқларда сезги ва ҳарорат фаолиятининг бузилиши, гонит, ошқозон-ичак касалликлари.

Е₃₈. Тяо-коу (серажин оғиз) – катта болдир ва кичик болдир суякларни ораси, латерал тўпиқ суягининг юқори чеккасидан 8 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): бармоқларни букувчи узун ва олд катта болдир мушаклари орасида. Бу соҳада олд катта болдир артерияси, чуқур кичик болдир ва болдир нервлари ўтади. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: ошқозон-ичак касалликлари ва оёқ касалликлари.

Е₃₉. Ся-цзюй-суй (пастки улкан бўшлиқ) латерал тўпиқ юқори чеккасидан 7 цунь юқори, катта болдир ва кичик болдир суякларни орасида. *Топографик анатомияси* (ТА): олд катта болдир артерияси, чуқур кичик болдир нерви, болдирнинг латерал тери нервлари. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: оёқларда сезги ва ҳарорат фаолиятининг бузилиши, фантом оғриқ, бош оғриғи, қовурғалар ораси невралгияси, тонзиллит, сўлак оқиши, мастит.

Е₄₀. Фэн-лун (бой тўлиқлик) - Е₃₈ нуқтаси (ундан 1,5 бармоқ кўнданланг ўлчам ташқарига) ва кичик болдир суяги олд чеккаси ўртасида, латерал тўпиқ юқори чеккасидан 8 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): олд катта болдир артерия тармоқлари, чуқур кичик болдир нерви ва болдир нервнинг сезги толалари. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: оёқ сезги ва ҳаракат фаолиятининг бузилиши, бош оғриғи, қабзият, сийдик тутилиши, жигар касалликлари, балғамли йўтал.

Е₄₁. Цзе-си (узуқ-юлуқ оқим) – болдир панжа бўғими маркази оёқ панжаси бўғимида бош бармоқни букувчи узун пайлар ва бармоқларни букувчи узун чуқурча орасида. *Топографик анатомияси* (ТА): катта болдир олд артерияси тармоқлари ва кичик болдир юза нерви.

Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: оёқ касалликлари, юз соҳаси шишлари, бош айланиши, бош оғриши, эпилепсия, қабзият, метеоризм.

Е₄₂. Чун-ян (шиддатли ян) – оёқ панжасининг энг юқори туташган жойи, II-III панжасимон бўғимлари ва II-III оёқ кафти суяклари орасида. *Топографик анатомияси* (ТА): оёқ панжасининг устки артерияси, оралиқ устки тери нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: оёқда сезги ва ҳаракат фаолиятининг бузилиши, оёқ бўғимларининг яллиғланиши касалликлари, тиш оғриши, гингивит, эпилепсия, қайт қилиш, метеоризм, анорексия.

Е₄₃. Сянь-гу (пасайиб борувчи тепалик) – II-III оёқ кафти суяклари орасида (энг кенг жойда). *Топографик анатомияси* (ТА): катта болдир суягининг олд томонидаги артериясидан айланиб ўтувчи, оёқ панжасининг устки артерияси ва оралиқ устки тери нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: юз соҳасидаги шиш, конъюнктива гиперимияси, ичак қулдираши, ичак санчиғи, безгак касалликлари, тунда терлаш.


Е₄₄. Нэй-тин (ички ҳовли) – оёқ кафти суяklarининг II ва III бошчалари орасида. *Топографик анатомияси* (ТА): кичик болдир юзаси нервидан айланиб ўтувчи, бармоқ усти артерияси ва оёқ панжасининг устки бармоқ нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: вақти-вақти билан тутадиган безгак, юз соҳасидаги шиш, гингивит, овоз пайчалари спазми, ичак санчиғи, диафрагма спазми.

Е₄₅. Ли-дуй (қўрқинчли тўлов) – оёқ панжаси II бармоқ ўрнидан 3 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 3 мм. Кўрсатма: оғиз бўшлиғи касалликлари, бош оғриғи, психозлар, оёқ ва чов соҳаси оғриқлари, метеоризм.

Талоқ – ошқозон ости беzi меридиани (IV; RP; MP; CP)

Инь оёқ меридианлари тизимига киради, жуфт (9-расм). Оёқ панжаси I бармоқ ўрни ички чеккасидан бошланади. Оёқ панжасида меридиан унинг ички-ёнбош юзасигача тери усти ва оёқ ости чегарасидан ўтади. Медиал тўпиқ суягидан бирмунча олдинда болдир-товон бўғимини кесиб ўтади ва катта болдир суягининг орқа чеккаси бўйича юқорига йўналиб, болдирнинг олд-ички юзасидан чиқади.

Тизза бўғимини кесиб ўтади ва чов бойламлари ўртасини кесиб ўтиб, сон олд ички юзаси бўйича қоринга етади. Мана шу даражада меридиан икки тармоққа бўлинади: улардан бири – юза – олд қорин



9-расм. Талоқ-ошқозон ости беzi меридиани йуналиши ва унинг асосий нуқталари тасвири

девори бўйича олд-ўрта чизиғидан, 4 цунь масофага йўналади. XI қовурға бўйлаб меридиан ташқарига оғади ва олд ўрта чизиғидан 6 цунь масофага кўкрак қафасидан ўтади. Иккинчи қовурғааро оралиқча етиб, меридианнинг юза тармоқлари бирмунча ташқарига ва пастга бурилади, да-бао нуқтаси ўрта қўлтиқ чизиғи бўйича олтинчи қовурғааро оралиқда тугайди. Меридианнинг иккинчи (чуқур) тармоғи, қорин бўшлиғи қорин пастки бўлимига кириб, талоқ, ошқозон ости беши (анъанага кўра ўнг меридианни ошқозон ости беши, чап меридианни талоқ бошқаради) ва ошқозонга боради. Диафрагмани кесиб ўтгандан кейин у қизилўнғач узунлигида тил ўзаги-гача кўтарилади ва унинг пастки юзасида бўлинади.

Аввал меридианнинг ошқозон ости тармоғидан коллатерал давом этади, худди шундай диафрагмани кесиб ўтади, бироқ юракка йўналади.

Меридианда «қувват йўналиши» – марказга интилишдир.

Қадимги Шарқ тиббиёти концепцияларига мувофиқ, талоқ меридиани (ҳам аъзо сифатида) – ичакларда овқатнинг силжиши ва ҳазм бўлиши, шунингдек, озиқ моддаларнинг сўрилишида алоқага эга фаолият тизимидир. Бундан ташқари, талоқ организмда сув алмашувини бошқаради ва унинг фаолияти бузилиши шишларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Масалан, операциядан кейин ўпка шишининг ривожланишида, қорин бўшлиғи аъзоларидаги операциядан кейин, талоқ меридиани ва қўшилган меридиан – ошқозон меридианига таъсир ўтказиши керак.

Талоқ шунингдек, қон таркиби ва уни тозалашни йўлга қўяди ва бошқаради, қонга озиқ моддалар узатиб, шу билан уларни етарлича қон билан таъминлаб, бошқа аъзолар фаолиятини меъёрга келтиради.

Талоқ жигар билан мушаклар ҳолатига жавоб беради. Шарқ концепциясига биноан талоқ меридиани ошқозон ости беши ўз таъсири остида интеллект, фикрлаш ва тасаввурни «ушлаб туради».

«Меридианнинг шикастланиши» диагностикаси ҳамма игна билан даволовчи касалликларда ҳам маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради. Анъанага кўра, хотиранинг пастлиги, кундузги уйқучанлик, метеоризм, увушиш, оёқдаги дармонсизлик ва ширинликка ўч бўлиш – талоқнинг «етишмовчилик» белгилари ҳисобланади.

Меридиан фаолиятини аниқлаш учун оғиз бўшлиғи шиллиқ қава-ти, айниқса лабнинг ҳолатига визуал аҳамият берилади. «Оғиз та-

лоқнинг кўзгуси, лаблар эса, унинг саломатлиги аксидир». Соғлом талоқда – лаблар пушти ранг ва нам, қувват етишмовчилигида лаблар оқарган ва қуруқ бўлади.

Амалий фаолиятда шуни ёдда тутиш лозимки, ушбу меридиан нуқтасига игна санчиш овқат йўли (асосий меридиан ошқозон меридиани билан бирга), жигар, ошқозон ости бези, талоқ ва ўпка фаолиятини меъёрга келтиради.

Меридиан сийдик - таносил соҳаси (асосий меридианлар – буйрак ва жигар) касалликларини даволашда ёрдамчи рол ўйнайди. Меридианнинг дистал нуқталарига таъсир ўтказиш депрессиянинг баъзи кўринишлари, неврастения, шунингдек, ақлий инертлик, этибор концентрацияси етишмовчилиги ва чарчоқда эмоционал ва интеллектуал соҳага ижобий таъсир кўрсатади.

Меридианга 21 та биологик фаол нуқталар (БФН) киради. Улар: **RP₁**. Инъ-бай (сирли нур) – оёқ панжаси бош бармоғининг тирноқ ўрнидан 3 мм ичкарида жойлашган. *Топографик анатомияси* (ТА): оёқ панжасининг орқа бармоқ артерияси ва орқа бармоқ нерви. Укол чуқурлиги 3 мм. Кўрсатма: коллапс, ўткир энтероколит, қориннинг дам бўлиши, ҳайз циклининг бузилиши, томир тортишиши, руҳий касалликлар.

RP₂. Да-ду (катта шаҳар) – бош бармоқнинг ички томонида, дистал оёқ кафти фалангаси бўғимида. *Топографик анатомияси* (ТА): медиал товон артериясининг тармоқланиши, катта болдир нервини айланиб ўтувчи медиал товон нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

RP₃. Тай-бай (энг баланд нур) – I оёқ кафти суяги бошчасидан орқага, оёқ панжаси ички юзасида. *Топографик анатомияси* (ТА): катта болдир орқа артериясидан давом этувчи медиал товон артерияси ва катта болдир нервидан давом этувчи медиал товон нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: ошқозон ичак касалликлари, бел оғриши, оёқларда сезги ва ҳаракат фаолиятининг бузилиши, эпилепсия.

RP₄. Гунь-сунь (княз набираси) – оёқ панжасининг ички юзасида, оёқ кафти I суяги ўзагининг олд пастки чеккасида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: ошқозон-ичак касаллиги, миокардит, стенокардия, плеврит, бош ва юз соҳасидаги шиш, эпилепсия, метроррагия, одатий аборт.

RP₅. Шан-цю (йиғилиш тепалиги) – медиал тўпиқдан олдинга ва пастга, тўпиқ учи ва қайиқсимон суяк дўмбоғи орасидаги чуқурда. *Топографик анатомияси* (ТА): олд катта болдир артериясидан келиб чиқувчи, медиал тўпиқ олд артерияси, болдир медиал тери тармоқлари, кичик болдир юзаси нерв тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: ошқозон ичак касалликлари (метеоризм, ичак қулдираши, тил, қорин пастки қисмидаги оғриқ, қайт қилиш, қабзият, бавосил) томир ва суяклар касаллиги.

RP₆. Сань-инь-цзяо (уч инь нуқталари учрашуви) – катта болдир суягидан орқага медиал тўпиқ юқори чеккасидан 3 цунь юқорида. *Топографик анатомияси* (ТА): катта болдир орқа артерияси, болдир медиал тери тармоқлари, катта болдир нерви. Укол чуқурлиги 12-20 мм. Кўрсатма: сийдик – таносил тизими касалликлари (аменорея, метроррагия, жинсий аъзо соҳасидаги оғриқ, поллюсия) оёқда сезги ва ҳаракат фаолиятининг бузилиши, энтероколит, бавосил тугунларидан қон кетиши, уйқусизлик, неврастения. Акупунктура амалиётидаги асосий нуқталардан бири.

RP₇. Лоу-гу (очиқ тепалик) – медиал тўпиқнинг юқори чеккасидан 6 цунь юқори ва катта болдир суягидан 15 мм орқага. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 12 мм. Кўрсатма: овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари.

RP₈. Ди-цзи (ер аъзоси) – медиал тўпиқдан 8 цунь юқори, катта болдир суяги орқа чеккасида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 12-20 мм. Кўрсатма: бел оғриши, иштаҳанинг пасайиши, ошқозон спазми, аспермия, сурункали эндометрит, ўтқир цистит, ҳайз циклининг бузилиши.

RP₉. Инь-лин-цюань (тепаликдаги манба) – катта болдир суяги медиал тўпиқ орқа пастки чеккасида, тизза кўзи пастки чеккасидан 2 цунь паст; ян-лин-цюань нуқтаси бўйлаб. *Топографик анатомияси* (ТА): катта болдир суяги орқа томон артерияси, медиал пастки тизза кўзи артерияси ва болдир медиал тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 15-20 мм. Кўрсатма: ич кетиши, ичак санчиғи, аёлларда спазматик қабзият, сийдик тута олмаслик, сийдик тутилиши, колпит, ўтқир систит, уйқусизлик, гонит.

RP₁₀. Сюе-хай (қонли денгиз) – сон суяги медиал тўпиқ юқори чеккасида, тизза кўзи юқори чеккасидан 1 цунь юқорида. *Топографик анатомияси* (ТА): медиал юқори тизза артерияси, сон ва ёпқич нервларининг тери ва мускул тармоқлари. Укол чуқурлиги 10-15 мм.

Кўрсатма: метроррагия, эндометрит, эпидидимит, ҳайз циклининг бузилиши, экзема, оёқ соҳасидаги яралар, энурез.

RP₁₁. Цзи-мэнь (етгинчи дарвоза) – сон тўрт бошли мушаклари медиал чеккасида, тизза кўзи юқори чеккасидан 6 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): сон артерияси, ёпқич ва сон нервлари. Укол чуқурлиги 15 мм. **Кўрсатма:** сийдик пуфаги фаолиятининг бузилиши, чов лимфаденити.

RP₁₂. Чун-мэнь (ҳужум дарвозаси) – чов бойламлари ўртаси пастки чеккасида, цюй-гу нуқтаси бўйлаб, қорин ўрта чизигидан 4 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): қорин усти пастки артерияси, юза артерия, ёнбош суякни айланиб ўтувчи, ёнбош-чов нервининг тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 20 мм. **Кўрсатма:** эпидидимит, уруғ тизимчаси нерви нервалгияси, эндометрит, қорининг дам бўлиши, ошқозон спазматик оғриғи, мастит.

RP₁₃. Фу-шэ (катта ҳовли) – пешонадан 1 цунь юқори, қорин ўрта чизигидан 4 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): ёнбош суякни айланиб ўтувчи, қорин усти юзаси пастки артерия ва юза артерияси, ёнбош-қорин усти нерви ва ёнбош-чов нерви тери тармоқлари; фу-шэ ўнг томондаги нуқтаси кўричакнинг пастки бўлимига тўғри келади. Укол чуқурлиги 20 мм. **Кўрсатма:** талоқнинг катталашуви, кўргошиндан заҳарланиш, қабзият.

RP₁₄. Фу-це (қорин чоки) – пешонадан 3,5 цунь юқори, 4 цунь қорин ўрта чизигидан ташқарида. *Топографик анатомияси* (ТА): ёнбош – бел артерия тармоқлари, қовурғалараро нерв. Укол чуқурлиги 20 мм. **Кўрсатма:** ичак санчиғи, дизентерия, импотенсия.

RP₁₅. Да-хэн (катта эгри – бугрилик) – киндик бўйлаб, қорин ўрта чизигидан 4 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. **Кўрсатма:** йўғон ва ингичка ичак касалликлари.

RP₁₆. Фу-ай (қорин оғриғи) – қорин ўрта чизигидан 4 см ташқарига, киндикдан 1,5 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): қовурғалараро нервларнинг тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 20 мм. **Кўрсатма:** ошқозон касаллиги.

RP₁₇. Ши-доу (овқат тешиги) – бешинчи қовурға орасида, кўкрак ўрта чизигидан 6 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): латерал кўкрак артерияси, узун кўкрак нерви ва қовурғалар ораси нервининг латерал тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. **Кўрсатма:** пневмония, бронхит, қовурғалараро невралгия, жигар касаллиги.

RP₁₈. Тянь-си (самовий оқим) – тўртинчи қовурға орасида, ўрта чизиқдан 6 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): латерал кўкрак артерияси, узун кўкрак нерви ва қовурғалар ораси нервнинг латерал тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бронхит, қовурғалар ораси невралгияси, гипогалактия, мастит.

RP₁₉. Сюн-сян (кўкрак соҳаси) – учинчи қовурға орасида, ўрта чизиқдан 6 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): кўкрак нерви олд тармоқлари ва қовурғалараро нервнинг латерал тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: кўкрак қафаси ва кўкрак соҳасидаги оғриқ, ютумнинг қийинлашуви, сўлак оқиши, ҳиқичоқ, қовурғалараро невралгия, бронхит.


RP₂₀. Чжоу-жун (атрофдаги кўркамлик) – иккинчи қовурға орасида, ўрта чизиқдан 6 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввагидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

RP₂₁. Да-бао (катта ихтирочи) – қўлтиқ ўрта чизиғи олтинчи қовурға орасида. *Топографик анатомияси* (ТА): латерал кўкрак артерияси, қовурғалараро нервнинг латерал тери тармоқлари, узун кўкрак нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: қовурғалараро невралгия, жигар касаллиги.

Юрак меридиани (V; C; H; H)

Ин меридианлари тизимига киради, жуфт (10-расм). Талоқ – ошқозон ости бези меридианининг давоми ҳисобланади. Юракдан бошланади ва бирдан икки тармоққа бўлинади: тармоқлардан биттаси диафрагма орқали ўтади ва ингичка ичакка боради, бошқаси – юракдан чиқади ва бўйин ички юзаси иккала томони бўйича кўзга боради. Меридиан юза тармоқлари олд қўлтиқ чизиғи бўйича катта кўкрак мушаклари латерал чеккаси бўйлаб юракдан елкага чиқади. Сўнг меридиан елка, билак орқа медиал юзаси бўйича боради, билак томондан қўл панжаси V бармоғи тирноқ ўрнида тугаб, V ва IV қўл кафти суяклари ораси қўл панжаси тирсак чеккаси бўйича ўтади.

Шарқ тиббиёти концепцияларига мувофиқ, юрак меридиани юрак ва қон айланиш фаолияти ҳолатига бевосита таъсир қилувчи фаолият тизимидир. Бундан ташқари, қадимги концепцияларга кўра, онг, ақлий фаоллик, сезги ва ҳис-ҳаяжон юрак назорати остида бўлади. Инсон юраги соғлом экан, у тетик ва қувноқ бўлиб қолаверади. Юрак



10-расм. Юрак меридиани йўналиши ва унинг асосий нуқталари тасвири

фаолиятининг ёмонлашуви, асабийлик, ҳолсизлик, фаолликнинг пасайиши, иккиланувчанлик ва бошқаларга олиб келади. Бу борада юрак меридиани нуқталарига турли эмоционал – стресс бузилишлар, неврозлар, депрессия ва баъзи бошқа функционал касалликларни даволаш учун алоҳида эътибор бериледи. Бу каби ҳолатларда акупунктура «юракни тинчлантириш ва инсоннинг руҳий ҳолатини яхшилаш»га олиб келади.

Юрак «меридианининг шикастланиши» диагностикаси классик шаклда пульс диагностикаси билан бир қаторда қуйидаги белгиларга асосланади: кўкракдаги оғирлик, баъзан ҳароратнинг кўтарилиши ва оғизнинг қуриши меъёрдан ошиш белгисига тўғри келади. Юрак меридианида «қувватнинг ошиб кетиши» белгилари бўлган шахслар озгин, жисмоний мустаҳкам, териси ранги яхши, аммо осон таъсирланувчан ва тез-тез юқори нафас йўли катарига мойил бўладилар. «Етишмовчилик» белгилари бўлган шахслар иккиланувчан, қўрқув ва ҳаяжонга берилувчан, саломатлиги паст, озгин, асаб бузилишларига мойил, муносабати ёмон, тери ва қўринувчи шиллиқ қават оқиш-қўқарган бўлади. Шуниси характерлики, Шарқ врачлари турли касалликлар диагностикасида шу билан бирга юрак ҳолатини аниқлаш учун ҳам шиллиқ парда ва тери ҳолатига катта эътибор берадилар.

Улар «тил – юракнинг кўзгуси, юз эса – унинг ҳолати акси» деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, юрак кўз ва қулоқ ҳолатига таъсир кўрсатади. «Юракда тўлқинланган аланга» ёқимлидир, у инсонни хушёр қилади, «юракда қувватнинг пасайиши» эса эшитишнинг ёмонлашуви билан кузатилади.

Акупунктура амалиётида шуни ёдда тутиш лозимки, юрак меридиани нуқталарига таъсир ўтказиш, юрак-томир тизими фаолиятининг бузилиши, неврозлар, ҳушдан кетиш, бош айланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, руҳий – эмоционал бузилишларнинг маълум бир даражаси бартараф этилади (қўрқув, ҳадик, маъюслик ва б.).

Меридианга 9 та биологик фаол нуқталар (БФН) киради. Улар:

С₁. Цзи-цюань (энг баланд чашма) – нуқта қўлтиқ чуқури бўйлаб, катта кўкрак мускулининг пастки чеккаси ва елка икки бошли мушакларининг ички чеккасида жойлашган. *Топографик анатомияси* (ТА): тирсак ва ўрта нервлар, елка медиал тери нерви, қовурғалараро нервнинг латерал тери тармоқлари, елка артерияси. Укол чуқурлиги 15 мм (укол бироз юқори ва ташқарига қилинади). Кўрсатма: юрак касаллиги, истерия, қовурғалараро невралгия, плексит, кўнгил айнаши, Рейно касаллиги.

С₂. Цин-лин (ёш қалб) – елка икки бошли мушаклари ички чеккасида, тирсак бўғимидан 3 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): елканинг медиал тери венаси, елка артерияси, тирсак ва ўрта нервлари, елка медиал тери нерви. Укол чуқурлиги 10 мм (йўғон томирлар бўлиши оқибатида кам қилинади). Кўрсатма: аввалгидек.

С₃. Шао-хай (кичик денгиз) – тирсак бўғими бурмаси унинг тирсак чеккасида, елка суяги медиал дўмбоғидан олдинга, бармоқ учи билан чуқурча пайпасланадиган жойда. *Топографик анатомияси* (ТА): пастки тирсак коллатерал артерияси, елка ва билак медиал тери нервлари. Укол чуқурлиги 6-10 мм. Кўрсатма: пароксизмал тахикардия, бўйин ёки қўлтиқ соҳаси лимфаденити, психоз, тиш оғриғи, бош айланиши, невралгия, уч шохли нерв неврологияси, қўл мушакларининг тортишиши, Рейно касаллиги.

С₄. Лин-дао (руҳ йўли) – қўл панжасини букувчи тирсак пайлари билак чеккасида, билак-кафт бурмасидан 1,5 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): билак медиал тери нерви, тирсак артерияси ва тирсак нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: юрак фаолияти касалликлари, истерия, кўнгил айнаши, тирсак бўғими соҳасидаги оғриқ, тирсак нерви неврити.

С₅. Тун-ли (ички дунё билан алоқа) – қўл панжасини букувчи тирсак ва бармоқларни букувчи юза пайлар орасида, билак-кафт бурмасидан 1 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, бош айланиши, невроген тахикардия, конъюнктив гиперемия, қўл мушакларининг тортишиши, неврозлар, гипотония.

С₆. Инь-си (инь чегараси) – қўл панжасини букувчи тирсак ва бармоқларни букувчи юза пайлар орасида, билак-кафт бурмасидан 0,5 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, бош айланиши, бурундан қон кетиши, пароксизмал тахикардия, тонзиллит, истерия, ошқозон яраси, кекса ёшдаги кишиларда астения.

С₇. Шэнь-мэнь (илоҳий эшик) – қўл панжасини букувчи тирсак пайлари орасида, проксимал билак-кафт бурмаси нўхатсимон ва тирсак суяклари орасидаги чуқурчада. *Топографик анатомияси* (ТА): тирсак артерияси ва тирсак нерви, билак медиал тери нервининг сезги толалари ва тирсак нервининг қўл кафти тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: уйқусизлик, неврозлар, психозлар ва юрак невроген касалликлари, гипертиреоз, гипертония касаллиги, туғишдан кейин қон йўқотиш ва ҳ.к.

С₈. Шао-фу (кичик соҳа) – IV ва V қўл кафти суяклари ораси, оралиқнинг кенг қисмида. *Топографик анатомияси* (ТА): умумий қўл кафти бармоқ артерияси ва тирсак нерви тармоқлари. Укол чуқур-


лиги 10 мм. Кўрсатма: қовурғалараро невралгия, сийдик тутилиши ёки тута олмаслик, меноме-гтроррагия, ташқи жинсий аъзолар соҳасида қичишиш, пароксизмал тахикардия, елка соҳасидаги оғриқ.

С₉. Шао-чун (кичик оқим) – жимжилоқ охирги фалангаси, тирноқ ўрни билан томондан 3 мм ичкарига. *Топографик анатомияси* (ТА): қўл кафти бармоқ артериясига қарашли тўр ва тирсак нерви тармоқлари. Укол чуқурлиги 3 мм. Кўрсатма: безгак касаллигидан кейин астения, қовурғалараро невралгия, невроген тахикардия, қўл мушакларининг тортишиши, ларингит, томоқ оғриғи, қўрқув, қайғу синдромли неврозлар, амнезия ва бошқалар.

Ингичка ичак меридиани (VI; IG; Dū; Si)

Ян қўл меридианлари тизимига киради, жуфт (11-расм) – юрак меридианининг давоми. Тирсак чеккаси, жимжилоқнинг тирноқ ўрнида бошланади, сўнг қўл панжаси улнар чеккаси бўйича билан-кафт бўғими орқали йўналиб, билан ва елканинг ички орқа юзаси бўйича ўтади. Курак суяги пастки чеккаси бўйлаб орқа қўлтиқ чизиги бўйича меридиан суяк ости чуқурчасига тушади ва кейин зигзаг шаклида курак суяги бўйича да-чжуй (Т₁₄) нуқтасига йўналади, у ерда бошқа ян меридианлари билан алоқага киришади. Да-чжуй нуқтасидан меридиан ўмров усти соҳасига киради, у ерда икки тармоққа бўлинади. Улардан бири қизилўнғач тана ичкарисига боради, юракка тармоқланиб, диафрагмани кесиб ўтиб, ошқозон ва ингичка ичакка етади. Меридианнинг бошқа тармоғи ўмров усти соҳасидан тўш-ўмров суяги – сўргичсимон ўсиқ мушаклари орқа чеккаси бўйича йўналади ва пастки жағ бурчагига етади. Сўнг меридиан лунжни кесиб ўтиб, ёноқ суягига етади ва ўзининг икки охирги тармоғига бўлинади. Улардан бири қулоққа яқинлашади, бошқаси эса кўзнинг ички бурчагига боради.

Шарқ тиббиёти концепциясига мувофиқ ингичка ичак ва юрак бир-бирига таъсир кўрсатади. Юрак касаллигида, шунингдек, ингичка ичак зарарланади ёки аксинча. Юрак ва ингичка ичак орасидаги ўзаро алоқа – ички – ташқи ўзаро муносабатнинг мисолларидан биридир. Ички – ташқи ўзаро муносабат назарияси кўпинча акупунктур анестезия ўтказишда қўлланилади. Масалан, ингичка ичак операцияларида юрак билан боғлиқ бўлган, қулоқнинг ташқи нуқтасига таъсир



11-расм. Ингичка ичак меридиани йўналиши ва унинг асосий нуқталари тасвири

Ўтказилади, юрак операцияларида эса ингичка ичак билан боғлиқ бўлган нуқталар қўлланилади. Бир қатор ҳолатларда ушбу нуқталарнинг иккала категорияси комбинациясидан фойдаланилади.

Юрак меридиани билан ички-ташқи алоқалар шундай тушунтириладики, ингичка ичак меридиани нуқталари, шунингдек асаб тизими билан боғлиқ бўлган (неврастения, хорей, эпилепсия) қўзғалиш ҳолатига таъсир қилади. Кўпинча ингичка ичак меридиани нуқтасига таъсир ўтказиш ёрдамида ички қулоқ фаолиятининг бузилишидан келиб чиққан қулоқ шанғиллашини муваффақиятли даволаш мумкин.

Кўплаб қўл, елка камари ревматик ва артралгик касалликларни ингичка ичак меридиани нуқтаси орқали муваффақият билан даволаш мумкин. Баъзи ҳолатларда меридиан нуқталарига таъсир ўтказиш энтеритларнинг турли кўринишида ниҳоятда самарали ҳисобланади. Меридианнинг чап тармоғи ингичка ичакка, ўнг тармоғи эса қўшимча ўн икки бармоқ ичакка ҳам таъсир қилади, деб ҳисоблаш қабул қилинган. Ингичка ичак меридиани нуқталарига маҳаллий сегментар таъсир ўтказиш бош оғриғи, бўйиннинг орқа ён қисми, елка камари ва тирсак оғриқларида жуда самаралидир. «Меъёрдан ошиш» белгилари: бўйин-энса соҳаси ва елка, билак орқа юзаси бўйича оғриқ ва тортишиш, қорин пастки қисмидаги оғриқ, баъзан қабзият. «Етишмовчилик» белгилари: кўнгил айнаши, қайт қилиш ва ич кетиши, қулоқ шанғилаши, эшитишнинг пасайиши, оёқ-қўллардаги дармонсизлик, бўйин ва пастки жағ шишлари.

Меридианга 19 та биологик фаол нуқталар (БФН) киради. Улар қуйидагилардир:

IG₁. Шао-цзэ (кичик ҳавза) – V бармоқнинг тирноқ ўрнида 3 мм ташқарида жойлашган. *Топографик анатомияси* (ТА): тегишли қўл кафти бармоқ артерияси ва тирсак нервдан келиб чиқувчи, қўл кафти бармоқ нерви. Укол чуқурлиги 3 мм. Кўрсатма: йўтал, бош оғриғи, тонзиллит, юрак фаолияти касалликлари, билак соҳасидаги оғриқ, бўйин-энса соҳаси мушакларининг учиши ва контрактура, гиполактая, мастит, овқатдан заҳарланиш.

IG₂. Цянь-гу (олдинги водий) – V бармоқнинг кафт-фалангали бўғимидан олдинга, кўндаланг тери бурмаси чуқури охирида. *Топографик анатомияси* (ТА): тирсак артериясидан давом этувчи, орқа бармоқ артерияси. Укол чуқурлиги 3 мм. Кўрсатма: қулоқ шанғил-

лаши, билак соҳасидаги оғриқ, гипогалактия, мастит, эпилепсия, ҳиқичоқ.

IG₃. Хоу-си (орқадаги дара) – V қўл кафти суяги бошчасидан орқага унинг тирсак чеккасида, қўл кафти бурмаси чуқури охирида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 6 мм. Кўрсатма: бўйин – энса соҳаси, билак ва елка мушаклари тортишиши, эпилепсия, бурундан қон кетиши, эшитишнинг пасайиши, блефарит, бўйин радикулити.

IG₄. Вань-гу (кафт усти суяги) – қўл панжасининг тирсак томони V қўл кафти ва уч томонли суяклар асоси орасидаги чуқурчада. *Топографик анатомияси* (ТА): тирсак артерияси ва тирсак нерви устки тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

IG₅. Ян-гу (қуёшли водий) – тирсак суягининг бигизсимон ўсимтаси ва уч томонли суяклар орасида қўлнинг ярим букилган тирсак бўғимида сезиладиган чуқурда. *Топографик анатомияси* (ТА): тирсак артериясининг орқа кафт усти тармоқлари, тирсак нерви орқа тармоқлари. Укол чуқурлиги 6 мм. Кўрсатма: бош айланиши, қулоқ шангиллаши, эшитишнинг пасайиши, эпилепсия, стоматит, билак соҳасидаги оғриқ.

IG₆. Ян-лао (қарилекка гамхўрлик) – ян-гу нуқтасидан 1 цунь юқори, тирсак суяги орқа юзаси, унинг бошчаси устига тўғри келади. *Топографик анатомияси* (ТА): тирсак артериясининг кафт усти орқа тармоқлари, тирсак нерви орқа тармоқлари, билак медиал тери нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: елка-курак соҳаси сезги ва ҳаракат фаолиятининг бузилиши, конъюктив гиперемия, кўришнинг пасайиши.

IG₇. Чжи-чжэн (тўғри тармоқ) – билак-кафт бўғимидан 5 цунь юқори, тирсак суяги орқа юзаси ўртасида. *Топографик анатомияси* (ТА): суяклараро орқа артерия ва билак медиал тери нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: руҳий касалликлар, невралгия, бош айланиши, бош оғриғи, қўлдаги оғриқ.

IG₈. Сяо-хай (катта бўлмаган денгиз) – елка суяги медиал дўнг ва тирсак суяги ўсимтаси ораси, тирсак эгатчасида. *Топографик анатомияси* (ТА): тирсак артерияси тармоқлари, елка ва билак медиал тери нервлари. Укол чуқурлиги 6 мм. Кўрсатма: елка мушаклари ва тирсак бўғими контрактураси, тирсак нерви невралгияси, гингивит, хорей, эпилепсия, қорин пастки қисмидаги оғриқ.

IG₉. Цзянь-чжэнь (елка тозалиги) – елка бўғимидан орқага ва пастга, елка суяги ва курак орасида, қўлтиқ чуқури билан вертикал чизиқда. *Топографик анатомияси* (ТА): елка суягини айланиб ўтувчи, орқа артерия тармоқлари, чуқурликда – қўлтиқ нерви, елка орқа тери нерви, елка медиал тери нерви ва қовурғалараро нервнинг латерал тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 15-20 мм. Кўрсатма: қулоқ шангиллаши, бош оғриғи, курак орқа соҳаси, қўл бўғимларидаги оғриқ.

IG₁₀. Нао-шу (елка нуқтаси) – елка бўғими орқа юзасида қўлтиқ орқа чизигига вертикал. Нуқта қўл кўтарилганда (чуқурча) яхши аниқланади. *Топографик анатомияси* (ТА): курак усти артерияси, куракни айланиб ўтувчи артерия, ўмров усти нервлари, елка латерал тери нерви ва елка орқа тери нерви. Укол чуқурлиги 15-25 мм. Кўрсатма: елка ва курак соҳаси, елка бўғимидаги оғриқ, бўйин-жағ соҳасидаги оғриқ.

IG₁₁. Тянь-цзун (самовий аждодлар) – суяк ости чуқурчаси марказида, V ва VI кўкрак умуртқаси орасида жойлашган, бин-фэн нуқтаси остида шэнь-дао нуқтаси билан бир чизиқда. *Топографик анатомияси* (ТА): куракни айланиб ўтувчи артерия ва курак усти нерви. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: елка-курак соҳасида сезги ва ҳаракатнинг бузилиши, плекситлар.

IG₁₂. Бин-фэн (шамол юзи) – курак суяги юқори чеккаси ўртасига тўғри келади. *Топографик анатомияси* (ТА): курак усти артерияси, ўмров усти нерви, курак усти ва қўшимча нервлар. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

IG₁₃. Цюй-юань (девор) – цзянь-цзин нуқтаси остида курак суяги юқори чеккасида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 15-20 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

IG₁₄. Цзян-вай-шу (елканинг ташқи томони) – курак ички чеккасида, I ва II кўкрак умуртқаси орасида жойлашган, тао-дао нуқтаси бўйлаб. *Топографик анатомияси* (ТА): бўйин кўндаланг артерияси, VII - VIII бўйин нервларининг орқа тармоқлари, курак дорсал нерви ва қўшимча нерв. Укол чуқурлиги 20 мм. Кўрсатма: қўлларда ҳаракат ва сезгининг бузилиши, ўпка яллиғланиши, неврастия, артериал босимнинг пасайиши.

IG₁₅. Цзянь-чжун-шу (елка ўртаси) – курак ички чеккаси, цзянь-цзин ва да-чжуй нуқталари орасидаги масофа ўртасида. *Топографик анатомияси* (ТА): бўйин кўндаланг артерияси, VI бўйин нерви орқа

тармоғи ва курак дорсал нерви. Укол чуқурлиги 10-20 мм. Кўрсатма: нафас олиш аъзолари касалликлари, энса ва бўйин соҳасидаги оғриқ, кўришнинг пасайиши.

IG₁₆. Тянь-чуан (осмон ойнаси) – тўш-ўмров-сўрғичсимон ўсиқ мушакларининг орқа чеккасида, қалқонсимон тоғай юқори чеккаси бўйлаб. *Топографик анатомияси* (ТА): уйқу артерияси, бўйин нервларининг тери тармоқлари, катта қулоқ нервининг бошланғич қисми. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: қовурғалараро нервлар невралгияси, стоматит, ва курак соҳасидаги оғриқ, қулоқ шанғиллаши, гингивит.

IG₁₇. Тянь-жун (самовий шакл) – қулоқ солинчаги ўзагидан 12 мм пастда, тўш-ўмров-сўрғичсимон ўсиқ мушакларининг сўрғич-симон ўсиққа бирикиш жойига тўғри келади (пастки жағ бурчагидан бир оз юқори ва орқага). *Топографик анатомияси* (ТА): катта қулоқ нерви сезги толалари чуқурликда ётадиган ички бўйинтуруқ венаси. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: қовурғалараро нервлар невралгияси, ҳансираш, бўйин-енса соҳасидаги оғриқ, қулоқ шанғиллаши, гингивит, орқа, кўкрак соҳаси мушакларининг учиши ва контрактура.

IG₁₈. Цюань-ляо (яноқ суяги чуқури) – яноқ суяги танасининг пастки чеккаси остидаги чуқурда, кўзнинг ташқи бурчагида жойлашган, си-чжу-кун нуқтаси бўйлаб. *Топографик анатомияси* (ТА): чакка юзаси артериясидан давом этувчи, юз кўндаланг артерияси, юз нерви ёноқ тармоқлари, уч шохли нервнинг иккинчи ва учинчи тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: юз нерви неврити, имошора мушакларининг учиши ва контрактура, қўл оғриғи.

IG₁₉. Тин-гун (эшитиш қасри) – қулоқ юмшоғи ва пастки жағ бўғим ўсимтаси орасида. *Топографик анатомияси* (ТА): чакка юза артерияси тармоқлари, қулоқ – чакка нерви (уч шохли нервнинг учинчи тармоғидан). Укол чуқурлиги 6-10 мм. Кўрсатма: қулоқ шанғиллаши, овознинг буғилиши, афазия, дудуқланиш.

Сийдик пуфағи меридиани (VII; V; B; B)

Ян оёқ меридианлари тизимига киради, жуфт, ингичка ичак меридиани давоми (12-расм). Кўз ички бурчагидан бошланади, пешона ва тепа соҳаси орқали юқорига йўналади. Бу соҳаларда меридианнинг йўналиши бошнинг биринчи ён чизигига шартли мос келади,

яъни кўзнинг ички бурчагидан бош ўрта чизигига параллел ўтиши мумкин. Бўйин-энса соҳасида меридиан икки тармоққа бўлинади. Улардан бири умуртқаларнинг суяк ўсимталари орқа-ўрта чизигига 1,5 см параллел ўтади, иккинчиси эса 3 см.

Бел соҳасида биринчи тармоқдан коллатераллар буйрак ва сийдик пуфагига тарқалади. Меридиан биринчи тармоғининг асосий қисми думғаза, думба соҳасига ўтади ва сон орқа юзасидан чиқади, тизза ости чуқурчасига бориб, у ерда иккинчи тармоқ билан бирлашади, шунингдек бўйин-энса соҳасидан йўл очиб, тизза кўзи ости чуқурчасига боради. Тизза кўзи ости чуқурчасидан меридиан болдир орқа юзаси бўйича пастга, орқадан айланиб, латерал тўпиққача тушади. Сўнг меридиан оёқ панжасининг ташқи юзаси бўйича (терининг товон ва орқа юзаси чегараси) жимжилоқнинг тирноқ ўрни ташқи чеккасига боради ва у ерда чжи-инь (V_{67}) нуқтасида тугайди.


Халқ врачлари концепциясига амал қилган ҳолда сийдик пуфаги меридиани буйрак фаолиятини бошқаришда рол ўйнайди ва сийдик чиқаришни назорат қилади.

«Меридиан фаолиятининг етишмовчилиги» белгилари кам миқдорда тез-тез сийдик чиқариш, умуртқа поғонасида сурункали оғриқ, дармонсизлик, қўрқув ҳисобланади, «меъёрдан ошиш» синдроми асосан умуртқа поғонаси, бел ва оёқлардаги ўткир оғриқ, кўздан ёш оқиши ва пешона-энса соҳасидаги оғриқ билан ифодаланади.

Акупунктура амалиётида сийдик пуфаги меридиани нуқталари оғриқли ва спастик ҳолатларда (бош оғриғи, бел оғриши, болдир мушакларининг тортишиши) самарали қўлланилади. Сийдик пуфаги меридиани нуқталари орқали, шунингдек, экзема, дерматитлар, псориаз каби сурункали касалликларга таъсир ўтказиши мумкин.

«Келишув» нуқтасига таъсир ўтказиб, ҳар қандай аъзо (юрак, ўпка, ошқозон, ичак ва б.) фаолиятини бошқариши мумкин. Агар меридиан нуқталари орқали энг самарали таъсир кўрсатадиган, тана ва аъзолар соҳаси ҳақида гапирадиган бўлсак, улар қуйидагиларни ўз ичига олади: марказий асаб тизими (бош ва орқа мия), бош, бўйин орқа юзаси, орқа, ички аъзолар ва тери.

Меридианга 67 та биологик фаол нуқталар (БФН) киради. Улар: V_1 . Цин-мин (цин – кўз, мин – ёруғлик) – кўз ички бурчагидан 3 мм ичкарида жойлашган. *Топографик анатомияси* (ТА): қовоқ медиал бойламлари, юқори жағ артерияси тармоқлари, остки ғалтаксимон нерв.



12-расм. Сийдик пуфаги меридиани йўналиши ва унинг асосий нуқталари тасвири

Укол чуқурлиги 6 мм. Куйдириш мумкин эмас. Кўрсатма: кўз касалликлари, тумов.

V₂. Цуань-чжу (машҳур бамбук) – цин-мин нуқтаси устида, қошнинг бошланишига тўғри келади; ушбу соҳа пайпасланганда чуқурлик сезилади. *Топографик анатомияси* (ТА): пешона артерияси, уч шохли нерв тармоқлари. Укол чуқурлиги 6 мм. Куйдириш мумкин эмас. Кўрсатма: кўз касалликлари, бош айланиши, бош олд қисмидаги оғриқ, юз нерви неврити, уч шохли нерв невралгияси.

V₃. Мэй-чун (ҳаракатланувчан қош) – қошнинг бошланиши устида, ян-бай нуқтаси билан горизонтал чизиқда. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Кўрсатма: аввалгидек.

V₄. Цюй-ча (қийшиқ ёрдамчи) – шэнь-тин нуқтасидан ташқарида, кўз ички бурчаги устида (бошнинг 0,5 цунь тукли қисми олд чега-расига киради). *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 6 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, юз нерви неврити, уч шохли нерв невралгияси, кўришнинг пасайиши, бурун битиши, бурундан қон кетиши, бурун полиплари, ринит.

V₅. У-чу (бешинчи жой) – цюй – ча нуқтасидан орқага, шан-син нуқтаси билан кўндаланг чизиқда. *Топографик анатомияси* (ТА): пешона мускули, пешона артерияси, пешона нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: эпилепсия, бош оғриғи, бош айланиши, кўришнинг пасайиши, елка ва орқа соҳасидаги оғриқ.

V₆. Чэн-гуан (ёруғлик қабул қилувчи) – у-чу нуқтасидан орқага, сянь-дин нуқтаси билан кўндаланг чизиқда. *Топографик анатомияси* (ТА): тепа суяги, бошнинг пайли қалпоғи, унинг остида чакка юза артерияси, пешона нерви, юз нерви чакка тармоқлари жойлашади. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, бош айланиши, вазн касаллиги.

V₇. Тун-тянь (тешилган осмон) – бай-хуэй нуқтаси билан кўндаланг чизиқда. *Топографик анатомияси* (ТА): чакка ва энса юза артериялари, катта энса нервнинг иннервация зонаси. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бурун касалликлари, оғиз айлана мушакларининг учиши ва контрактура, уч шохли нерв невралгияси.

V₈. Ло-цюе (тўлиқ бўлмаган бирлашиш) – цянь - цзянь нуқтаси билан кўндаланг чизиқда. *Топографик анатомияси* (ТА): нуқталарнинг жойлашиши тепа ва энса суяклари бирикувига тўғри келади. Бу соҳада энса артерияси ва катта энса нерви жойлашган. Укол чуқур-

лиги 10 мм. Кўрсатма: бўйин-энса соҳаси мушакларининг тоник кучланиши, глаукома, қулоқ шангиллаши, психозлар.

V₉. Юй-чжэнь (нефритли ёстиқ) – нао-ху нуқтаси билан кўндаланг чизиқда. *Топографик анатомияси* (ТА): энса артерияси, катта энса нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: уч шохли нерв невралгияси, бош айланиши, бош оғриши, узоқни кўра олмаслик, ҳид бишлишининг пасайиши, гипергидроз.

V₁₀. Тянь-чжу (осмон устун) – я-мэнь нуқтаси бўйлаб, трапециясимон мушаклар ташқи чеккаси чуқурида. *Топографик анатомияси* (ТА): энса артерияси тармоқлари, энса нерви. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, энса ва бўйин-курак соҳаси мушакларининг учиши ва контрактура, бўйин қийшайиши, ларингит, бурун касалликлари, неврастения, кўз касалликлари, вегетатив асаб тизимига таъсир қилиш.

V₁₁. Да-чжу (катта умуртқа) – I ва II кўкрак умуртқалари суяк ўсимталари орасидаги ораликдан 1,5 цунь ташқарига (ўтирган ҳолатда тирсакка қўл билан таянган, бошни эккан ҳолатга келтириш билан аниқланади). *Топографик анатомияси* (ТА): бўйин кўндаланг артериясининг пасайиб борувчи тармоқлари, курак дорсал нерви, қўшимча нерв. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: бронхит, бош оғриши, бош айланиши, эпилепсия, бўйин-кўкрак радикулити, таянч-ҳаракат апарати касаллиги.

V₁₂. Фэн-мэнь (шамол дарвозаси) – II ва III кўкрак умуртқаси, оралигидан 1,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: нафас олиш аъзолари касалликлари, бўйин-кўкрак радикулити, уйқучанлик, қайт қилиш, гриппнинг олдини олиш учун.

V₁₃. Фэй-шу (шу-ҳамдardлик, фэй-ўпка) – III ва IV кўкрак умуртқалари оралигидан 1,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): қовургалараро артерияларнинг орқа тармоқлари, бўйин кўндаланг артериясининг пасайиб борувчи тармоғи, қўшимча нерв, кўкрак нервларининг орқа тармоқлари. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: нафас олиш аъзолари касалликлари, сариқ касаллиги, тери қичиши, орқа ва бел соҳаси оғриқлари.

V₁₄. Цзюе-инь-шу (абсалют ин-шу) – IV ва V кўкрак умуртқалари оралигидан 1,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: юрак, ўпка касаллиги, ҳиқичоқ, қайт қилиш.

V₁₅. Синь-шу (шу - юрак) – V ва VI кўкрак умуртқаси оралигидан 1,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: юрак, ошқозон касалликлари, қизилўн-гач торайиши, ҳис-ҳаяжон бузилиши.

V₁₆. Ду-шу (шу-ду-май) – VI ва VII кўкрак умуртқалари оралигидан 1,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Кўрсатма: аввалгидек.

V₁₇. Гэ-шу (шу-диафрагмалар) – VII ва VIII кўкрак умуртқалари оралигидан 1,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 12 мм. Кўрсатма: юрак ва ўпка касалликлари (юрак уриши, плеврит, астма, бронхит), гастрит, энтероколит, болаларда диспепсия, гемопоезни кучайтириш учун.

V₁₈. Гань-шу (шу жигари) – IX ва X кўкрак умуртқалари оралигидан 1,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): қовурғалараро артериялар ва кўкрак нервлари орқа тармоқлари. Ичкарида ўнг томонда жигар, чапда эса ошқозон жойлашган. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бурун касаллиги, оғиз айлана мушакларининг учиши ва контрактура, уч шохли нерв невралгияси.

V₁₉. Дань-шу (шу ўт пуфаги) – X ва XI кўкрак умуртқалари оралигидан 1,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: безгак, эт увишиши, бош оғриғи, ўт пуфаги касаллиги, сариқ касаллиги, қайт қилиш, қизилўн-гач торайиши, ларингит, плеврит, артериал гипертензия.

V₂₀. Пи-шу (шу талоқ) – XI ва XII кўкрак умуртқалари суяк ўсимталари орасидаги ораликдан 1,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: овқат ҳазм қилиш тизими касаллиги, диабет.

V₂₁. Вэй-шу (шу ошқозон) – XII кўкрак ва I бел умуртқалари оралигидан 1,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: ошқозон, жигар касаллиги, кўришнинг пасайиши.

V₂₂. Сань-цзяо-шу (шу уч бўшлиқ) – I ва II бел умуртқалари оралигидан 1,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): бел артериясининг орқа тармоқлари, бел нервлари орқа тармоқлари. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: ошқозон касалликлари, бел-думғаза радикулити, неврастения, сийдик тута олмаслик.

V₂₃. Шэнь-шу (шу буйраклар) – II ва III бел умуртқалари (мин-мэнь нуқтаси ва киндик бўйлаб) оралиғидан 1,5 цунь ташқарига. Укол чуқурлиги 15-25 мм. Кўрсатма: сийдик-таносил соҳаси касалликлари (неврит, сийдик пуфаги сфинктерлари спазми, сийдик тута олмаслик, аспермия, поллюсия, ҳайз циклининг бузилиши), бел оғриғи.

V₂₄. Ци-хай-шу (шу нафас олиш денгизи) – III ва IV бел умуртқалари оралиғидан 1,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: бел оғриғи, геморрой, гипертония.

V₂₅. Да-чан-шу (шу йўғон ичак) – IV ва V бел умуртқалари оралиғидан 1,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 25-30 мм. Кўрсатма: бел-думғаза оғриғи, йўғон ичак касаллиги (қорин дам бўлиши, энтероколит, қорин қулдираши, ич кетиши ёки қабзият) сийдик тута олмаслик, гипертония касаллиги.

V₂₆. Гуань-юань-шу (шу чегаранинг бошланиши) – V бел ва I думғаза умуртқалари суяк ўсимталари ораси оралиғидан 1,5 цунь ташқарига, яъни V бел умуртқаси кўндаланг ўсимтаси ва думғаза ён чеккаси орасида. *Топографик анатомияси* (ТА): думғаза ўрта артерияси орқа тармоғи, бел нервларининг орқа тармоқлари. Укол чуқурлиги 25-30 мм. Кўрсатма: бел-думғаза оғриғи, гипертония касаллиғи, сийдик тугилиши ёки тута олмаслик.

V₂₇. Сяо-чан-шу (шу ингичка ичак) – думғаза умуртқалари I ва II рудиментлари оралиғидан 1,5 цунь ташқарига (думғаза биринчи орқа тешигидан ташқарига). *Топографик анатомияси* (ТА): думғаза ўрта артерияси орқа тармоғи, думғаза нервлари орқа тармоқлари. Укол чуқурлиги 20-30 мм. Кўрсатма: энтероколитлар, геморрой, бел-думғаза оғриғи, эндометрит.

V₂₈. Пан-гуань-шу (шу сийдик пуфаги) – II ва III думғаза умуртқалари (иккинчи орқа думғаза тешигидан ташқарига) оралиғидан 1,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 25-30 мм. Кўрсатма: сийдик-таносил соҳаси касалликлари, бел-думғаза оғриғи.

V₂₉. Чжун-люй-шу (шу елка ўртаси) – III ва IV думғаза умуртқалари оралиғидан 1,5 цунь ташқарига (учинчи орқа думғаза тешиги). *Топографик анатомияси* (ТА): думба юқори артерияси, думғаза нервлари орқа тармоқлари. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: диабет, энтероколит, бел оғриғи.

V₃₀. Бай-хуань-шу (шу сфинктер) – елка ўрта чизигидан 1,5 цунь, катта қуймич тешиги ички чеккасида. *Топографик анатомияси* (ТА): думба пастки артерияси ва нерви, думгаза нервлари орқа тармоқларининг сезги толалари. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: бел-думгаза оғриғи, тўғри ичак касаллиги, сийдик тутилиши, эндометрит.

V₃₁. Шан-ляо (юқори чуқурча) – биринчи орқа думгаза тешигига тўғри келади. *Топографик анатомияси* (ТА): латерал думгаза артерияси, думгаза нервлари орқа тармоқлари. Укол чуқурлиги 25-35 мм. Кўрсатма: сийдик-таносил аъзолари касалликлари, бел-думгаза оғриғи, геморрой.

V₃₂. Цы-ляо (иккинчи чуқурча) – иккинчи орқа думгаза тешигига тўғри келади. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 25-30 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

V₃₃. Чжун-ляо (ўрта чуқурча) – учинчи орқа думгаза тешигига тўғри келади. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 25-30 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

V₃₄. Ся-ляо (пастки чуқурча) – тўртинчи орқа думгаза тешигига тўғри келади. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Кўрсатма: аввалгидек.

V₃₅. Хуэй-ян (чот ораси) – дум суяги юқори чеккасида, чан-циян дан 0,5 цунь юқорига ва ташқарига, думба мушаклари орасида. *Топографик анатомияси* (ТА): тўғри ичак пастки артерияси, думба пастки нерви, дум суяги чигаллари тармоқлари. Укол чуқурлиги 12 мм. Кўрсатма: тўғри ичак ва орқа чиқариш тешиги касаллиги, чот ораси соҳасида тери қичиши ва нейродермит.

V₃₆. Чэн-фу (таянчни тутиш) – катта думба мушаклари пастки чеккасида, думба бурмаси марказида, икки бошли ва ярим пайли мушаклар орасида. *Топографик анатомияси* (ТА): пастки думба артерияси, пастки думба нерви, сон орқа тери нерви. Ичкарида - қуймич (ўтиргич) нерви. Укол чуқурлиги 25-30 мм. Кўрсатма: бел-думгаза оғриғи, геморрой, сийдик тутилиши.

V₃₇. Инь-мэнь (тараққиёт дарвозаси) – сон орқа юзаси ўртасида икки бошли ва ярим пайли мушаклар орасида, думба бурмасидан 6 цунь пастда. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 20 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

V₃₈. Фу-си (юза водий) – сон икки бошли мушаклари ички чеккасида, тизза ости чуқуридан 1 цунь юқори (нуқта букилган тизза бўғи-

мидан аниқланади). *Топографик анатомияси* (ТА): тизза ости артерияси ташқи тармоқлари, умумий кичик болдир нерви ва сон орқа тери нерви. Укол чуқурлиги 15-20 мм. Кўрсатма: кўнгил айниши, ич кетиши, қабзият, цистит, сийдик тугилиши, кичик болдир нерви неврити, бел думғаза радикулити.

V₃₉. Вэй-ян (ян тўпланиши) – тизза ости чуқурчаси ташқи чеккасида сон икки бошли мушаклари пайларининг ички томонида. *Топографик анатомияси* (ТА): тизза ости артерияси тармоқлари, катта болдир нерви ва сон латерал тери нерви. Укол чуқурлиги 20 мм. Кўрсатма: бел-думғаза радикулити, радикулоневрит, эпилепсия, ҳароратни пасайтирувчи таъсир.

V₄₀. Вэй-чжун (ҳукмронлик қилувчи ўрталик) – тизза ости чуқурчаси марказида, тизза ости артериясидан ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): тизза ости венаси ва сон нервнинг тизза кўзи ости тармоғи ва сон орқа тери нервнинг сезги толалари. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: бел-думғаза радикулити, грипп, гонит, апоплексия, терлаш, безгак касалликларида тер ажралмаслиги, соч ва қош тўкилиши, бавосил тугунларидан қон кетиши, бурундан қон кетиши, дермотозлар, ошқозон-ичак касалликлари, гипертония касаллиги.

V₄₁. Фу-фэнь (қўшимча қисм) – Бу нуқтадан меридианнинг иккинчи тармоқланиши бошланади. Нуқта II ва III кўкрак умуртқалари оралиғидан 3 цунь ташқарида, курак ички чеккасида жойлашган. *Топографик анатомияси* (ТА): бўйин кўндаланг артериясининг пасайиб боровчи тармоқлари, курак дорсал нерви, кўкрак нервлари орқа тармоқлари, қўшимча нерв. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: нафас олиш касалликлари, бўйин-кўкрак радикулитлари.

V₄₂. По-ху (қалб ўрни) – III ва IV кўкрак умуртқалари оралиғидан 3 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

V₄₃. Гао-хуан (ҳаёт марказлари) – IV ва V кўкрак умуртқалари оралиғидан 3 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: турли сурункали касалликлар (ўпка сили, бронхит, ошқозон яра касаллиги), неврастения, поллюция. Қадимда шундай ҳисобланган, яъни бу нуқтага таъсир ўтказиш «юзта касаллик»ни даволашда кўрсатилган ва унинг олдини олувчи таъсир берган.

V₄₄. Шэнь-тан (руҳ ошёни) – V ва VI кўкрак умуртқалари оралигидан 3 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: юрак, нафас олиш аъзолари касалликлари, орқа ва елка соҳасидаги оғриқ.

V₄₅. И-си (оғриқ қичқириғи) – VI ва VII кўкрак умуртқалари оралигидан 3 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: юрак касаллиги, кўкрак радикулити.

V₄₆. Ге-гуан (диафрагма чегара) – VII ва VIII кўкрак умуртқалари оралигидан 3 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): қовурғалараро артериянинг орқа тармоқлари, кўкрак нервлари тармоқлари. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: қовурғалараро невралгия, қизилўнгач касаллиги, диафрагмалар, ҳиқичоқ сўлак оқиши.

V₄₇. Хунь-мэнь (қалб дарвозаси) – IX ва X кўкрак умуртқалари оралигидан 3 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: жигар, ошқозон, қизилўнгач касалликлари.

V₄₈. Ян-ган (ян бирлашиши) – X ва XI кўкрак умуртқалари оралигидан 3 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Бошқа маълумотлар аввалгидек.

V₄₉. И-шэ (ҳис қилиш ўрни) – XI ва XII кўкрак умуртқалари оралигидан 3 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Кўрсатма: аввалгидек.

V₅₀. Вэй-цан (ошқозонни тўлдирувчи) – XII кўкрак ва I бел умуртқалари оралигидан 3 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): қовурғалараро артерия орқа тармоқлари, кўкрак нервлари тармоқлари. Укол чуқурлиги 15-20 мм. Кўрсатма: ошқозон ва ичак касалликлари.

V₅₁. Хуан-мэнь (ҳаёт марказлари дарвозаси) – I ва II бел умуртқалари оралигидан 3 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 15-20 мм. Кўрсатма: ички аъзолар сункали касалликлари, мастит.

V₅₂. Чжи-ши (ирода ўрни) – II ва III бел умуртқалари оралигидан 3 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 20-30 мм. Кўрсатма: жинсий аъзолар ва ичак касалликлари.

V₅₃. Бао-хуан (муҳим аъзолар яшовчанлиги кўзгуси) – II ва III думғаза умуртқалари оралигидан 3 цунь ташқарига. *Топографик анато-*

мияси (ТА): думба юқори артерияси, юқори ва пастки думба нервлари. Укол чуқурлиги 15-20 мм. Кўрсатма: энтероколит, қабзият, сийдик тутилиши, эпидидимит, бел-думғаза радикулити.

V₅₄. Чжи-бянь (букиладиган чекка) – думғаза каналига кириш ташқи чеккасига тўғри келади, елка ўрта чизигидан 3 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): қуймич (ўтирғич) нерви, юқори думба артерияси, юқори ва пастки думба нервлари. Укол чуқурлиги 15-35 мм. Кўрсатма: цистит, геморрой, бел оғриғи, ишиас, оёқ касалликлари.

V₅₅. Хэ-ян (ян учрашуви нуқтаси) – тақим чуқурчасидан 2 цунь пастда болдир мушаклари бошчасининг бирикиш жойида. *Топографик анатомияси* (ТА): тизза ости артерияси, катта болдир нерви ва болдир ички тери нерви. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: бел-думғаза радикулити ва радикулоневрит, метрорагия, эндаметрит.

V₅₆. Чэн-цзинь (мушаклар таянчи) – тақим чуқурчасидан 5 цунь пастда болдир мушаклари бошчалари орасида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Кўрсатма: аввалгидек.

V₅₇. Чэн-шань (тоғ таянчи) – болдир мушаклари иккала бошчасининг бирикиш ва уларнинг товон (ахилл) пайларига ўтиш жойида, медиал тўпиқнинг юқори чеккасида тизза ости чуқурчаси бурмасигача масофа ўртасида. *Топографик анатомияси* (ТА): катта болдир суягининг орқасидаги орқага қайтувчи артерия, катта болдир нерви ва болдир медиал тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 20 мм. Кўрсатма: бел-думғаза радикулити, болдир мушакларининг тортишиши, қайт қилиш, ич кетиши, қабзият, болаларда томир тортишиши, геморрой.

V₅₈. Фэй-ян (кўтарилиш) – болдир мушаклари ташқи қоринчанинг товон пайларига ўтиш жойида, латерал тўпиқдан 7 цунь юқорида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Кўрсатма: аввалгидек.

V₅₉. Фу-ян (ян оёқ суяклари) – латерал тўпиқдан 3 цунь юқорига товон пайлари ташқи чеккасида. *Топографик анатомияси* (ТА): кичик болдир артерияси, болдир нерви ва кичик болдир юза нерви. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: локал контрактура, юз нерви неврити, уч шохли нерв неврити, сон соҳасидаги оғриқ ва бел-думғаза оғриғи.

V₆₀. Кунь-лунь (Тибетдаги тоғ номи) – латерал тўпиқ ва товон пайлари орасидаги масофа ўртасида. *Топографик анатомияси* (ТА):

латерал тўпиқ тўри тармоқлари, кичик болдир артерияси, болдир нерви. Укол чуқурлиги 9-15 мм. Кўрсатма: бош ва бошқа оғриқ синдромлари, гипертония касаллиги, бош айланиши, бурундан қон кетиши, бавосил тугунларидан қон кетиши, ишиас, болдир-панжа бўғимлари яллиғланиши, вульвит, плацента силжишининг ушланиши.

V₆₁. Пу-шэнь (ишчиларга ёрдам) – кунь-лунь нуқтаси остида то-вон суяги латерал юзаси чуқурида. *Топографик анатомияси* (ТА): кичик болдир артерияси товон тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: гонит, болдир ва оёқ кафти мушакларининг кучсизлиги.

V₆₂. Шэнь-май (чўзилган қаср) – латерал тўпиқ ости, блоксимон бўртиқ пастки чеккасида, оёқ кафти ва орқа юза чегараси чуқурида. *Топографик анатомияси* (ТА): латерал тўпиқ турлари тармоғи ва латерал оёқ кафти нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, бош айланиши, оёқ ва бел оғриғи, артериосклероз, меноррагия, миёга қон қуйилиши оқибати.

V₆₃. Цзин-мэнь (олтин дарвоза) – латерал тўпиқдан юқорига ва пастга кубсимон суяк латерал чеккасида, V оёқ кафти суяги асосидан чуқур орқасига. *Топографик анатомияси* (ТА): оёқ панжаси орқа артерия тармоқлари ва латерал товон нерви. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: бош олд қисмидаги оғриқ, тизза бўғими соҳасида парестезия, қайт қилиш, эпилепсия, болаларда томир тортишиши.

V₆₄. Цзин-гу (бош суяк) – оёқ кафти суяги асосидан олдинга ва пастга, орқа ва товон юзаси чегараси чуқурида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, бел-думғаза соҳасидаги оғриқ, эпилепсия, болаларда томир тортишиши, мушак контрактуралари, кўздан ёш оқиши.

V₆₅. Шу-гу (суякларнинг бирикуви) – V оёқ кафти суяги бошча-сидан орқага ва ташқарига, орқа ва товон юзаси чегараси чуқурида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, бош айланиши, эшитишнинг пасайиши, кўз ички бурчагининг яллиғланиши, кўз ёшланиши, тепа ва бўйин-энса соҳасидаги оғриқ, бел ва орқа соҳасидаги оғриқ, болдир мушаклари тортишиши, тана карбункули ва фурункули, оддий ҳуснбузар.

V₆₆. Цзу-гун-гу (кириш водийси) – V қўл кафти фалангали бўғимидан олдинга, V бармоқ ташқи юзасида. *Топографик анатомияси* (ТА): қўл кафти орқа артерияси тармоқлари, тегишли оёқ кафти

бармоқ нерви. Укол чуқурлиги 6 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, бурундан қон кетиши, бўйин ва энса соҳасидаги оғриқ.

V₆₇. Чжи-инь (четдаги ин) – оёқ панжаси V бармоғи тирноқ ўрнидан 3 мм ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): бармоқ орқа артерияси ва болдир нерви тармоқлари. Укол чуқурлиги 6 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, конъюнктива ва гиперемия, сийдик тутилиши, оёқ бўғимларидаги оғриқ.

Буйрак меридиани (VIII; R; N; K)

Инь оёқ меридианлари тизимига киради, жуфт, сийдик пуфаги меридианининг давоми (13-расм). Оёқ панжаси бармоқларини букишда ҳосил бўладиган, товон чуқуридан бошланади ва товонни кесиб ўтиб, оёқ панжаси медиал юзаси ўртасидан чиқади, сўнг медиал тўпиқдан орқага ва пастга тўртбурчак ёки ҳалқа ҳосил қилади. Медиал тўпиқдан меридиан болдир ва сон медиал юзаси бўйича юқорига деярли вертикал йўналади, бунда RP ва F меридианларидан орқада жойлашади. Пешона суягига етиб у икки тармоққа бўлинади: юза ва чуқур. Кейингиси думгаза, умуртқа поғонаси бел қисми ва буйракка киради.

Буйракдан меридиан коллатераллари сийдик пуфаги, жигарга боради ва диафрагма орқали ўтиб, ўпка, юракка киради, кекирдик бўйламаси тил ўзагига йўналиб, перикард меридиани билан алоқага киришади. Меридиан юза тармоғи қорин соҳасида айниқса, ўрта чизиқда медиал ўтади, яъни 0,5 цунь масофага. Кўкрак қафаси соҳасида меридиан ўмров ости шу-фу (R₂₇) нуқтасида тугаб, ўрта чизиқдан 2 цунь масофага ўтади.

Шарқ тиббиётининг қадимги асарларида ушбу меридианга катта аҳамият берилади. Мана ўша маълумотлардан баъзилари.

Буйрак – икки элементдан иборат бўлган «тоза қувват» омбори. Ушбу элементлардан бири озиқлантирувчи моддалар билан ифодаланган, яъни ички аъзолар ва ичак фаоллигининг материал асоси ҳисобланади, ўша вақтда бошқаси каби буйракнинг ўзи инсоннинг ўсиши, ривожланиши ва кўпайишида материал асос бўладиган «тоза қувват» ҳисобланади. Узоқ давом этган касаллик ва жиддий операциядан сўнг беморлар кўпинча таъсирланувчанликнинг пайдо бўлиши, кўришнинг нохуш сезгилари, уйқусизлик, тунда терлашнинг


пайдо бўлиши ва ҳоказолардан шикоят қиладилар. Хитой тиббиёти шундай ҳисоблайдики, бундай ҳолатлар «буйрак тоза қувватининг етишмовчилиги» оқибати ҳисобланади.

Буйраклар шунингдек, суяклар ва илик фаолиятини назорат қилади. Шундай қилиб, суякларнинг ўсиши, ривожланиши ва тикланиши буйракнинг «тоза қуввати»га боғлиқдир. Буйраклар ва суяклар орасида ўзаро яқин алоқа мавжуд. Ушбу назария бўйича буйраклар билан боғланган нуқталар, кўпинча суякларда операция ўтказишда акупунктур анестезия қилишда қўлланилади. Шу билан бир қаторда буйраклар тана суюқлигини назорат қилади ва уларда патологик ўзгаришларнинг келиб чиқишида гипурия, шишиш, полиурия, энурез, сийдик тута олмаслик ва бошқа шу каби касалликлар ва белгилар ривожланиши мумкин. Қадимги асарларда буйрак ва ўпка меридиани алоқасига катта аҳамият берилган.

Хитой концепциясига асосан, буйрак меридиани айрим характерли хусусиятларни ўз назорати остига олади: қатъиятлилик, ирода ва жинсий фаоллик.

Буйрак етишмовчилиги ҳолатларида инсон инертли, иродасиз, сабрсиз, ҳадиксировчи, камгап, меланхолик ва қатъиятсиз бўлиб қолади. Бундай ҳолатларда оёқлар музлайди, бўйин таранглашади, буларнинг барчаси қулоқ шангиллаши билан бирга кузатилади. «Қулоқ – буйрак кўзгуси» эканлиги характерлидир, яъни қулоқ супраси буйрак меридиани ҳолатини акс эттиради. Қулоқ супраси юмшоқ, шалвираган, сианотик бўлса, бу меридианда «қувват етишмовчилиги» белгисидир. Шунингдек, эгилувчан, эластик супра меридианда буйрак ҳолатининг меъёрда ёки уларда «қувватнинг ошганлиги»дан далолатдир. «Меъёрдан ошиш» синдромига қувватнинг ўзгача ошиши, иш қобилиятининг кўтарилиши, қатъиятлилик, ички ҳаяжон ҳислари, баъзан думғаза, бел ва бошқа соҳалардаги оғриқ каби шундай белгилар киради. Хитой тиббиёти буйракларни «ҳаёт илдири» деб ҳисоблайди.

Буйрак меридиани нуқталарига таъсир ўтказиш бронхиал астма, шунингдек, кўкрак санчиғида, кўкрак қафаси димланиш ҳолатларида кўпроқ таъсир қилади. Буйрак меридиани нуқталари орқали ҳайз кунларининг бузилишлари ва сийдик таносил соҳасида ўзгаришлар кузатилиши мумкин. Бундан ташқари, буйрак меридиани нуқтасига игна санчиш орқали овқат ҳазм қилиш тизими фаолиятини меъёрга



13-расм. Буйрак меридиани йўналиши ва унинг асосий нуқталари тасвири

келтириши мумкин (қабзият, кекириш, метеоризм, диспепсия, қайт қилиш).

Буйрак меридиани пастки нуқталари неврастения ва эпилепсияда таъсирлидир. Баъзи ҳолатларда буйрак меридиани нуқталаридан фойдаланиш гипертония ва гипотония ҳолатлари касалликлари, юрак-томир тизими бузилишларини даволашда ютуқларга олиб келади.

Буйрак меридиани кўп сонли нуқталари сексуал доирага ва буйрак усти безларига таъсир кўрсатади.

Меридианнинг соф аъзо йўналиши ҳаракатида буйрак, бачадон ва унинг ортиқлари, ўт пуфаги ва халқум фаолияти бузилишида унинг нуқталари акупунктурасидан энг мустаҳкам самара олинган. Буйрак меридианидан кўрсатилган аъзоларга оператив аралашувларда акупунктур оғриқсизлантириш учун фойдаланилади.

Меридианга 27 та биологик фаол нуқталар (БФН) киради. Улар:

R₁. Юн-цюань (отилиб чиқувчи булоқ манбаи) – II ва III оёқ қафти суяклари орасидаги товон юзасида, II бармоқ учидан 2/5 масофада товон орқа чеккасида жойлашган. *Топографик анатомияси* (ТА): товон ёйи, медиал ва латерал товон нервлари. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: истерик афазия, овознинг бўғилиши, сийдик тута олмаслик ва тутилиши, оёқ мушаклари тортишиши, болаларда томир тортишиши, эпилепсия.

R₂. Жань-гу (синов водийси) – оёқ панжаси медиал юзаси ўртасида, елкансимон суяк дўмбоғидан олдинга, чуқурда. *Топографик анатомияси* (ТА): катта болдир артерия тармоқлари, катта болдир нервлари. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: ларингит, миокардит, тонзиллит, сўлак оқиши, қайт қилиш ва сийдик-таносил соҳаси касалликлари (цистит, эпидидимит, сийдик тута олмаслик, бепуштлик, ҳайз циклининг бузилиши, вульва қичимаси), болаларда томир тортишиши. R₁ билан бирга баъзан диуретик таъсир кўрсатади.

R₃. Тай-си (катта оқим) – медиал тўпиқ ва товон пайлари орасида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: нафас олиш аъзолари, оғиз бўшлиғи касалликлари, висцерал спазмлар, юрак соҳасидаги оғриқ.

R₄. Да-чжун (катта жом) – тай-си нуқтасидан шуй-сюан нуқтасигача масофа орасида, товон пайлари бирикадиган жойдан ичкарига, чуқурда. *Топографик анатомияси* (ТА): катта болдир орқа артерияси, катта болдир нерви ва болдир медиал тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: пароксизмал тахикардия, психоз стоматит, қайт қилиш, қабзият, меноррагия, бел оғриғи.

R₅. Шуй-цюань (сув манбаи) – товон суяги медиал юзаси ўртасида. *Топографик анатомияси* (ТА): катта болдир нерви товон тармоқлари ва болдир медиал тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 12 мм. Кўрсатма: алинорея, гипоменорея, полурия.

R₆. Чжао-хай (ёруғ денгиз) – медиал тўпиқдан пастда, оёқ панжаси орқа ва товон юзаси чегарасида. *Топографик анатомияси* (ТА): катта болдир орқа артерияси, медиал товон нерви ва болдир тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги қуруқлик, умумий дармонсизлик, тонзиллит, ичак санчиғи, ҳайз циклининг бузилиши, уйқусизлик, томир атонияси, семизлик.

R₇. Фу-лю (қайта оқим) – цзяю – синь нуқтасидан орқага, медиал тўпиқ юқори чеккасида 2 цунь юқорида. *Топографик анатомияси* (ТА): катта болдир артерияси орқа тармоқлари ва катта болдир нерви, болдир медиал тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: миелит, сийдик-таносил аъзолари касалликлари, тунда терлаш, люмбаго, тиш оғриғи, бавосил тугунларидан қон кетиш, артериал гипотензия.

R₈. Цзяо-синь (ўзгариб турувчи ишонч) – катта болдир орқа чеккаси, медиал тўпиқ юқори чеккасидан 2 цунь юқорида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 12 мм. Кўрсатма: сийдик-таносил касалликлари.

R₉. Чжу-бинь (қурилган тўғон) – болдир мушакларининг товон пайларига ўтиш жойи, медиал тўпиқ юқори чеккасидан 5 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: эпилепсия, болдир мушаклари тортишиши, глоссит, импотенсия.

R₁₀. Инь-гу (инь водийси) – тақим чуқурчаси марказидан ичкарига, катта болдир суяги медиал тўпиқ суягидан орқага, сон мушакларининг ярим пай ва ярим кўндаланг пайлари орасида. *Топографик анатомияси* (ТА): тақим артерияси тармоқлари ва ички ёпқич нерви. Укол чуқурлиги 12 мм. Кўрсатма: сон ички юзаси соҳаси оғриғи, сийдик-таносил аъзолари касалликлари.

R₁₁. Хэн-гу (кўндаланг суяк) – пешона бўйлаб, қорин ўрта чизигидан 0,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): пастки ва юза қорин усти артерияси тармоқлари, ташқи жинсий артерия ва ёнбош-қорин ости нерви. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: сийдик тута олмаслик, поллакиурия, поллюция, конъюнктив гиперемия, кератит, кичик чаноқ аъзоларининг оғриқ синдромлари.

R₁₂. Да-хэ (катта ёғду) – пешонадан 1 цунь юқори ва қорин ўрта чизигидан 0,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): пастки ва юза қорин усти артерияси тармоқлари, қовурғалараро нервларнинг олд тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 15-30 мм. Кўрсатма:

импотенсия, жинсий аъзо соҳасидаги огриқ, аспермия, сурункали кольпит, конъюнктив гиперемия, кератит.

R₁₃. Ци-сюе (қувват нуқтаси) – пешонадан 1 цунь юқори ва қорин ўрта чизигидан 0,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Бошқа маълумотлар ҳам аввалгидек.

R₁₄. Ци-мань (4-карра тўлиқлик) – пешонадан 3 цунь юқори ва қорин ўрта чизигидан 0,5 цунь ташқарига. Укол чуқурлиги 20-30 мм. Кўрсатма: ичак ва жинсий аъзолар касаллиги.

R₁₅. Чжун-чжу (ўрта дарё) – пешонадан 4 цунь юқори ва қорин ўрта чизигидан 0,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Бошқа маълумотлар ҳам аввалгидек.

R₁₆. Хуан-шу (ҳаёт марказларининг келишув нуқталари) – киндик бўйлаб, қорин ўрта чизигидан 0,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): қорин усти пастки артерияси, қовурғалараро нервларнинг олд тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 30 мм. Кўрсатма: ошқозон ва ичак касаллиги.

R₁₇. Шан-цюй (савдогар мусиқаси) – киндикдан 2 цунь юқори ва қорин ўрта чизигидан 0,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): қорин усти юқори артерияси, қовурғалараро нервлар тармоғи. Укол чуқурлиги 20-30 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

R₁₈. Ши-гуань (тошли чегара) – киндикдан 3 цунь юқори ва ўрта чизикдан 0,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Бошқа маълумотлар аввалгидек.

R₁₉. Инь-ду (ин маркази) – киндикдан 4 цунь юқори ва ўрта чизикдан 0,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 20-30 мм. Кўрсатма: нафас олиш аъзолари, ошқозон ва ичак касалликлари.

R₂₀. Фу-тун-гу (тўлиб тошган водий) – киндикдан 5 цунь юқори ва қорин ўрта чизигидан 0,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

R₂₁. Ю-мэнь (қоронғилик дарвозаси) – киндикдан 6 цунь юқори ва қорин ўрта чизигидан 0,5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): қорин усти юқори артерияси, қовурғалараро нервларнинг олд тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: кекириш, сўлак оқиши, жигар касалликлари.

R₂₂. Бу-лан (сайр учун йўлак) – бешинчи қовурга орасида, ўрта чизикдан 2 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): қовурга

ораси томир-нерв бойлами. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: нафас олиш аъзолари, қизилўнгач, ошқозон касалликлари.

R₂₃. Шэнь-фэн (руҳ тамғаси) – тўртинчи қовурға орасида, ўрта чизикдан 2 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Бошқа маълумотлар аввалгидек.

R₂₄. Лин-суй (руҳ бўшлиғи) – учинчи қовурға орасида, ўрта чизикдан 2 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: қовурғалараро невралгия, нафас олиш аъзолари касалликлари, ҳид билишнинг пасайиши, сут безларининг яллигланиши, аёлларда невротик бузилишлар.


R₂₅. Шэнь-цан (руҳ омбори) – иккинчи қовурға ораси, ўрта чизикдан 2 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Бошқа маълумотлар аввалгидек.

R₂₆. Юй-чжун (шубҳада бўлиш) – биринчи қовурға ораси кўкрак ўрта чизигидан 2 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): қовурға – бўйин ўзаги тармоқлари, қовурғалараро нервлар, кўкрак нервлари олд тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: нафас олиш аъзолари касалликлари.

R₂₇. Шу-фу (уста келишуви) – ўмров суяги пастки чеккаси, кўкрак ўрта чизигидан 2 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): сут безлари тармоқлари, медиал ва латерал кўкрак нервлари, ўмров суяги ости нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бронхит, ҳиқичоқ, қайт қилиш, сўлак оқиши.

Перикард меридиани (IX; MC; KS; Cx)

Инь қўл меридианлари тизимига киради, жуфт (14-расм). Классик концепцияларга мувофиқ, меридиан кўкрак бўшлиғидан (юқори «иситувчи» бўшлиқ) бошланиб, перикардга чиқади, шундан кейин ўрта ва пастки «иситувчи» бўшлиқда тармоқ отади, шу билан тана уч бўшлиғи меридиани билан кенг алоқа ўрнатади. Меридианнинг ташқи қисми юзага кўндаланг бармоққа тянь-чи (MC₁) нуқтаси сўрғичидан ташқарига чиқади. Сўнг меридиан елкага йўналади, унинг медиал юзаси елка ўртаси, икки бошли мушаклар бошчалари орасида жойлашиб, икки бошли мушак пайларидан тирсак бўғимини ичкарига кесиб ўтади. Билакда меридиан узун кафт мушаклари ва билакни букувчи қўл панжаси пайлари орасида, яъни билак ўртасида жой-



14-расм. Перикард меридиани йўналиши ва унинг асосий нуқталари тасвири

лашади. Сўнг меридиан билак-кафт бўғимини кесиб ўтади ва учинчи қўл кафти оралиғи медиал чеккаси бўйича ўтиб, ўрта бармоққа йўналади ва шу ерда тугайди.

Анъанавий таълим бўйича, ушбу меридиан қандайдир аъзони кўрсатмайди, балки фақат функционал доира намунаси ҳисобланади ва баъзи аъзоларга ўзининг таъсири бўйича, масалан юрак, юрак меридиани билан ўхшашликка эга. Бироқ перикард меридиани қон

айланишида кўпроқ кенг диапазон таъсирга эга, шу муносабат билан меридиан нуқталари акупунктура амалиётида ҳаракат сусайиши, қон айланиш етишмовчилиги, кўкрак ва қорин бўшлиги, сийдик-таносил тизими қон айланишининг бузилишида кенг қўлланилади. Шунинг учун перикард меридианини кўпинча «юрак-қон томир-сексуал доиралари» меридиани деб атайдилар.

Перикард меридиани нуқталарига (айниқса MC_4 - MC_9 га) таъсир ўтказиш, шунингдек руҳий – эмоционал соҳага таъсир кўрсатиши мумкин.

Физиологик нуқтаи назардан қараганда перикард меридиани нуқталарига игна санчиш (хорижий муаллифларнинг баъзи маълумотлари бўйича) қонни тозаловчи умумий масса ва модда алмашувига таъсир кўрсатади.

Меридианга 9 та биологик фаол нуқталар (БФН) киради. Улар: MC_1 . Тянь-чи (самовий ҳавза) – тўртинчи қовурға ораси, олдинги ўрта чизиқдан 5 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси* (ТА): латерал кўкрак артерияси, елка чигалининг медиал ва латерал нервлари, кўкрак ва қовурғалараро нервлар. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: перикардит, қовурғалараро невралгия, гипогалактия, мастит.

MC_2 . Тянь-цюань (самовий манба) – елка икки бошли мушаклари тирсак чеккасида, тирсак буқими ўртасида. *Топографик анатомияси* (ТА): ўрта нерв, елка артерияси, тирсак венаси, елка медиал тери нерви ва билак медиал тери нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: миокардит, бронхит, ўткир гастрит, елка оғриғи, қуёш уриши, бош соҳасининг кучли терлаши.

MC_4 . Си-мэнь (чегара дарвозаси) – узун қўл кафти мускуллари ва панжани буқувчи билак мускул пайлари орасида, билак-кафт бурмаларидан 5 цунь юқорида. *Топографик анатомияси* (ТА): тирсак артерияси тармоқлари, ўрта нерв, билак латерал ва медиал тери нервлари. Укол чуқурлиги 12 мм. Кўрсатма: миокардит, тахикардия, қонли қайт қилиш, бурундан қон кетиши, ҳиқичоқ, психозлар.

MC_5 . Цзянь-ши (воситачи) – узун қўл кафти ва панжани буқувчи билак мускуллари пайлари орасида, билак-кафт бурмасидан 3 цунь юқорида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: миокардит, ларингит, гастрит, эпилепсия, депрессив синдром, ҳайз циклининг бузилиши, гидроаденит.

МС₆. Нэй-гуань (ички дарвоза) – узун қўл кафти мускуллари ва панжани букувчи билак мускуллари, билак-кафт бурмасидан 2 цунь юқорида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: юрак, ошқозон касалликлари, конъюнктивга қон қуйилиши, тирсак ва елка бўғими соҳасидаги оғриқ, психозлар, гипертония касаллиги. Акупунктура амалиётидаги асосий нуқталардан бири.

МС₇. Да-лин (катта тепалик) – билак-кафт бўғими ўртаси, узун қўл кафти мускуллари ва панжани букувчи билак мускуллари пайлари орасида. *Топографик анатомияси* (ТА): ўрта нерв ва умумий суяклараро артерия тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: юрак, ошқозон касалликлари, қовурғалараро невралгия, гидроаденит, тонзиллит, бош оғриғи, уйқусизлик, психозлар, гипертония касаллиги, ёзув спазми, плекситлар.

МС₈. Лао-гун (меҳнат қасри) – қўл кафти ўртаси, III ва IV қўл кафти суяклари орасида. *Топографик анатомияси* (ТА): юза артериал қўл кафти ёйи, ўрта нервдан давом этувчи, умумий қўл кафти бармоқ нервлари. Укол чуқурлиги 3-6 мм. Кўрсатма: гипертония касаллиги, стоматит, сариқ касаллиги, бурундан қон кетиши, бармоқ учлари нимфалажи, гипергидроз, реактив психозлар, истерия, «тез ёрдам» нуқтаси.

МС₉. Чжун-чун (ўртача тик жарлик) – ўрта бармоқ охирги фалангаси учида, тирноқ ўрнидан 3 мм чекиниб. *Топографик анатомияси* (ТА): қўл кафтига қарашли бармоқ артерияси аностомози, ўрта нервдан давом этувчи, қўл кафтига қарашли бармоқ нерви. Укол чуқурлиги 3 мм. Кўрсатма: юрак касаллиги, бош оғриғи, тер ажралиши бўлмаган безгак касалликлари, «Тез ёрдам» нуқтаси.

Тана уч бўшлиғи меридиани (X; TR; ЗЕ; T)

Ян қўл меридианлари тизимига киради, жуфт, перикард меридианининг давоми (15-расм). Меридиан IV бармоқ тирноқ ўрни ульнар чеккасида. Қўл панжасида меридиан билак-кафт бўғими ўртасида IV қўл панжаси суяги бошчаси бўйлаб бурилиш қилиб, унинг сирти бўйича IV ва V қўл кафти суяклари орасидан ўтади. Билакда меридиан йўналиши билак ва тирсак суяклари орасидаги оралиқда унинг ташқи юзаси бўйичадир.

Елкада шунингдек, меридиан унинг ташқи юзасидан ўтади, кейин эса елка бўғими орқали ўтиб, курак акромиял ўсимтасини кесиб ўтади ва да-чжуй (T_{14}) нуқтасига йўналади, у ерда қарама-қарши томони ўхшаш меридиан билан бирлашади. Да-чжуй нуқтасидан ўмов усти чуқурини кесиб ўтиб, меридиан перикардга тармоқланиб, кўкрак бўшлиғига йўналади.


Меридиан кўкрак бўшлиғидан қорин ва чаноқ бўшлиғига тушади. Меридианнинг бошқа тармоқланиши кўкрак бўшлиғидан юқорига – бўйинга томон кўтарилади, у ерда сўрғичсимон ўсимтага йўналиб трапециясимон мускуллар латерал чеккаси бўйича ўтади.

Қулоқ атрофи соҳасида меридиан икки тармоққа бўлинади: улардан бири чакка, лунж ва таъсир доирасининг пастки чеккасига тармоқланиб, қулоқ супрачаси олдидан ўтади ва қулоқ юмшоғи юқори кесими бўйлаб қош охиригача қия йўналишда боради ва у ерда тугайди. Шундан кейин фақат коллатерал ўт пуфағи меридианига тунгси-ляо (VB_1) нуқтасигача давом этади.

Тана уч бўшлиғи меридиани перикард меридиани каби қайсидир бир аъзога тегишли бўлмайди, бу яхлит функционал тизим ҳисобланади. Ушбу тизим учта бўшлиқ ёки учта функционал бирликни ўз ичига олади. Юқори бўшлиқ (шан-цзяо) тана кўкрак қафасини диафрагмагача ўз ичига олади ҳамда у нафас олиш ва қон айланиш тизимига функционал тегишли ҳамдир. Ўрта бўшлиқ (чжун-цзяо) – диафрагмадан киндиккача бўлиб, уларга биринчи навбатда бшқозон ва талоқ каби аъзолар киради. Растки бўшлиқ (ся-цзяо) – киндикдан пастки майдонда жойлашган бўлиб, уларга бўйрак, сийдик пуфағи, жинсий аъзолар ва бошқа сийдик-таносил тизими киради.

Шундай қилиб, тана уч бўшлиғи меридиани ян тизимига кирувчи турли жараёнлар ва ички аъзолар фаолиятини мувофиқлаштиради ва бошқаради. Перикард меридианида худди ўша аввалги функционал доиралар кўрсатилган, бироқ инь тизимининг устун бўлиши ва шу муносабат билан уч бўшлиқ меридиани перикард меридианига қарама-қарши спастик ва оғриқ синдромларига таъсир кўрсатишга қодир. Меридиан йўналишининг топографик ўзига хослиги, хусусан унинг қулоқ атрофи, кўз, юз соҳасидаги йўналиши қулоқ таранглиги, кўз ва қулоқ оғриғи, тиш оғриғига ҳам таъсир ўтказиш имконини беради.

Қўл ва елка умуртқаси соҳасида жойлашган нуқталар ушбу тана қисмлари азият чекканда самаралидир. Агар перикард меридиани



15-рaсм. Тана уч бuшлиги меридианининг йuналиши ва унинг асосий нуқталари тасвири

руҳий бузилишларга сезиларли таъсир кўрсатса ва ички секреция билан алоқага эга бўлса, у ҳолда тана уч бўшлиғи меридиани юқори таъсирчанлик ҳолатига катта таъсир ўтказиши. Меридианнинг қорин соҳасида жойлашадиган хабарчи-нуқталар билан иккиламчи алоқаси негизида меридианнинг ўзи тегишли бўлган нуқталар билан уйғунликдаги бир қатор кўкрак ва қорин бўшлиғи касалликлари шунингдек, сийдик-таносил аъзолари фаолиятининг баъзи бузилишларида таъсир ўтказишга муваффақ бўлади.

Қадимги манбалар ва замонавий муаллифларнинг маълумотларини таҳлил қилган ҳолда хулоса чиқариш мумкинки, тана уч бўшлиғи меридиани асосан автоном асаб тизими симпатик бўлимига таъсир қилади, бу эса текис мускуллар ва барча томирлар нерв бошқаруви-га таъсир ўтказиш билан ифодаланади. Ушбу меридиан нуқтасига игна санчишда томир спазмлари, гипер ва гипотония ҳолатлари, томирлар склерозидаги баъзи белгилар, шунингдек, кучли таъсирланиш ҳолати, ҳаддан ташқари ирода ва интеллектнинг таранглашувини йўқотиш ва камайтиришга муваффақ бўлинади. Акупунктур оғриқсизлантириш мақсадида тана уч бўшлиғи меридиани нуқталари қулоқ, кўз, кўкрак қафаси деворлари, елка камари ва тирсаклар жарроҳлик аралашувларида самаралидир.

Меридианга 23 та биологик фаол нуқталар (БФН) киради. Улар:

TR₁. Гуань-чун (тажовузнинг чегара нуқтаси) – IV бармоқнинг тирсак томонида тирноқ ўрнидан 3 мм га жойлашган. *Топографик анатомияси* (ТА):бу соҳада тегишли бармоқ артериялари, тирсак нерв тармоқлари жойлашади. Укол чуқурлиги 3 мм. Кўрсатма: безгак ҳолатлари, кўнгил айниши, бош оғриғи, иштаҳанинг пасайиши, болаларда диспепсия, «тез ёрдам» нуқтаси.

TR₂. Е-мэнь (суюқлик дарвозаси) – IV ва V бармоқ қўл кафти – фалангали бўғимлари ораси чуқурида (IV бармоқ асосий фалангаси тирсак чеккасида). *Топографик анатомияси* (ТА):аввалгидек. Укол чуқурлиги 3 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, бош айланиши, эшитишнинг пасайиши, қулоқ шанғиллаши, гингивит, кўз касалликлари, билакнинг тирсак бўғими соҳасидаги оғриғи, реактив психозлар.

TR₃. Чжун-чжу (ўрта орол) – IV ва V қўл кафти суяклари орасида, IV қўл кафти суяги бошчасидан орқага, чуқурда. *Топографик анатомияси* (ТА): қўл кафти орқа артерияси ва тирсак нервдан келувчи,

бармоқ орқа нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: аввалгидек, қўшимча безгак ҳолати ва артериал гипотензия.

TR₄. Ян-чи (ян ҳавзаси) – билак-кафт бўғими орқа юзасида, бармоқларни умумий ёзувчи пайлар билак чеккасида (бу жойда чуқур сезилади). *Топографик анатомияси* (ТА): кафт усти суяклари тўри орқа тармоқлари, тирсак нерви орқа тармоқлари ва билак нерви юза тармоғи. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: диабет, билак-кафт бўғими яллиғланиши, грипп, бод, билак оғриғи.

TR₅. Вай-гуань (ташқи дарвоза) – бармоқларни умумий ёзувчи билак чеккасида, билак-кафт бўғимидан 2 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): суяклараро артерия, билак орқа тери нерви, билак нерви мускул тармоқлари. Укол чуқурлиги 15-20 мм. Кўрсатма: эшитишнинг пасайиши, оёқ бўғимларидаги оғриқ, тиш оғриғи, кўз касалликлари, умумий ҳолсизлик, уйқусизлик, грипп. Об-ҳаво ўзгаришига бўлган кучли сезувчанлик. Акупунктура амалиётидаги асосий нуқталардан бири.

TR₆. Чжи-гоу (сертармоқ зовур) – билак тирсак суяклари орасида, билак-кафт бўғимидан 3 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 15-20 мм. Кўрсатма: ўпка ва юрак касалликлари, қўлдаги оғриқ, қайт қилиш, туғишдан кейинги кол-лапс.

TR₇. Хуэй-цзун (қаршидан келаётган манба) – чжи - гоу нуқтасидан тирсак томонга 10 мм, қўл панжасини ёзувчи тирсак ва шахсан жимжилоқни ёзувчи мускуллар орасида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: хорая, елка ва билак оғриғи.

TR₈. Сань-ян-ло (уч ян ло) – билак-кафт бўғимидан 4 цунь юқори, тирсак ва билак суяклари орасида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: карлик, пастки жаф соҳасида тиш оғриғи, кўз касалликлари, елка ва билак оғриқлари.

TR₉. Сы-ду (тўрт занжир) – тирсак ва билак суяклари ораси, тирсак букимидан 5 цунь пастда. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 15-20 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

TR₁₀. Тянь-цзин (самовий манба) – елка орқа юзаси, тирсак ўсимтасидан 1 цунь юқорида. *Топографик анатомияси* (ТА): тирсак бўғими турлари артерияси ва веналари, елка тери нервлари ва билак нерви мускуллари тармогининг айрилиши. Укол чуқурлиги 10-15 мм.

Кўрсатма: нафас олиш касалликлари, психозлар, карлик, блефрит, бўйин ва энса соҳасидаги оғриқ, бўйин қийшайиши.

TR₁₁. Цин-лэн-юань (тоза совуқ гирдоб) – елка орқа юзаси, тирсак ўсимтасидан 2 цунь юқорида. *Топографик анатомияси* (ТА): елка орқа тери нерви ва билак нерви мускуллари тармоғи бўлинган жойда, елка уч бошли мускулларида жойлашган. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: қўл оғриғи.

TR₁₂. Сяо-лэ (туриб қолган сувни буриш) – елка орқа юзасида, тирсак бўғимидан 5 цунь юқори. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, энса нервлари невралгияси, эпилепсия, ревматик артрит, қўл оғриғи.

TR₁₃. Нао-хуэй (елка учрашуви) – дельтасимон мускуллар пастки чеккасида, қўлтиқ чуқури бўйлаб. *Топографик анатомияси* (ТА): елка суягини айланиб ўтувчи, орқа артерия, қўлтиқ нерви ва елка юқори латерал тери нерви. Укол чуқурлиги 15-20 мм. Кўрсатма: қўл ва бўйин, энса соҳасидаги оғриқлар.

TR₁₄. Цзянь-ляо (елка чуқурчаси) – цзянь-юй (GI₁₅) нуқтасидан нао-шу (IG₁₀) нуқтасигача масофа ўртасида, курак акромиал ўсимтасидан орқага ва пастга. Қўл қайтарилганда нуқта ўрнида чуқурча аниқланади. *Топографик анатомияси* (ТА): елка суягини айланиб ўтувчи, орқа артерия, кўкрак-акромиал ва курак устки артерияси, курак усти ва елка орқа тери нерв толалари. Укол чуқурлиги 15-20 мм. Кўрсатма: елка плекситлари.

TR₁₅. Тянь-ляо (осмон чуқурчаси) – цзянь-цзин (VB₂₁) нуқтаси ва курак суяги юқори чеккаси орасидаги масофа ўртасида. *Топографик анатомияси* (ТА): курак устки артерияси, ўмов суяги усти ва қўшимча нервлар. Укол чуқурлиги 10-25 мм. Кўрсатма: бўйин-кўкрак радикулитлари, елка плекситлари.

TR₁₆. Тянь-ю (осмон дарвозаси) – сўрғичсимон ўсимтадан орқага ва пастга тўш-ўмов суяги – сўрғичсимон ўсимтаси мускуллари (ваньгу (VB₁) нуқтаси остида) орқа чеккаси бирикиш жойида, я-мэнь (T₁₅) бўйлаб. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: энса-бўйин соҳасидаги оғриқ, ларингит, қулоқ шанғиллаши, карлик, кўз геперемияси, юз шиши, уйқусизлик.

TR₁₇. И-фэн (шамолдан ҳимоя) – қулоқ солинчаги асосидан орқага, сўрғичсимон ўсимта ва пастки жағ бурчаги орасида, ичкарида бигиз ва сўрғичсимон ўсимтаси тешигига мос келади. Ушбу нуқта

босилганда қулоқда шовқин пайдо бўлади. *Топографик анатомияси* (ТА): қулоқ орқа артерияси, катта қулоқ нерви, бу соҳа юзасида юз нервнинг қулоқ орқа тармоқлари ўтади, ичкарида биғиз-сўргичсимон ўсимтаси тешигидан юз нервнинг чиқиш жойи. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: қулоқ шанғиллаши, карлик, юз нерви неврити, стоматит.

TR₁₈. Ци-май (озиқланувчи меридианлар уриб турувчи вена) – қулоқ супрачаси асосининг орқа чеккаси ташқи эшитув йўли тешиги билан бир даражада. *Топографик анатомияси* (ТА): қулоқ орқа артерияси ва венаси, катта қулоқ нерви. Укол чуқурлиги 3 мм. Укол қилишда кўп бўлмаган қон оқиши бўлиши керак. Кўрсатма: бош оғриғи, айниқса вена димланишида, қулоқ шанғиллаши, ирит, болаларда томир тортишиши, эпилепсия, қайт қилиш, ич кетиши.

TR₁₉. Лу-ци (бош суяги таянчи) – қулоқ супрачаси асоси юқори чеккаси цзяо-сунь нуқтасидан ци-май нуқтасигача масофа ўртасида. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 6 мм. Кўрсатма: қулоқ шанғиллаши, бош оғриғи, эпилепсия, қўрқувлар. Ушбу нуқтадан айниқса болалар марказий генезида қайт қилишда фойдаланишга кўрсатма берилади.

TR₂₀. Цзяо-сунь (қулоқ бурчаги) – қулоқ супрачаси юқори чеккаси асосида. *Топографик анатомияси* (ТА): қулоқ орқа артерияси, чакка юза артерияси, уч шохли нерв учинчи тармоғи, кичик энса нерви. Укол чуқурлиги 6 мм. Кўрсатма: диэнцефал бузилишлар, оғиз соҳаси мускулларида тик ва контрактура, стоматит, чайнов мушакларининг кучсизлиги, қайт қилиш, қалқонсимон безнинг катталашishi, кўз касалликлари.

TR₂₁. Эр-мэнь (қулоқ эшиги) – қулоқ юмшоғидан олдинга ва юқorigа пастки жағ бўғим ўсимтаси орқа чеккасида. *Топографик анатомияси* (ТА): чакка юза артерияси ва қулоқ – чакка нерви тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: қулоқ шанғиллаши, карлик, отит, юқори жағда тиш оғриғи, оғиз айлана мускулларида контрактура.

TR₂₂. Хэ-ляо (чакка чуқурчаси) – қулоқ супрачаси асосининг олд-юқори чеккасида, чакка суяги ёноқ ўсимтаси асосидан юқори: бу соҳада чакка юза артерияси пайпасланади. *Топографик анатомияси* (ТА): аввалгидек. Укол чуқурлиги 10-20 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, юз нерви неврити ва унинг асорати, ринит, ташқи эшитув йўли яллиғланиши.

TR₂₃. Сы-чжу-кун (ипак бамбук) – қошнинг ташқи охирида. *Топографик анатомияси (ТА)*: чакка юза артерияси ва уч шохли нерв биринчи тармоғи. Укол чуқурлиғи 10 мм. Кўрсатма: кўз касалликлари, бош айланиши, юз нерви неврити, болаларда томир тортишиши.

Ўт пуфағи меридиани (XI; VB; G; G)

Ян оёқ меридианлари тизимига киради, жуфт, тана уч бўшлиғи меридианининг давоми (16-расм). Кўз ташқи бурчагидан бошланади, у ердан қулоқ солинчагига тушади, шундан сўнг бош ён юзасига мураккаб юриш қилади. Дастлаб қулоқ солинчагидан чаккага кўтарилади, кейин сўрғичсимон ўсимта учига етиб, қулоқни орқа томондан айланиб ўтади. Шундан сўнг меридиан орқага қайтади ва агар у кўзнинг ташқи бурчагидан ўтказилса, бош ўрта чизигидан параллел ўтувчи, шартли қабул қилинган бош учинчи ён чизиги бўйича ўтади. Чакка - пешона соҳасида меридиан бироз ичкарига оғади ва ян-бай (VB₁₄) нуқтасида қайта энсага бурилади, аммо энди бош иккинчи ён чизиги бўйича ўтади (кўз қорачиғи ўртасидан ўтган чизиқ, бош ўрта чизигига параллел). Энса соҳасига етган, меридиан бўйин орқа – ён юзаси бўйича пастга тушади, трапетсиясимон мускулни кесиб ўтади ва да-чжуй (T₁₄) нуқтасига йўналади, у ерда бошқа ян меридианлари билан алоқа ўрнатади.

Да-чжуй нуқтасидан меридиан ўмров усти чуқурчасига боради, ўша ерда у икки – юза ва чуқур тармоққа бўлинади. Кейин кўкрак қафасига киради, диафрагмани кесиб ўтади, жигар ва ўт пуфағига яқинлашади. Сўнг кўкрак қафаси, қовурғалар ости ва ёнбош суякни кесиб ўтувчи, хуань-тяо (VB₃₀) нуқтасида юза тармоқ билан бирлашиш учун қорин бўшлиғи орқали чаноқ-сон бўғимига боради. Чаноқ бўйлаб юза тармоқдан сийдик пуфағи меридианини ба-ляо (V₃₁-V₃₄) нуқтасида бирлаштириш учун думғазага йўналган, орқага қайтувчи коллатерал ажралади.

Хуань-тяо нуқтасида бирлашган меридиан сон латерал юзаси бўйича пастга йўналади. Болдирда меридиан кичик болдир суяги олд чеккаси бўйича жойлашади ва латерал тўпиқдан болдир оёқ панжаси бўғимини олд томонга кесиб ўтиб товонга ўтади, V ва IV оёқ кафти суяклари орасидан ўтиб, оёқ панжасининг IV бармоғи тирноқ ўрни ташқи чеккасида тугайди.


Акупунктура амалиётида ўт пуфаги меридиани нуқталари турли хил оғриқларда самаралидир. Бошдаги кўп сонли нуқталар биринчи навбатда бош оғриғи, унинг пешона - чакка соҳаси локализациясида ўзига хос таъсир кўрсатишга имкон беради.

Мигрен, юз оғриғи, баъзида қулоқ, кўз, буруннинг қўшимча бўшлиқлари яллиғланиши касалликларида ушбу меридиан нуқталарига игна санчилганида яхши даво беради. Бошда оғриқ синдромлари, масалан, қовурғалараро невралгия, люмбаго, ишиас, артритлар, айниқса болдир-панжа, тизза ва чаноқ-сон бўғимлари оғриқларида, ўт пуфаги меридиани нуқталарини қўллаш билан игна санчиб даво қилинади. Ўт пуфаги ва ўт ажралиш йўллари касалликларини ушбу меридиан нуқталари орқали даволаш мумкин. Ўт пуфаги гипофункцияси, «ярим тун – ярим кун» қоидаси бўйича юрак билан алоқада бўлади, кўпинча қатор руҳий бузилишлар келтириб чиқаради, характернинг қатъиятсизлиги, кўришнинг ёмонлашуви, жиззакилик бунинг оқибати ҳисобланади. Бу бузилишлар шаҳдам юрмаслик, қовушмаслик, ноқулайлик ва бош айланиши, склеранинг сарғайиши, сафро қайт қилиш ва бошқалар билан кузатилади. «Меридиан гиперфункцияси» ошқозонда тўлалик, оғизда аччиқ таъм, бошда оғирлик сезгиси ва кўкрак қафаси ёки қорин ён бўлимларида оғриқ билан кузатилади.

«Меридиан фаоллиги»нинг энг қулай вақти – 23 дан 1 гача, бу кўпинча клиник амалиётда тасдиқланади. Ўткир холециститнинг энг кўп хуруж тезлиги ёки унинг зўрайиши айнан шу соатларда бўлади. Ушбу қонуният бошқа баъзи аъзолар биоритми учун характерлидир. Масалан, ўпка, буйрак қадимги шифокорларнинг юқори кузатувчанлиги ҳақида далолат беради.

Меридианга 44 та биологик фаол нуқталар (БФН) киради. Улар: **VB₁**. Тун-цзы-ляо (кўз чуқури суяги) – кўз ташқи бурчагидан 6 мм ташқарида жойлашган. Пайпасланганда бу соҳада чуқурлик сезилади. *Топографик анатомияси (ТА)*: чакка юза артерияси ва жағ ички артерияси тармоқлари, юз ва уч шохли нерв тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: кўриш аъзоси касалликлари, уч шохли нерв невралгияси, гингивит, юз нерви неврити, мимика мускуллари кон-трактураси, мигрен.

VB₂. Тин-хуэй (ешитувни йиғувчи) – қулоқ юмшоғидан пастга ва қулоқ юмшоғи ораси кесимидан олдинга, пастки жағ бўғим ўсимта-



16-расм. Ўт пуфаги меридиани йўналиши ва унинг асосий нуқталари тасвири

си орқа чеккасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: чакка юза артерияси ва катта қулоқ нерви тармоқлари, ичкарида юз нерви тармоқланади ва ташқи уйқу артерияси ўтади. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: ташқи эшитиш йўлининг яллиғланиши, қулоқ шангиллаши, карлик, юз нерви неврити ва унинг асорати, тиш оғриғи.

VB₃. Шан-гуань (баланддаги дарвоза) – чакканинг сертук қисми чегараси кесишуви ва мускул ёйи юқори чеккасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: чакка мускуллари, чакка юза артерияси тармоқлари, юз ва уч шохли нерв тармоқлари. Укол чуқурлиги 3 мм. Кўрсатма: мигрен, бош айланиши, қулоқ шангиллаши, карлик, юз нерви неврити, огиз айлана мускуллари тики ва контрактура, тиш оғриғи.

VB₄. Хань-янь (жағ қулфи) – тоу-вэй ва сюань-ли нуқталари орасидаги юқори учинчи масофа чегарасида (юқорида белгиланган чизиқ кесишуви ва инь-тан нуқтасидан нао-ху нуқтасигача горизонтал чизиққа тўғри келади). *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 6 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

VB₅. Сюань-лу (пешона бостирмаси) – Тоу-вэй нуқтасидан сюань-лу нуқтасигача пастки учинчи масофа чегарасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Бошқа маълумотлар аввалгидек.

VB₆. Сюань-ли (осилган тарози) – инь-тан, нао-ху чизигида, цюй-бинь дан 12 мм олдинга. Укол чуқурлиги ва *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Кўрсатма: неврастения, мигрен, юз шиши, тиш оғриғи.

VB₇. Цюй-бинь (бекилган чакка бурчаги) – қулоқ супрачаси ва чакка соҳаси сертук қисми юқори чеккасидан, горизонтал чизиқ кесишган жойда (супрачанинг олдинга бурилишида унинг учи нуқтага мос келади). *Топографик анатомияси (ТА)*: чакка юза артерияси тармоқлари, қулоқ – чакка нерви, юз нерви чакка тармоғи. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бош тепа қисми, чакка ва бўйин соҳасидаги оғриқ, мигрен, кўз касалликлари.

VB₈. Шуай-гу (водий охири) – қулоқ супраси асоси устидан 45 мм, бош тепа қисми ва чакка суяги чоки ўрнида. *Топографик анатомияси (ТА)*: чакка артерияси тармоқлари, қулоқ-чакка ва кичик энса нервлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бош тепа қисми ва бўйин-энса соҳасидаги оғриқ, мигрен, қайт қилиш, мастлик ҳолати, чанқаш.

VB₉. Тянь-чун (осмон нуқтаси) – цянъ-цзянь нуқтасидан бошланувчи ва сўрғичсимон ўсимта орқа чегарасидан вертикал борувчи,

кўндаланг чизиқ кесишув жойида. *Топографик анатомияси (ТА)*: қулоқ орқа артерияси ва кичик энса нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: эпилепсия, бош оғриғи, бурун-энса соҳасидаги оғриқ.

VB₁₀. Фу-бай (ёруғлик тўлдирувчи) – сўрғичсимон ўсимта орқа чеккаси усти, қулоқ супрачаси асоси юқори чеккасидан нао-ху нуқтасигача ўтувчи горизонтал чизиқда. *Топографик анатомияси (ТА)*: қулоқ орқа артерияси, юз нерви орқа қулоқ тармоқлари, кичик энса нерви, катта қулоқ нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: қулоқ шангиллаши, карлик, тиш оғриғи, ҳиқичоқ, тонзиллит, бўйин-энса соҳасидаги оғриқ, қўл-оёқ тилиниши.

VB₁₁. Тоу-цяо-инь (инь бошланиши) – вань-гу ва фу-бай нуқталари масофаси ўртасида (сўрғичсимон ўсиқ ва энса суяги бирлашадиган жой). *Топографик анатомияси (ТА)*: қулоқ орқа артерияси ва кичик энса нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: уч шохли нерв невралгияси, қўл-оёқ мускулларининг тортишиши, ҳиқичоқ, қулоқ шангиллаши.

VB₁₂. Вань-гу (охирги суяк) – сўрғичсимон ўсимта орқа чеккаси бош сертук қисми чегарасидан 12 мм юқорида, фэн-чи нуқтаси чизиғида. *Топографик анатомияси (ТА)*: қулоқ орқа артерияси ва катта қулоқ нерви. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: юз шиши, афазия, гингивит, отит, тонзиллит, мигрен, уйқусизлик.

VB₁₃. Бэнь-шэнь (руҳ илдизи) – кўз ташқи бурчаги усти цэнь-тин нуқтаси билан кўндаланг чизиқда. *Топографик анатомияси (ТА)*: чакка юза артерияси пешона тармоғи, кўз косаси устки артерияси ва кўз косаси устки нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: эпилепсия, бош оғриғи, бош айланиши, бўйин-энса соҳаси мускуллари тики ва контрактура.

VB₁₄. Ян-бай (ёруғлик юксалиши) – кўз қорачиғи усти ва юй-яо нуқтаси, бошнинг сертук қисми олд чегараси (қошдан 1 цунь юқори) орасидаги 2,5 масофада. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 6 мм. Кўрсатма: кўз касалликлари, уч шохли нерв невралгияси, юз нерви неврити ва мимика мускуллари контрактура-си.

VB₁₅. Тоу-лин-ци (тоу-бош, кўз ёшининг оқиб тушиши) – шэнь-тин нуқтаси билан кўндаланг чизиқда ва қош ўртасида жойлашган, юй-яо нуқтаси устида. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: кўз касалликлари, эпилепсия.

VB₁₆. Му-чуан (кўз ойнаси) – тоу-лин-ци нуқтасидан 1 цунь орқага, шан-син ва синь-хуэй нуқталари орасидаги масофа ўртасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: чакка юза артерияси тармоқлари ва кўз косаси устки нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: конъюнктивит, кўришнинг пасайиши, юз шиши, бош айланиши, безгак ҳолати.

VB₁₇. Чжэн-инь (вертикал инь) – му-чуан нуқтасидан 1,5 цунь орқага, цян-дин нуқтасидан кўндаланг чизиқда. *Топографик анатомияси (ТА)*: ва укол чуқурлиги аввалгидек. Кўрсатма: бош айланиши, тиш оғриғи, кўриш нерви атрофияси.

VB₁₈. Чэн-линь (руҳ учрашуви) – бай-хуэй нуқтаси билан кўндаланг чизиқда. *Топографик анатомияси (ТА)*: чакка юза ва энса артерияси анастомозлар тўри, катта энса нерви ва қулоқ-чакка нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бурундан қон кетиши, грипп.

VB₁₉. Нао-кун (мия бўшлиғи) – нао-ху нуқтаси билан кўндаланг чизиқда, энса бурмасидан ташқарига. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бурундан қон кетиши, ҳансираш, бош оғриғи, бўйин ва елка соҳаси мушаклари контрактураси, тахикардия.

VB₂₀. Фэн-чи (шамол ҳавзаси) – фэн-фу нуқтасидан ёнга, энса суяги пастки чеккасида, тўш-ўмров суяги – сўргичсимон ўсиқ ва трапециясимон мускулларнинг бирикиш жойи чуқури, энса учбурчаги учида. *Топографик анатомияси (ТА)*: энса нервлари ва венаси, кичик ва катта энса нервлари. Укол чуқурлиги 12-20 мм. Кўрсатма: бош мия, кўз, қулоқ ва бурун касалликлари, сайёр ва қўшимча нерв фаолиятининг бузилиши, шунингдек гимиплегия ва неврастения, гипертония касаллиги.

VB₂₁. Цзянь-цзин (елка қудуғи) – суяк чуқурчаси усти марказида, да-чжуй ва цзянь-юй нуқталари орасидаги масофа ўртасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: курак усти артерияси, ўмров ости суяги ва қўшимча нервлар. Укол чуқурлиги 10-20 мм. Ўта чуқур укол қилиш мумкин эмас, негаки осонгина ҳушдан кетиш ҳолати келиб чиқиши мумкин. Кўрсатма: елка камари ва энса-бўйин соҳасидаги оғриқ, гемиплегия, неврастения, бош оғриғи, туғишдан кейин бачадондан қон кетиши, бош айланиши.

VB₂₂. Юань-е (жўшқин манба) – тўртинчи қовурғалар ораси қўлтиқ ўрта чизиғида. *Топографик анатомияси (ТА)*: қовурғалар ораси ва узун кўкрак нервлари. Укол чуқурлиги 12 мм. Кўрсатма: қовурғалараро невралгия.

VB₂₃. Чжэ-цзинь (ён мускуллар) – тўртинчи қовургалар ораси, кўкрак ўрта чизигидан 6 цунь ташқарига. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: ошқозон касалликлари, неврастения.

VB₂₄. Жи-юе (қуёш ва ой) – қовурға ёйи ва ўрта ўмров суяги чизиги кесишувидан 15 мм пастда. *Топографик анатомияси (ТА)*: қорин усти юқори артерияси ва қовургалараро нервларнинг ташқи тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: ошқозон ва жигар касалликлари, диафрагмалар спазми, ичак санчиғи, метеоризм.

VB₂₅. Цзин-мэнь (пойтахт дарвозаси) – XII қовурғанинг бўш охири ёнида. *Топографик анатомияси (ТА)*: қорин усти артерияси ва қовургалараро нерв тармоқлари. Укол чуқурлиги 20 мм. Кўрсатма: қайт қилиш, ичак санчиғи, қовургалараро нервлар невралгияси, люмбаго, гипертония.

VB₂₆. Дай-май (камар томири) – XI қовурға бўш охиридан пастда, киндик бўйлаб. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 25 мм. Кўрсатма: гинекологик касалликлар, люмбалгия.

VB₂₇. У-шу (беш марказий устун) – ёнбош суяк олд суяк дўнгидан юқори, гуань-юань нуқтаси бўйлаб. *Топографик анатомияси (ТА)*: ёнбош-қорин усти нерви тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 20 мм. Кўрсатма: сийдик-таносил тизими (масалан, эпидидимит, меноррагия, эндометрит ва ҳоказо), ошқозон, ичак касалликлари, люмбаго.

VB₂₈. Вэй-дао (бириктирувчи йўл) – ёнбош суяк олд суяк дўнги юқори чеккасида, у-шу нуқтасидан 0,5 цунь пастда. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 25 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

VB₂₉. Цзюй-ляо (осойишталик чуқурчаси) – ёнбош суяк олд суяк дўнгидан пастда жойлашган чуқурда, дай-май нуқтасидан 4,5 цунь пастда. *Топографик анатомияси (ТА)*: юза артерия тармоқлари, ёнбош суякни айланиб ўтувчи ва сон нервининг олд тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 25 мм. Кўрсатма: люмбаго, сийдик-таносил аъзолари касалликлари.

VB₃₀. Хуань-тяо (доирага сакраш) – чаноқ-сон бўғимидан думба орқасига. Агар қуймиш суяги дўнги ва ёнбош суяк қирраси учи тўғри чизикда бирлаштирилса ва сон суяги катта дўнгидан бу чизикқа перпендикуляр чизик ўтказилса, уларнинг кесишув жойида хуань-тяо нуқтаси жойлашади. Нуқта тизза бўғимлари букилган ҳолда ёнбошга

ётиш ҳолати ёки қоринга ётиш ҳолатида аниқланади. *Топографик анатомияси (ТА)*: қуймич нерви, думба юқори артерияси ва думба юқори нерви. Укол чуқурлиги 30-75 мм. Кўрсатма: бел-думғаза ра-дикулитлари, гипертония касаллиги, тери касалликлари.

VB₃₁. Фэн-ши (шамол бозори) – сон латерал юзасида, тизза кўзи устки чеккасида 5 цунь юқорида. Қўллар тана узунасига чўзилган-да ўрта бармоқ учи бу нуқтани аниқ кўрсатади. *Топографик анатомияси (ТА)*: сон суягини айланиб ўтувчи, латерал артерия ва сон латерал тери нервлари. Укол чуқурлиги 15-20 мм. Кўрсатма: артритлар, парестетик мералгия, сон нерви невралгияси.

VB₃₂. Чжун-ду (ўрта зовур) – сон латерал юзаси, тизза кўзи усти чеккасида 4 цунь юқорида. *Топографик анатомияси (ТА)*: ва бошқа маълумотлар аввалгидек.

VB₃₃. Цзу-ян-гуань (цзу–оёқ, тизза; гуань–чегара ёки ян дарвоза-си) – тизза кўзи маркази латерал чеккасида сон суяги латерал тўпиқ-дан орқага, бироқ сон икки бошли мускуллари пайларидан олдинга. *Топографик анатомияси (ТА)*: тизза кўзи артериал тўри, болдир нерви. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

VB₃₄. Ян-лин-цюань (ян кўтармаси манбаи) – кичик болдир суяги бошчаси олд - пастки чеккаси чуқурида, тизза кўзи пастки чеккаси-дан 2 цунь пастда. *Топографик анатомияси (ТА)*: бу соҳада умумий кичик болдир нерви юза ва чуқур кичик болдир нервига тармоқла-нади, шу ернинг ўзида катта болдир олд артерияси ва болдир нерви тармоқлари жойлашади. Укол чуқурлиги 12-20 мм. Кўрсатма: артритлар, парестетик мералгия, сон нерви невралгияси, юз шиши, ода-тий қабзият, хорая, кичик болдир нерви неврити.

VB₃₅. Ян-цзяо (ян чорраҳаси) – кичик болдир суяги орқа чеккасида, латерал тўпиқ устки чеккасида 7 цунь юқори. *Топографик анатомияси (ТА)*: кичик болдир артерияси ва болдир латерал тери нерв тармоқла-ри. Укол чуқурлиги 12-20 мм. Кўрсатма: кичик болдир нерви неврити, ишиас, юз шиши.

VB₃₆. Вай-цю (ташқи тепалик) – латерал тўпиқ устки чеккасида 7 цунь юқори кичик болдир олд чеккасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: ва бошқа маълумотлар аввалгидек.

VB₃₇. Гуань-мин (ёрқин ёруғлик) – латерал тўпиқ устки чеккаси-дан 5 цунь юқори, кичик болдир суяги олд чеккасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: Ян-фу нуқтаси билан бир хил. Укол чуқурлиги

12-20 мм. Кўрсатма: оёқ соҳаси касалликлари, реактив психозлар, мигрен.

VB₃₈. Ян-фу (ян таянчи) – латерал тўпиқ устки чеккасидан 4 цунь юқори, кичик болдир суяги олд чеккасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: катта болдир артерияси тармоқлари, кичик болдир юза нерви ва латерал орқа тери нерви. Укол чуқурлиги 12-20 мм. Кўрсатма: бел оғриши, гонит, сайёр оғриқ, тонзиллит, томир касалликлари.

VB₃₉. Сюань-чжун (осилган қўнғироқ) – латерал тўпиқ усти чеккасидан 3 цунь юқори, кичик болдир суяги олд чеккасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 12-20 мм. Кўрсатма: оёқ соҳасидаги оғриқ, гемиплегия, тонзиллит, бурундан қон кетиши, ўткир ринит, мияга қон қуйилиши асоратлари, артериосклероз, невралгия.

VB₄₀. Цю-сюй (тепалик – бозор) – латерал тўпиқ пастки чеккасида, кубсимон суякдан чуқурда орқага ва юқорига. *Топографик анатомияси (ТА)*: катта болдир артерия тармоқлари, оёқ панжаси орқа юза нервлари тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: болдир мускулларининг тортишиши, бел-думғаза радикулити, плеврит, ҳансираш, ичак санчиғи, холесистит, қўлтиқ соҳаси шиши ва оғриғи, кўз касалликлари.

VB₄₁. Цзу-линь-ци (кўз ёши оқиб тушиши) – IV ва V оёқ кафти суяклари орасидаги энг кенг қисмида, у ерда чуқур пайпасланади. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 6 мм. Цзю ўтказилмайди. Кўрсатма: қўлтиқ соҳасидаги оғриқ, мастит, бод, оёқ панжасидаги оғриқ, ўпка сили.

VB₄₂. Ди-у-хуэй (ернинг беш учрашуви) – чуқурча ушлаб кўриладиган IV ва V оёқ панжаси суяклари ўртасидаги энг сербар қисмда. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 6 мм. Цзю ўтказилмайди. Кўрсатма: қўлтиқ соҳасида оғриқ, мастит, ревматизм, оёқ панжасида оғриқ, ўпка сили (туберкулёзи).

VB₄₃. Ся-си (муносиб водий) – IV ва V оёқ кафти суяклари бошчалари орасидаги ёриқда. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: эшитишнинг пасайиши, бош айланиши, бош оғриғи, оёқ соҳасидаги дармонсизлик, қовурғалараро невралгия, ҳансираш, қон туфлаш, мастит, тўр парда артерияси спазми.

VB₄₄. Цзу-цяо-инь (четдаги инь) – оёқ панжаси IV бармоқ дистал фалангаси ташқи томони тирноқ ўрнидан 3 мм пастга. *Топографик*

анатомияси (ТА): катта болдир олд артерияси ва кичик болдир юза нерв тармоқлари. Укол чуқурлиги 3 мм. Кўрсатма: юрак ва нафас олиш аъзолари касалликлари, ҳиқичоқ, бош оғриғи, оғиз қуриши, карлик, кўз соҳаси оғриғи, «тез ёрдам» нуқтаси.


Жигар меридиани (XII; F; Le; Liv)

Инь оёқ меридианлари тизимига киради, жуфт, ўт пуфаги меридианининг давоми (17-расм). Меридиан оёқ панжаси I бармоқ тирноқ ўрнидан ташқи томонга қараб бошланади. Оёқ панжасида меридиан унинг орқа томони бўйича оёқ кафти I ва II суяклари орасидан ўтади ва болдир-панжа бўғимини медиал тўпиқдан олд томонга кесиб ўтиб, бунда буйрак ва талоқ-меъда ости безлари меридианлари орасида жойлашиб, болдир ва кейин сон ички юзасига чиқади. Ёнбош суяк қиррасига етиб, меридиан ташқи жинсий аъзоларга чуқур тармоқ отади ва қорин пастки қисмига чиқади, сўнг жигарга етади. Меридиан юза тармоғи қорин парда девори олд-ташқи томони бўйича боради ва олтинчи қовурға ораси ци-мэнь (F_{14}) нуқтаси сўрғич чизиги бўйича тугайди.

Меридианнинг чуқур тармоғи жигардан нарироққа боради: ўт пуфаги ва ўпкага тармоқ отиб, кўз ташқи бурчагигача кўтарилиб ҳиқилдоқ, ҳалқум ва бўғизга ўтади.

Мана шу даражада меридиан охирги тармоқларга бўлинади, улардан бири оғиз бурчагига йўналади ва иккига бўлиниб, оғиз тешигини ўраб олади, бошқаси эса пешона орқали бай-хуэй (T_{20}) нуқтасига боради. Қадимги шифокорлар учун жигар фаолияти архаиклигининг изоҳланиши маълум бир касалликда ушбу меридиандан тўғри амалий фойдаланишларида зарар қилмади.

Жигар фаолияти ҳақидаги асосий қадимги концепциялардан бири – жигар қон депоси ҳисобланади, яъни қон миқдорини сақлаш ва бошқариш фаолиятини бажаради. Жигарнинг бу қобилиятни йўқотиши турли қон кетишларининг ривожланишига олиб келади. Бу маълумотлар замонавий тадқиқотлар орқали тасдиқланди. Маълумки, жигарда 50-60 фоизга яқин айланувчи қон ушланиши мумкин. Бундан ташқари, жигар томонидан қон ивишида бевосита иштирок этувчи, биологик фаол моддалар («К» витамини ва б.) ишлаб чиқарилади.



17-расм. Жигар меридиани йўналиши ва унинг асосий нуқталари тасвири

«Ғазаб жигарни яралайди» деган концепция тўла ҳуқуқлидир, негаки ғазаб ҳолатида қонда кучли норадреналин ва адреналин ажралади, бу эса қон депоси, шу билан бир қаторда жигардан ҳам қон отилиб чиқишида кузатилади. Ушбу концепциялардан келиб чиқиб, метроррагиялар ва бошқа бачадондан қон кетишларида жигар меридиани нуқталарига таъсир ўтказиш самарали бўлди.

Кейинги қадимги концепция – жигар қовурға соҳасини назорат қилади ва унинг шикастланишида қовурға соҳасида огриқ пайдо бўлади. Бундай огриқни акупунктур огриқсизлантириш ёрдамида енгиллаштириш учун кўпинча жигар меридиани нуқталари ва жигар билан боғлиқ, қулоқ супрачаси нуқталари қўлланилади.

Шарқ халқ табибларининг жигар пайларини назорат қилиш ҳақидаги ўзига хос изоҳлари эътиборга лойиқдир. «Жигар шикастланишида» мускул касалликлари пайдо бўлиши мумкин: мускул «спазмлари», қўл-оёқ тортишиши, опситотонус ва бошқалар. Буларнинг барчаси «жигар ички таъсирининг бузилиши»дир. Замоनावий нуқтаи назардан бундай ҳодисаларни жигарнинг биокимёвий алмашув жараёнларида ҳам иштирок этиши билан тушунтириш мумкин. Бу амалий натижалар билан тасдиқланади. Шундай қилиб, жигар меридианининг кўплаб акупунктур нуқталари (масалан, инь-бао, F₉) ҳақиқатдан ҳам баъзи мускул тизими касалликларида ижобий таъсир кўрсатади. Шундай экан, Шарқ халқ табибларининг кўп асрлик катта тажрибасини архаик ва эскирган бир нарса сифатида чиқариб ташлаш керак эмас.

Ҳайратланарли томони шундаки, қадимги табибларнинг но-зик кузатувлари барча ҳолатларда аниқ бўлиб чиқди. Кўз – жигарнинг кўзгуси, деган изоҳ бунинг тасдиғи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам, кўпгина жигар касалликлари склеранинг сарғайиши билан кузатилади, гепатосеребрал дистрофия диагностикаси эса асосан Кайзер-Флейшер ҳалқаси мавжудлигига асосланади. Хулоса қилиб айтганда, замонавий шифокорлар учун кўп ҳолларда метафизик ва архаик бўлган, қадимги фалсафий қарашлар ва ақлий хулосаларнинг ўзи эмас, балки кўп ҳолатларда фойдали ҳисобланган амалий маълумотлар муҳимдир.

Жигар меридиани нуқталари қуйидаги касалликларда қўлланилади:

– жигар катталашганда, кўпинча дисфункция – деспепсик бузилишлар, қайт қилиш, тез чарчаш, кўришнинг ёмонлашуви, бош айланиши ва жиззакилик билан кечадиган сариқ касаллигида;

– турли характердаги оғриқлар ва мигренларда, ҳушдан кетиш ва гипатоник ҳолатларда, астения ва ангиноз оғриқлари, импульсивлик ва енгил таъсирчанлик, қўрқув ва спастик ҳолатларда;

– кўкрак қафаси соҳасидаги оғриқ синдромлари, қовургалараро невралгия, бел ва оёқ оғриқларида, жигар меридиани жарроҳлик амалиётида, жигар, ўт пуфаги, меъда ости бези, бачадон, сийдик ҳосил қилувчи аъзолар оператив аралашувларида ва шунингдек, кўкрак қафаси ён деворини кесишда акупунктур анестезия учун;

– жигар меридиани нуқтаси сийдик-чиқариш тизими (сийдик тугилиши ва тута олмаслик ва б.) бузилишларида, шунингдек, жинсий аъзолар касалликларида қўлланилади.

– турли дерматозларда (аллергия, инфекция) жигар меридиани нуқталарига ўпка нуқталари билан уйғунликда таъсир ўтказилади.

Меридианга 14 та биологик фаол нуқталар (БФН) киради. Улар:

Ғ₁. Да-дунь (катта самимият) – катта бармоқ ташқи томонида тирноқ ўрnidан 3 мм да жойлашган. *Топографик анатомияси (ТА)*: оёқ панжасининг орқа артерияси (катта болдир артерияси олд тармоғи), оёқ панжасининг орқа нерви (кичик болдир нерви чуқур тармоғи). Укол чуқурлиги 3 мм. Кўрсатма: овқат йўли касаллиқлари, сийдик тута олмаслик, жинсий аъзодаги оғриқ, диабет, аменорея.

Ғ₂. Синь-цзянь (йўналиш жойи) – оёқ кафти I ва II суяк бошчалари орасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: сийдик-таносил аъзолари, жигар, овқат йўли касалликлари, юрак касалликлари, диабет, тиш оғриғи, гингивит, уйқусизлик, тунда терлаш, қовургалараро невралгия, товон оғриғи, текис мускулларга антиспастик таъсир.

Ғ₃. Тай-чун (катта оқим) – I ва II оёқ кафти суяклари энг тор жойи орасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: товон орқа артерияси ва кичик болдир чуқур нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: қовургалараро невралгия, болдир оғриғи, туғишдан кейин бачадоннинг етарлича бўлмаган қисқариши; ингичка ичак ва чаноқ - тос аъзолари спазмлари.

Ғ₄. Чжун-фэн (ўртача муҳр) – оёқ панжаси орқа юзаси чуқурида медиал тўпиқдан олдинга. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалги-

дек. Укол чуқурлиги 12 мм. Кўрсатма: сийдик-таносил аъзолари ва оёқ соҳаси касалликлари.

Ғ₅. Ли-гоу (охирги эгатча) – катта болдир суяги орқа чеккасида, медиал тўпиқ устки чеккасидан 5 цунь юқори. *Топографик анатомияси (ТА)*: катта болдир орқа артерияси тармоқлари, болдир тери нервлари, катта болдир нерви. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: ичак санчиғи, пароксизмал тахикардия, сийдик-таносил аъзолари касаллиги, орқа мия бузилишлари, қичима.

Ғ₆. Чжун-ду (ўртача пойтахт) – катта болдир суяги орқа четида, медиал тўпиқ юқори четидан 7 цунь юқори. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Кўрсатма: оёқ бўғимларининг ва сийдик-таносил аъзоларининг касалликлари.

Ғ₇. Си-гуань (тизза дарвозалари) – катта болдир суяги кўстидан орқага ва пастга. Инь-лин-цюань дан 1 цунь орқага, тизза қопқоғи пастки четидан 2 цунь пастда. *Топографик анатомияси (ТА)*: тақим артерияси тармоқлари, катта болдир нервининг тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 12 мм. Кўрсатма: гонит, оёқларда оғриқ.

Ғ₈. Цюй-цюан (букилган манба) – сон суяги медиал тўпиқ устидан орқага, ярим пардали мускулларнинг бирикиш жойида олдинга, тақим чуқурчаси ўртаси бўйлаб. *Топографик анатомияси (ТА)*: тизза бўғими артериал тўр тармоқлари, сон ва болдир орқа тери нерви. Укол чуқурлиги 12-20 мм. Кўрсатма: сийдик-таносил аъзолари ва оёқ соҳаси касалликлари; ташқи жинсий аъзоларда қичима, шишиш ва оғриқ.

Ғ₉. Инь-бао (ин қобиғи) – ярим пардали мускуллар олд чеккасида, тизза кўзи устки чеккасидан 4 цунь юқори. *Топографик анатомияси (ТА)*: ва укол чуқурлиги аввалгидек. Кўрсатма: томир тортишиши, сийдик тугилиши, ҳайз циклининг бузилиши.

Ғ₁₀. Цзу-у-ли (ли беш оёқ) – яқинлаштирувчи узун мускуллар ташқи чеккасида, хот ораси бўйлаб 1 цунь пастда. *Топографик анатомияси (ТА)*: ташқи уят артерияси, ёнбош – чов нерви ва ёпқич нерв. Укол чуқурлиги 15-20 мм. Кўрсатма: умумий терлаш ва уйқусизлик, ёрғоқ экземаси.

Ғ₁₁. Инь-лянь (инь бурчаги) – сонни яқинлаштирувчи узун мускул олд чеккасида, хот ораси бўйлаб. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: сондаги тортувчи оғриқ, оқчил, ташқи жинсий аъзоларда қичишиш, ҳайз циклининг бузилиши, бепуштлик.

F₁₂. Цзи-май (тез урувчи пульс) – ци-чун нуқтаси остида ва қов супрачаси дўнгидан ташқарига ва пастга. *Топографик анатомияси (ТА)*: эркакларда бу соҳада, мойкни кўтарувчи мускул ўтади, аёлларда эса айлана бачадон бойламлари; ташқи уят артерияси, ёнбош-чов нерви ва чов нерви сон тармоғи, бел-чов нерви тармоқланади. Нуқта игна санчиш учун тавсия этилмайди.

F₁₃. Чжан-мэнь (қонун дарвозаси) – XI қовурғанинг бўш охири олдида, қорин тўртинчи ён чизигида. *Топографик анатомияси (ТА)*: қовурғалараро артерия ва қовурғалараро нерв, ўнг томондаги нуқта жигар пастки чеккасига, чап томондагиси – талоқ пастки чеккасига тўғри келади. Укол чуқурлиги 20-25 мм. Кўрсатма: нафас олиш аъзолари, овқат йўли, жигар, ўт пуфаги касалликлари, гижжа инвази, бел оғриши, гипертония касаллиги.

F₁₄. Ци-мэнь (вақт эшиги) – ўмров суяги ўрта чизиги билан қовурға ёйи кесишадиган жойда. Олтинчи қовурға орасига тўғри келади. *Топографик анатомияси (ТА)*: қорин усти юқори артерияси, қовурғалараро нервлар тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 12 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

Орқа ўрта меридиани (XII; T; BG; GV)

Орқа ўрта меридиани оддий категорияларга кирмайди, шунингдек олд ўрта, «ажойиб томир» ҳисобланади (18-расм) ва шунинг учун барча стандарт пунктларга эга эмас. Бироқ анъанавий нуқтаи назарияга мувофиқ, «ажойиб томир» сифатида бу меридианлар ўз нуқта-бошқарувчиларига эга. Бундан ташқари, «иккиламчи томир» орқали улар асосий меридианлар тизими билан яқин боғланган; орқа ўрта 6 ян билан, олд ўрта эса 6 инь билан. Шу муносабат билан одатда, олд ўрта меридиани инь тизимига, орқа ўрта эса ян тизимига кириши билан изоҳланади.

Орқа ўрта меридиани кичик тосдан бошланади ҳамда дум суяги ва орқа чиқарув тешиги (чан-сян, T₁ нуқтаси) орасидаги масофа ўртасидан чиқади, у ердан битта тармоқ буйракка йўналади, бошқа тармоқ эса орқа-ўрта чизик бўйича юқорига боради, мияга тармоқ отади ва юқори лаб остидаги милкда жойлашган, инь-цяо (T₂₈) нуқтасида тугайди.

«Ажойиб томир» сифатида у бир вақтнинг ўзида чан-сян (T₁) кириш нуқтаси ва инь-цяо (T₂₈) чиқиш нуқтаси ҳисобланадиган лопунктни ўз ичига олади.

Меридианни хоу-си (IG₃) нуқта – бошқарувчи, унинг қўшалоқ шень-май (V₆₂) нуқтаси билан бирга бошқаради.

Фаолият муносабатида орқа ўрта меридиани турли аъзолар билан сегментар умумийликка эга нуқталар меридиани сифатида муҳимдир, шу билан бирга улар орқали у ёки бу аъзога мақсадга йўналган ҳолда таъсир ўтказиш мумкин.

Меридианнинг пастки қисми нуқталарига таъсир ўтказиш автоном асаб тизимига, бош соҳасида эса бош мияга айниқса кучли таъсир кўрсатади. Болалар ёшидаги акупунктура амалиётида бу ўрта чизиқларнинг алоҳида муҳим ролига эътибор қаратилади. Анъанавий тасаввурлар бўйича, айниқса ян меридианлари асосан жисмоний фаолиятлар орасидаги гормонияга ёрдам беради. Меридианнинг қандайдир фаоллик вақти оралиғи номаълум, унинг ҳолати, пульс диагностикаси усуллари ҳам маълум эмас.


Меридианга 28 та биологик фаол нуқталар (БФН) киради. Улар қуйидагилардир:

T₁. Чан-цян (кучнинг ўсиши) – дум суяги ва орқа чиқарув тешиги ташқи сфинктери орасидаги масофа ўртасида жойлашган. *Топографик анатомияси (ТА):* жинсий ички артерия ва жинсий нерв тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: тўғри ичак ва орқа чиқарув тешиги канали касалликлари, эпилепсия.

T₂. Яо-шу (белнинг шу нуқтаси) – думғаза каналига кириш жойи устида. *Топографик анатомияси (ТА):* думғаза ўрта артерияси тармоқлари ва думғаза бойламлари тармоқлари. Укол чуқурлиги 10-25 мм. Кўрсатма: бел-думғаза радикулити, сийдик-таносил аъзолари ва тўғри ичак касалликлари.

T₃. Яо-ян-гуань (яо – бел; ян – дарвоза) – L₄-L₅ умуртқалари суяк ўсимталари орасида. *Топографик анатомияси (ТА):* бел артерияси ва бел бойламлари орқа тармоқлари. Укол чуқурлиги 10-25 мм. Кўрсатма: бел-думғаза радикулити, сийдик-таносил аъзолари ва йўғон ичак касалликлари.

T₄. Мин-мэнь (ҳаёт дарвозаси) – L₂-L₃ умуртқалари суяк ўсимталари орасида. *Топографик анатомияси (ТА):* аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, болаларда менингит, ичак санчиғи, бел соҳасидаги оғриқ, бавосил, оқчил, сийдик тута олмаслик, поллюция, импотенция, уйқусизлик, қулоқ шанғиллаши, астенник синдромлар.



18-расм. Орқа ўрта меридиани йўналиши ва унинг асосий нуқталари тасвири

Т₅. Сюань-шу (осилиб турувчи устун) L₁-L₅ умуртқалар суяк ўсимталари орасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бел оғриши, ошқозон ва ичак касалликлари.

Т₆. Цзи-чжун (умуртқа поғонаси ўртаси) – D₁₁-D₁₂ умуртқалар суяк ўсимталари орасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: қовурғалараро артерия ва кўкрак нерв тармоқлари. Укол чуқурлиги 12 мм. Кўрсатма: эпилепсия, ичак касалликлари, шу билан бир қаторда болаларда тўғри ичакнинг тушиши.

Т₇. Чжун-шу (ўрта ўқ) – D₁₀-D₁₁ умуртқалари суяк ўсимталари орасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: бел оғриши, кўришнинг пасайиши, грипп ва безгак касалликларида ҳароратни пасайтирувчи восита зарурати.

Т₈. Цзинь-со (тортилган мускул) – D₉-D₁₀ суяк ўсимталари орасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 12 мм. Кўрсатма: эпилепсия, бел оғриши, ошқозон касалликлари, невралгия.

Т₉. Чжи-ян (четдаги ян) – D₇-D₈ суяк ўсимталари орасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: бел оғриши, жигар ва ошқозон касалликлари.

Т₁₀. Лин-тай (руҳ айвони) – D₆-D₇ умуртқалар суяк ўсимталари орасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: шэнь-дао нуқтаси билан бир хил. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: нафас олиш аъзолари касалликлари, шунингдек гриппнинг олдини олиш учун.

Т₁₁. Шэнь-дао (илоҳий йўл) – D₅-D₆ умуртқалар суяк ўсимталари орасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: қовурғалараро артерия орқа тармоқлари, курак орқа нерви, кўкрак нервлари орқа тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: юрак ва нафас олиш аъзолари касалликлари, бош оғриғи, невралгия, стоматит.

Т₁₂. Шэнь-чжу (умуртқа поғонаси) – D₃-D₄ умуртқалар суяк ўсимталари орасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: бўйин қўндаланг артерияси пасайиб боровчи тармоқлари, қовурғалараро артерия ва кўкрак нервлари орқа тармоқлари. Укол чуқурлиги 12 мм. Кўрсатма: бош ва орқа мия касалликлари, эпилепсия, тундаги қўрқув, невралгия, бурундан қон кетиши.

Т₁₃. Тао-дао (ўзгариш йўли) – D₁-D₂ умуртқалар суяк ўсимталари орасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги

12 мм. Кўрсатма: бўйин-кўкрак радикулити, невралгия, мигрен, реактив психозлар, безгак касалликлари.

T₁₄. Да-чжуй (катта умуртқа) – D₇-D₁ умуртқалар суяк ўсимталари орасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 12 мм. Кўрсатма: грипп, безгак, ўпка касалликлари, бурундан қон кетиши, бўйин остеохондрози, вегетатив-эндокрин дисфункция. Акупунктура амалиётидаги асосий нуқталардан бири.

T₁₅. Я-мэнь (сукунат дарвозаси) – C₁ ва C₂ умуртқалари ораси бошнинг сертук қисми чегараси, трапетсиясимон мускуллар ҳосил қилган чуқурда. *Топографик анатомияси (ТА)*: энса артерияси ва бўйин бойламлари тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм (ўта чуқур уколга йўл қўйилмайди). Куйдириш 10 дақиқадан кўп эмас. Кўрсатма: бош айланиши, бош оғриғи, қулоқ шанғиллаши, нутқнинг бузилиши, менингит, миелит, оғиз бўшлиғи аъзолари касалликлари, бурундан қон кетиши.

T₁₆. Фэн-фу (шамол соҳаси) – бош сертук қисми орқа чегарасидан 30 мм юқори, энса суяги ва I бўйин умуртқаси орасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: ичкарида катта энса тешиги жойлашган бўлиб, ундан чўзинчоқ мия ўтади. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, энса-бўйин соҳасидаги оғриқ, бурундан қон кетиши, ларингит, психоз, мияга қон қуйилиши асоратлари, сариқ касаллиги, кўриш нерви атрофияси ва бошқа кўз касалликлари; грипп ва безгак касалликларида ҳароратни пасайтирувчи восита.

T₁₇. Нао-ху (мия эшиги) – энса дўмбоғи усти чеккасида фэн-фу нуқтасидан 1,5 цунь юқори. *Топографик анатомияси (ТА)*: энса артерияси ва катта энса нерви. Укол чуқурлиги 3-10 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, бош айланиши, невралгия, кўз касалликлари.

T₁₈. Цян-цзянь (куч ўрни) – шэнь-тин нуқтасидан 7,5 цунь орқага. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 6 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, бош айланиши, қайт қилиш, болаларда томир тортиши, уйқусизлик, эпилепсия, невралгия.

T₁₉. Хоу-дин (бошнинг орқа тепаси) – шэнь-тин нуқтасидан 6 цунь орқага. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, бош айланиши, мигрен, энса-бўйин соҳаси мускуллари тики ва контрактураси, эпилепсия.

T₂₀. Бай-хуэй (юзта учрашув) – шэнь-тин нуқтасидан 4,5 цунь орқага. *Топографик анатомияси (ТА)*: чакка ва энса юза артери-

ялари анастомози, катта энса нерви тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, бош айланиши, неврастения, мия анемияси, тўғри ичакнинг тушиши, бавосил. Акупунктура амалиётида асосий нуқталардан бири.

T₂₁. Цянь-дин (олд тепалик) – шен-тин нуқтасидан 3 цунь орқага. *Топографик анатомияси (ТА):* чакка юза артерияси анастомози ва пешона нерви тармоқлари. Укол чуқурлиги 6 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, бош айланиши, эпилепсия ва болаларда томир тортишиши, бурун полиплари.

T₂₂. Синь-хуэй (бош чаноқ туташиси) – шэнь-тин нуқтасидан 1,5 цунь юқорида. *Топографик анатомияси (ТА):* пешона лиқилдоғи ўрни. Укол чуқурлиги 3 мм. Кўрсатма: бош оғриғи, бош айланиши, бурундан қон кетиши, уйқусизлик, диспепсия. Уч ёшгача бўлган болаларга игна санчиб даволаш мумкин эмас.

T₂₃. Шан-сан (тепадаги юлдуз) – шэнь-тин нуқтасидан 0,5 цунь юқори. *Топографик анатомияси (ТА):* шэнь-тин нуқтаси билан бир хил. Укол чуқурлиги 6 мм. Кўрсатма: бош пешона қисмидаги оғриқ, бурундан қон кетиши, кўз касалликлари.

T₂₄. Шэнь-тин (илоҳий ҳовли) – қаншар устидан 3 цунь юқори, бошнинг сертук қисми олд чегарасига 0,5 см киради. *Топографик анатомияси (ТА):* пешона артерияси ва пешона нерв тармоқлари. Укол чуқурлиги 6 мм. Кўрсатма: бош пешона қисмидаги оғриқ, бош айланиши, ўткир ринит, ёш безлари яллиғланиши, қайт қилиш, юрак уриши, эмоционал беқарорлик, уйқунинг бузилиши.

T₂₅. Су-ляо (асосий суяк) – бурун учи марказида. *Топографик анатомияси (ТА):* бурун дорсал артерияси, бурун-киприк нерви. Укол чуқурлиги 3-6 мм. Кўрсатма: бурун полиплари, ринит, кўздан ёш оқиши, бурундан қон кетиши, бурун соҳасида ҳуснбузар (акне), коллапс.

T₂₆. Жэнь-чжун (одам ўртаси) – бурун учи ости, юқори лаб устки учинчи вертикал эгатчасида. *Топографик анатомияси (ТА):* юқори лаб артерияси, уч шохли нервнинг иккинчи тармоғи ва юз нерви чакка тармоғи. Укол чуқурлиги 6-10 мм. Кўрсатма: ҳушдан кетиш ҳолатида тез ёрдам, эпилепсия, руҳий таъсирчанлик, мияга қон тўлиши, оғиз ва кўз соҳаси мускуллари тики ва контрактура, юз шиши, диабет.

T₂₇. Дуй-дуань (лабнинг юқори ҳошияси) – юқори лаб ўртаси, терининг шиллиқ қаватга ўтиш жойида. *Топографик анатомияси (ТА):*

аввалгидек. Укол чуқурлиги 6-10 мм. Кўрсатма: асосий кўрсатмалар, жэнь-чжун нуқталаридан фойдаланишдаги каби аввалгидек, қўшимча сифатида – сариқ касаллиги ва бурундан қон кетиши.

T₂₈. Инь-цзяо (милklar чорраҳаси) – шиллик қават ўрта чизиги бўйича милklarнинг юқори лабга ўтиш жойида, яъни юқори лаб юганчаси ўртасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: ва бошқа маълумотлар аввалгидек.

Олд ўрта меридиани (XIV; J; JM; CV)

«Ажойиб томирлар»дан бири ҳисобланади, шундай экан, бошқа меридианларда мавжуд бўлган барча бошқарув нуқталарни ўз ичига олмайди (19-расм). У фақат ло - пунктга эга, шунингдек, хуэй-инь (J₁) кириш нуқтаси ҳисобланади. Бироқ модомики олд ўрта меридиани «ажойиб томир» ҳисобланар экан, у ле - цюе (R₇) нуқта – бошқарувчи бўлади, унинг жуфт нуқтаси эса чжао-хай (R₆) нуқтаси ҳисобланади.

Орқа ўрта меридиани билан олд ўрта меридиани биргаликда ўзининг ўзига хос «кичик циркуляция» («катта циркуляция циклига қарама-қарши», ўн икки ҳақиқий меридианларни қамраб олади) циклига эга. Иккала меридиан «катта циркуляция» цикли билан ёрдамчи (иккиламчи) томирлар орқали алоқага эга.

Олд ўрта меридиани на аъзо, на ўзига хос фаолиятга тегишли. У асосан инь меридианларига таъсир кўрсатиб, барча фаолиятлар яхлитлигини ташкил этади.

Уни шартли равишда уч қисмга бўлиш мумкин:

– пастки – қов супрачасидан киндиккача; асосан сийдик-таносил фаолиятига тегишли;

– ўрта – киндикдан тўш суяги асосигача; бу қисм овқат ҳазм қилиш фаолиятига тегишли;

– юқори – тўш суяги асосидан пастки лабгача чўзилади; бу қисм нафас олиш фаолиятига тегишли.

Олд ўрта меридиани чот соҳаси хуэй-инь (J₁) нуқтаси билан бошланади (эркакларда ёрғоқ ва орқа чиқариш тешиги орасида ва аёлларда катта жинсий лаблар бирикмасидан орқага), олд ўрта чизиги бўйича юқорига боради, қов битишмаси, киндик, тўш, бўйин орқали ўтиб, пастки лаб ўртасига этади. Ушбу даражада меридиан икки-

га бўлинади, оғиз тешигини ўрайди ва орбитанинг пастки чеккасига йўналади.

Меридианга 24 та биологик фаол нуқталар (БФН) киради. Улар: **Ј₁**. Хуэй-инь (инь туташиси) – эркаларда ёрғоқ ва орқа чиқариш тешиги орасида, аёлларда катта жинсий лаблар бирикмалари ва орқа чиқариш тешиги орасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: жинсий аъзо бошчаси маркази; бу ерда жинсий ички артерия ва чот нерви бўлинади. Қадимги адабиётларда кўрсатилганларга мувофиқ, бу нуқтадан фойдаланиш чўкаётганлар ҳаётини сақлаб қолиш учун кўрсатилган. Укол чуқурлиги 10-15 мм. Цзю давомийлиги 10-20 дақиқа. Кўрсатма: чот соҳасида гипергидроз ва дерматит, сийдик тугилиши, қабзият, дисменорея, импотенция, тўғри ичак касалликлари.

Ј₂. Цзюй-гу (букилган суяк) – чот суяги юқори чеккаси ўртасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: қорин усти пастки артерияси, жинсий артерия тармоқлари, ёнбош – қорин ости нерви. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: сийдик – таносил аъзолари касалликлари.

Ј₃. Чжун-цзи (чўққи ўрта нуқтаси) – қовдан 1 см юқорида. *Топографик анатомияси (ТА)*: XII қовурға ораси нерви тармоқлари. Укол чуқурлиги 25 мм. Кўрсатма: аввалгидек.


Ј₄. Гуань-юань (манба дарвозаси) – қовдан 2 цунь юқорида. *Топографик анатомияси (ТА)*: қорин усти артерияси ва веналар тармоқлари, XI ва XII қовурғалар ораси нервлари тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 25-45 мм. Кўрсатма: ингичка ичак ва сийдик-таносил аъзолари касалликлари, депрессив ҳолатлар.

Ј₅. Ши-мэнь (тош дарвоза) – киндикдан 2 цунь пастда. *Топографик анатомияси (ТА)*: қовурғалараро нервлар тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 15-25 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

Ј₆. Ци-хай (қувват денгизи) – киндикдан 1,5 цунь пастда. *Топографик анатомияси (ТА)*: ва бошқа маълумотлар аввалгидек.

Ј₇. Инь-цзяо (инь чорраҳаси) – киндикдан 1 цунь пастда. *Топографик анатомияси (ТА)*: қорин усти артерия тармоқлари, қовурғалар ораси нерви тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 25 мм. Кўрсатма: сийдик-таносил аъзолари ва ичак касалликлари.

Ј₈. Шэнь-цзюе (илоҳий чегара) – киндик марказида. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол мумкин эмас. Қиздириш 20-30 дақиқа. Кўрсатма: ич кетиши, асцит, қорин дам бўлиши, ичак қулдираши, тўғри ичак тушиши.



19-расм. Олд ўрта меридиани йўналиши ва унинг асосий нуқталари тасвири

Ј₉. Шуй-фэнь (сув тақсимланиши) – киндикдан 1 цунь юқорида. *Топографик анатомияси (ТА)*: ичкарида кўндаланг чамбар ичак жойлашади. Укол чуқурлиги 15 мм. Кўрсатма: асцит, ичак касалликлари.

Ј₁₀. Ся-вань (пастки канал) – киндикдан 2 цунь юқорида. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 25 мм. Кўрсатма: ичак касалликлари.

Ј₁₁. Цзянь-ли (ли – қолдирилган жой) – киндикдан 3 цунь юқорида. *Топографик анатомияси (ТА)*: қорин усти артерия тармоқлари, қовурғалар ораси тери тармоқлари, ошқозон ичкарисиди жойлашишига тўғри келади. Укол чуқурлиги 15-25 мм. Кўрсатма: ошқозон касалликлари, асцит, диафрагмалар спазми.

Ј₁₂. Чжун-вань (ўртача канал) – киндикдан 4 цунь юқори. *Топографик анатомияси (ТА)*: ва бошқа маълумотлар аввалгидек.

Ј₁₃. Шан-вань (юқори канал) – киндикдан 5 цунь юқори. *Топографик анатомияси (ТА)*: ва бошқа маълумотлар аввалгидек.

Ј₁₄. Цзюй-цюе (куч чегараси) – киндикдан 6 цунь юқори. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек, ичкарида жигарнинг чап улуши жойлашган. Укол чуқурлиги 20 мм. Кўрсатма: ошқозон, юрак ва ўпка касалликлари, ҳадик ва кўрқув ҳолатлари, маниакал ҳолатлар, эпилепсия.

Ј₁₅. Цзю-вэй (каптар думи) – қалқонсимон ўсимта охиридан 15 мм пастга. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Кўрсатма: неврастения, реактив психозлар, ошқозон, юрак ва ўпка касалликлари.

Ј₁₆. Чжун-тин (ўртача ҳовли) – тўш суяги ва қалқонсимон ўсимтанинг бирлашиш чегарасига тўғри келади. *Топографик анатомияси (ТА)*: кўкрак ички артерияси тармоқлари, қовурғалараро нервлар тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: ўпка ва қизилўнгач касалликлари.

Ј₁₇. Тань-чжун (кўкрак ўртаси) – V қовурға (сўргич бўйлаб) бўғим кесими бўйлаб. *Топографик анатомияси (ТА)*: аввалгидек. Укол чуқурлиги 6 мм. Кўрсатма: аввалгидек.

Ј₁₈. Юй-тан (нефритли зал) – тўш суяги танаси ўртасига мувофиқ, IV қовурға бўғим кесими бўйлаб. *Топографик анатомияси (ТА)*: ва бошқа маълумотлар аввалгидек.

Ј₁₉. Цзы-гун (сиёҳ ранг қаср) – III қовурға бўғим кесими бўйлаб. *Топографик анатомияси (ТА)*: ва бошқа маълумотлар аввалгидек.

Ж₂₀. Хуа-гай (серҳашам қобиқ) – II қовурға бўғим кесими бўйлаб тўш суяги танаси ва дасталари бирлашадиган жойга тўғри келади. *Топографик анатомияси (ТА)*: кўкрак ички артерияси тармоқлари, қовурғалараро нервлар тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: нафас олиш аъзолари, шу билан бирга юқори нафас йўллари касалликлари.

Ж₂₁. Сюань-цзи (марваридли нефрит) – тўш суяги дастаси марказида, I қовурға бўғими кесими бўйлаб. *Топографик анатомияси (ТА)*: бўйин чигаллари тери тармоқлари, кўкрак ички артерия тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бронхиал астма, тонзиллит, ҳиқилдоқ шиши, қизилўнгач ва ошқозон касалликлари.

Ж₂₂. Тянь-ту (осмон сўқмоғи) – тўш суяги бўйинтуруқ кесими марказида, тўш-ўмров суяги – сўрғичсимон ўсиқ мускуллари орасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: қалқонсимон пастки артерия, бўйин нервлари тери тармоқлари. Ичкарида кекирдак, тўш суяги ортида елка бош ўзаги ва аорта ёйи. Укол чуқурлиги 10 мм дан кўп эмас. Укол қилганда игнани тўш устида орқага ва пастга йўналтириш зарур. Кўрсатма: бронхиал астма, ҳиқилдоқ мускуллари спазми, ларингит, тонзиллит, нутқнинг бузилиши, қайт қилиш, қизилўнгач спазми.

Ж₂₃. Лянь-цюань (ёнлама манба) – тил ости суяги пастки чеккаси ва қалқонсимон тоғай юқори кесими ҳосил қилган ёриқда. *Топографик анатомияси (ТА)*: қалқонсимон юқори артерияси, тил ости нервнинг пасайиб борувчи тармоғи, бўйин чигаллари тери тармоқлари. Укол чуқурлиги 10 мм. Кўрсатма: бронхит, астма, ларингит, қайт қилиш, глоссит, сўлак оқиши.

Ж₂₄. Чэн-цзян – ияк-лаб эгатчаси марказида. *Топографик анатомияси (ТА)*: лаб пастки артерияси, уч шохли нерв учинчи тармоғидан ияк нерви. Укол чуқурлиги 6-10 мм. Кўрсатма: мияга қон қуйилиши оқибатлари, юз нерви неврити, птоз, юз шиши, диабет, тиш оғриғи, эпилепсия, коллапс.

Меридиандан ташқарида энг кўп қўлланадиган нуқталар

Н₁. Инь-тан (муҳрланган қаср) – қаншар усти маркази, қошлар орасида жойлашган. *Топографик анатомияси (ТА)*: пешона артерияси ва пешона нерви (уч шохли нервнинг биринчи тармоғидан). Укол чуқурлиги 3-6 мм. Кўрсатма: кўз касалликлари, уч шохли нерв невралгияси, невроген қайт қилиш, уйқусизлик, болаларда томир тортишиши.

Н₂. Тай-ян (қуёш) – қош ён чеккасида ташқарига ва пастга, кўз косасидан 12 мм орқага. *Топографик анатомияси (ТА)*: уч шохли нервнинг ҳаракатланувчи қисми, чакка юза артерия тармоқлари, уч шохли нервнинг иккинчи тармоғи. Укол чуқурлиги 6-12 мм. Мигрен томир паралистик босқичида унча кўп бўлмаган қон кетишини чақирувчи, юза укол қилинади. Кўрсатма: мигрен, конъюнктивит, тиш оғриғи, юз нерви неврити, мимика мушаклари учиши ва контрактура, қулоқ шанғиллаши, уч шохли нерв невралгияси.

Н₃. Юй-яо (балиқ чети) – қорачиқ бўйлаб, қош ўртасида, пайпаслаганда у ерда чуқурлик сезилади. *Топографик анатомияси (ТА)*: уч шохли нервнинг биринчи тармоғидан келувчи, кўз косаси усти артерияси ва кўз косаси усти нерви. Укол чуқурлиги 3-6 мм. Ўта чуқур укол мумкин эмас (укол кўз соққасидан берида). Кўрсатма: кўз касалликлари, мигрен, бош оғриғи, уч шохли нерв невралгияси.

Н₁₀. Цзинь-цзинь-юй-е (нефритли ва олтин суюқлик) – тил юганчасининг иккала томонида, тил ости веналарида. Укол чуқурлиги 3 мм. Унча кўп бўлмаган қон оқиши учун юза ва тез укол қилинади. Кўрсатма: қайт қилиш, стоматит, нутқнинг бузилиши, сариқ касаллиги, тил ости нерви неврити.

Н₁₁. Хай-цюань (денгиз манбаи) – тил ости маркази, тил юганчасида. *Топографик анатомияси (ТА)*: тил ости артерияси ва веналари, тил ва тил ости нервларининг тармоқланиши. Укол чуқурлиги 8 мм. Унча кўп бўлмаган қон оқиши учун юза ва тез укол қилинади. Кўрсатма: қайт қилиш, тил ости нерви неврити, глоссит, диабет.

Н₃₀. Ши-сюань (ўнта тантанали билдириш) – ўнта бармоқ учида (ўрта бармоқлар учида жойлашган чжун-чун нуқтаси ҳам киради). *Топографик анатомияси (ТА)*: қўл кафтига тегишли бармоқ артери-

яси ва қўл кафтига тегишли бармоқ нервлари. Укол чуқурлиги 3 мм. Унча кўп бўлмаган қон оқиши учун тез ва юза укол қилинади. Кўрсатма: шок, коллапс, тонзиллит, истерия.

Назорат саволлари

1. Тана турли қисмларининг стандарт сонда пропорционал бўлакка бўлинишини айтиб беринг.
2. Классик меридианлар миқдори ва кетма-кетлигини кўрсатинг.
3. Меридианнинг халқаро нумерация тизимига мувофиқ индексини беринг.
4. Жуфт меридианларни гапириб беринг.
5. Жуфт бўлмаган меридианларни санаб беринг.
6. Ян ва инь меридианларини айтиб беринг.

ИГНАЛАР ВА ИГНА БИЛАН ДАВОЛАШ ТЕХНИКАСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Игналар ва уларни муолажага тайёрлаш

Ҳозирги вақтда кўпинча думалоқ, ўлчови 1,5 см дан 15 см гача бўлган, учи 1,5-2 мм узунликда ва 0,35 мм қалинликдаги (20-расм) игналар ишлатилади. Акупунктура учун игналарни стерилизация қилиш оддий усулда, яъни қайнатиш (дистилланган сувда 45 дақиқа), автоклавирлаш (1,5 атм. босимида 30 дақиқа) ёки қуруқ иссиқда (160° С ҳароратда 20 дақиқа) ўтказилади. Ишлатилмаган стерилланган игналар 75 фоиз этил спиртида сақланади.

Игналар қуйидаги таркибли қотишмалардан тайёрланади:


- 1) олтин игна: тоза тилла – 75%, кумуш – 13%, қизил мис – 12%;
- 2) кумуш игна: тоза кумуш – 80%, қизил мис – 17%, тозаланган мис – 3%;
- 3) оддий ингичка игналар: зангламайдиған пўлат иплардан ёки тозаланган мисдан И. 28-И.32.

Ҳамма мутахассислар ҳам фарқлай олмайдиған фикр бўйича, олтин игна ўз-ўзидан қувватни оширувчи, кумуш эса тинчлантирувчи хусусиятга эга.

Кўпинча қўлланадиған игна 0,3-0,35 мм, 0,4-0,45 мм диаметрға эга.

Игналарни киритиш техникаси

Игналарни дастасидан учта бармоқ билан ушлаш услубий жиҳатдан тўғри ҳисобланади: I бармоқ бир томондан, II ва III бармоқ эса бошқа томондан. Ҳозирги вақтда айниқса, игналар айлантириб киритилади. Игна зарур нуқта марказида перпендикуляр ёки тери бурчак остига ўрнатилади (21-расм) ва олдинга – орқага айланма ҳаракат ҳам бир вақтнинг ўзида игнани енгил босиш билан киритилади.




20-расм. Акупунктура амалиётида қўлланадиган игналарнинг баъзи турлари:

I – қадимда қўлланган игналар; II – игналарнинг замонавий турлари:


1 – думалоқ игна, 2 (а,б) – ингичка игналар, 3 (а,б) – Хитойда ишлаб чиқарилган игналар, 4 – Корейс игналари, 5 – Япон игналари, 6 – Т-симон игна, 7 (а,б) – игналар тўплами билан таъсирлантириш учун болғачалар,

8, 9, 10, 11 – қулоқ игна терапияси учун тўплам, 12 – калта игна,

14 – шарикли игна, 13, 15, 16 – микроигналар



21-расм. Терига муносабат бўйича игналар ҳолати: 1-вертикал укол, 2, 3-гурли бурчаклар остидаги уколлар



22-расм. Игналарни киритиш усуллари. а, б, в, г, д, е – терини фиксация қилиш билан, ё – терини фиксация қилмасдан; ж, з – найча орқали

Игна билан даволашдаги асоратлар ва уларнинг олдини олиш

Игна билан даволашда келиб чиқиши мумкин бўлган асоратлар: қўп терлаш, юзнинг оқариши, қўл-оёқ музлаши, артериал босимнинг пасайиши кўринишидаги вегетатив таъсирлар. Агар ўз вақтида ёрдам кўрсатилмаса, хушсизлик ҳолати келиб чиқиши мумкин.

Профилактика: сеансни горизонтал ҳолатда ўтказиш.

Ёрдам: зудлик билан игналардан ҳоли қилиш, беморни ётқизиш ва шошилиш ёрдам кўрсатиш (нашатир спирти, кордиамин юбориш, нуқтали уқалаш ёки «тез ёрдам») E_{36} цзу-сань-ли нуқтасига игна санчилади: катта болдир суяги қиррасидан 3 см ташқарига; тизза кўзи пастки чеккасидан 3 см пастга (катта болдир олд мускуллари ва бармоқларни узун ёзувчи мускуллар орасида), G_{14} хэ-гу – I ва II қўл кафти суяклари ораси, II қўл кафти суяги ўртасига яқин чуқурчада; T_{26} жен-чжун – бурун учи остида, юқори лаб усти учинчи эгатчасида ва бошқалар.

Назорат саволлари

1. Акупунктур игналарни стериллаш усуллари.
2. Олтин ва кумуш игналар қандай қотишмалардан тайёрланади?
3. Игналарни киритиш техникаси.
4. Игналарни киритиш усуллари.
5. Игна терапияда келиб чиқиши мумкин бўлган асоратлар ва уларнинг олдини олиш.
6. Ҳушдан кетишда «тез ёрдам» нуқтаси ва уларнинг топографиясини айтиб беринг.

БИОЛОГИК ФАОЛ НУҚТАЛАРГА (БФН) ТАЪСИР ЎТКАЗИШ УСУЛЛАРИ

Бунда икки асосий усул фарқланади:

- 1) таъсирлантирувчи (қувват берувчи);
- 2) тормозловчи (седатив).

Иккала усул кучли (I) ва кучсиз (II) вариантларга бўлинади.

Таъсирлантирувчи (қувват берувчи) усул игналарни 1-5 дақиқа қолдириш билан тез, қисқа уколлар ёки битта игна билан бир қатор нуқталарга кетма-кет укол қилишни назарда тутлади.

Таъсирлантирувчи усулнинг кучли вариантыда (I) бешдан ўнтагача нуқта танлаб олинади, уколлар юза игналарни 1-3 дақиқагача қолдириш мумкинлиги билан 3-6 мм чуқурликда қилинади. Ушбу усул бўйича цзю давомийлиги 1-3 дақиқа. Таъсирлантирувчи усулнинг ушбу (I) варианты асосан кўпроқ шок, коллапс, ҳушдан кетиш, шалвираган фалаж ва ҳоказоларда айниқса, сезги нуқталарига укол қилиш билан қўлланилади (T_{26} – жень-чжун; J_{24} – чен-цзянь – ияк-лаб эгатчаси марказида; H_{30} – ши-сюань, ўнта бармоқ учида. Укол чуқурлиги 3 мм. Кўп бўлмаган қон оқиши келтириб чиқариш учун тез ва юза укол қилинади ва бошқалар).

Таъсирлантирувчи усулнинг кучли вариантыни самарали қўллашнинг клиник мисолига юз нерви неврити ҳодисаси мисол бўлиши мумкин, унда одатда фалажланган томонга игнани тез айлантириб олиб ташлаш билан 5-6 нуқтага юза укол қилинади. Кўпинча ўтказилаётган вақтдаёқ фалажланган мускулларда ҳаракат пайдо бўлади.

Таъсирлантирувчи усулнинг кейинги (II) варианты (таъсирлантирувчи усулнинг кучсиз варианты) асосан шундай ўтказилади: фақат игналар миқдори кам (4-6), уларни киритиш чуқурлиги анча кўп (6-9 мм), улар 5-6 дақиқага қолдирилади, ундан кейин чиқариб олинади (цзю – 3-5 дақиқа). Бу вариант тилинишлар, фалажлар (асосан периферик), бойламлар, мускуллар чўзилиши ва бошқаларда қўлланилади.

Тормозловчи (седатив) усул зарур сезгиларнинг барча уйғунлигини юзага келтириш ва игналарни максимал мумкин бўлган чуқурликка киритиш билан кучли таъсирлантиришни назарда тутлади.

Кучли вариантда унча кўп бўлмаган нуқталар (2-3) танлаб олинади, игна таъсирланиш кучини тобора кўпайтирувчи, секин айланма ҳаракатлар билан киритилади. Игналар тўқималарда 30-60 дақиқа, зарурат бўлганда эса узоқроқ ҳам қолдирилади. Ушбу вариант асосан катта ёшдаги шахсларда турли оғриқ синдромлари билан спазмлар, томир тортишиши, руҳий таъсирчанликнинг баъзи ҳолатларида (цзю – давомийлиги – 20-30 дақиқа) қўлланилади.

Кучсиз вариант тахминан шундай ўтказилади, бироқ игнани эҳтиёткор, секин айлантириш, сезги эса кучсизроқ ва юмшоқ бўлиши лозим.

Игна тўқимада 10-20 дақиқага қолдирилади, нуқталар миқдори – 2-4. Усул болалар амалиёти, нимжон беморлар, кексалар, шунингдек касаллик узоқ кечувчи (гипертония касаллиги, невростения ва б.) катталарда ҳам қўлланилади.

Эътибор қаратиш лозимки, тасвирланган таъсирланиш вариантлари ниҳоятда шартли ҳисобланади. Эҳтимол, тегишли вариантни танлашда бемор ҳолати ва уларнинг даволашни кўтара олишларига мўлжал олиш керак.

Назорат саволлари

1. Қандай таъсир усуллари фарқланади?
2. Таъсирлантирувчи усулнинг кучли вариантыга тавсиф беринг.
3. Қувват берувчи кучсиз вариантга тавсиф беринг.
4. Тормозловчи усули I вариантынинг ўзига хослиги.
5. Седатив усулнинг II варианты қандай характерланади?
6. Таъсирлантирувчи усулнинг кучли вариантыни самарали қўллашга клиник мисол келтиринг.

БАЪЗИ КАСАЛЛИКЛАРНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШДА ИГНА ТЕРАПИЯ

Бу бобда биз томондан қадимги игна билан даволовчилар тажрибаси асарларидан маълумотлар, шунингдек бизнинг шахсий тажрибамиз умумлаштирилган. Рецепт тузишни енгиллаштириш, маълум касалликларда уларнинг топографияси ва кўрсатмаларини мақсадга мувофиқ қўллаш учун нуқталар рўйхати берилади.

Нафас олиш аъзолари касалликлари

Бронхиал астма

Замонавий тасаввурлар бўйича бу касаллик табиати аллергикдир. Хуружсимон бўғилиш шиллиқ қават шишиши натижасида майда бронхлар оралиғи қисқариши, шилимшиқ йиғилиши ёки бронхлар мускули спазмларидан келиб чиқади.

1. Хуружни тўхтатиш: T_{14} (да-чжуй), GI_4 (хэ-гу) тормозловчи усули I-II варианти кучли стимулятсия билан. Игнани айлантириш (GI_4) бир дақиқага 20 ярим айлана тезлиги билан (ижобий натижалар билан 81,1% беморлар).

2. Агар хуруж тўхтамаса, унда P_7 (ле-цюе) қўшимча қилинади, зарурат туғилганда эса TR_5 (вай-гуань), RP_6 (сань-инь-цзяо). Кучли стимуляция ўтказилади.

3. Хуруж қайталаниши хавфида игналарни (лейкопластир билан ёпиштириш) 15 мм узунликда GI_4 ва J_{22} (тян-ту) нуқтасида бир суткача ва ундан кўпроқ.

4. Бронхиал астма хуружларини тугатиш учун қатор ҳолатларда қуйидаги нуқталар рецептураси тавсия этилади: P_1 (чжун-фу) – тормозловчи, V_{13} (чи-сзе) ва P_7 (ле-цюе) – тормозловчи.

5. Астма ва эмфиземалар уйғунлигида – тормозловчи усулнинг II варианти. *Топографик анатомияси (ТА)*: V_{14} , V_{13} , P_7 , J_{17} , J_{22} .

Бронхиал астмада топографик нуқталар.

1) T_{14} – Да-чжуй – VII бўйин ва I кўкрак умуртқалари суяк дўнги ўсимталари орасида;

- 2) GI_4 – Хэ-гу – I ва II қўл кафти суяклари орасида II қўл кафти суяги ўртасига яқин чуқурчада;
- 3) P_1 – Чжун-фу – I қовурғалараро ўмров суяги бурчагида 3 цунь га P_2 дан пастда (ўмров суяги ташқи чеккаси остки чуқурида, тўш суяги ўрта чизигидан 6 цунь ташқарига);
- 4) P_5 – Чи-цзе – тирсак букими бурмалари марказида, елка икки бошли мускуллари пайлари билак чеккасида;
- 5) P_7 – Ле-цзюе – билак-кафт бурмасидан 1,5 цунь юқори, бигизсимон ўсимта устида;
- 6) TR_5 – Вай-гуань – қўл орқа томони, суяк букимидан (билак кафт бурмаси) 2 цунь;
- 7) RP_6 – Сань-инь-цзюе – медиал тўпиқ марказидан 3 цунь юқорида, катта болдир суягидан орқага;
- 8) J_{22} – Тянь-ту – тўш суяги бўйинтуриқ кесими марказида;
- 9) J_{17} – Тань-чжун – тўш суяги ўртасида, V қовурға бўғим кесими бўйлаб;
- 10) V_{11} – Да-чжу – курак I ён чизиги, 1-2 курак умуртқалари суяк дўнги ўсимталари орасида;
- 11) V_{13} – Фэй-шу – курак I ён чизиги, 3-4 курак умуртқалари орасида ўрта чизигидан 1,5 цунь;
- 12) V_{12} – Цзюе-инь-шу – курак I ён чизиги, 4-5 курак умуртқалари орасида ўрта чизигидан 1,5 цунь;
- 13) E_{36} – Цзу-сань-ли – катта болдир суяги қиррасидан 3 цунь ташқарига мускуллар орасида, тизза кўзи пастки чеккасидан 3 цунь пастда;
- 14) F_2 – Синь-цзянь – I ва II оёқ кафти суяклари бошчалари орасида;
- 15) VB_{20} – Фэн-чи – T_{16} – Фэн-фу нуқтасидан ён томонда, энса суяги пастки чеккасида (T_{16} – бош орқа ўрта чизиги, энса суяги ва I бўйин умуртқаси орасида, соч ўсиш орқа чегарасидан 3 цунь юқори);
- 16) T_{20} – Бай-хуэй (юз учрашув), T_{24} (Шэнь-ган – қаншардан 3 цунь юқори, соч ўсиш чегарасидан 0,5 цунь юқори) ва T_{17} ўртасида (Нао-ху – мия эшиги, энса дўмбоғи юқори чеккаси).

Ўткир ва сурункали бронхит

Ўткир бронхитни даволашда рефлексотерапияни киритиш беморнинг даво топишини анча тезлаштиради ва одатда 4-5 сеанс игна терапия етарли, суткада 1-2 марта ёки тўлиқ тузалгунча ўтказиш мумкин.

Ҳаммадан кўпроқ тормозлаш усулининг II вариантыдан фойдаланилади. Нуқталарни танлаш қоидаси йўталда қандай бўлса шундай. Асосий нуқталар – P_7 , P_5 , GI_4 , GI_{11} , V_{11} , E_{36} . Ҳарорат кўтарилганда F_2 нуқтасига игна санчилади. Агар ўткир бронхит бош оғриғи билан кузатилса, қўшимча VB_{20} , V_{11} , T_{14} , T_{20} ва бошқа нуқталардан фойдаланилади.

Зотилжамни даволашда ҳам шу қоидага амал қилинади.

Сурункали шаклдаги бронхитларни даволашда асосан ўша нуқталар қўлланади, бироқ унинг миқдори бир сеансга 3-4 умумий муштаҳкамловчи нуқталар билан чегараланиши лозим. Даволаш курси 10-15 сеанс. Ҳаммаси бўлиб 3-4 курс танаффус билан.

Баҳор ва кузда иложи борица 2-3 ҳафта қувватловчи терапия (5-6 сеанс) зарур.

Мана шу қоида бўйича ўпка эмфиземасини ҳам даволаш мақсадга мувофиқдир.

Юрак-томир тизими касалликлари

Гипертония касаллиги (ГК)

Кўп ҳолларда ГК да дори воситаларини киритиш билан умумий даволаш мақсадга мувофиқдир.

Касалликнинг I ва II босқичларида рефлексотерапияни қўллаш кўпинча самарали натижа беради. Бунда тормозлаш усулининг II варианты кучсиз стимуляцияда қўлланилади.

Кўпинча рецептурага бош (T_{20}), энса – бўйин – оёқ соҳаси: VB_{20} ; GI_{15} ; қўл (GI_4 , GI_{11} , MC_6) ва оёқ (E_{36} , VB_{30} , F_2 , F_3 , RP_6) соҳаси нуқталари киритилади.

Бир сеансда 6 та дан кўп нуқтани қўллаш тавсия этилмайди. Даволаш курси 10-12 сеансни ташкил этади. Ҳаммаси бўлиб улар орасида 10 дан 25-30 кунгача танаффус билан 3-4 курс ўтказилади.

Оғирлашган гипертонияда, масалан, гипертония кризидида 2 фоиз но-шпа эритмасидан 2 мл тери остига 2 фоиз дибазол эритмасидан, 4 мл ва 1 фоиз лазикс эритмасидан 1 мл ва бошқалар мускул ичига юборилади ва улар билан уйғунликда E_{36} ; GI_{11} нуқталарига игна терапия ўтказилади. V_{62} – шэнь-май, латерал тўпиқ ости, товон ва орқа юза чегараси чуқурида.

Инсультнинг ўткир даврида қувват оширувчи усул «тез ёрдам» нуқталаридан фойдаланилади. T_{26} ; J_{24} ва геморрагияларни (GI_4 ; P_9) тўхтатувчи нуқталар ҳисобланади.

ГК да ИРТ нуқталари топографияси.

T_{20} – Бай-хуэй – T_{24} шэнь - тин нуқтасидан 4,5 цунь орқага.

T_{24} – Шэнь - тин – қаншар устидан 3 цунь юқори, соч ўсиш чегарасидан 0,5 см юқори.

VB_{20} – Фэн-чи – T_{16} фэн-фу нуқтасидан ёнлама, энса суяги пастки чеккасида.

T_{16} – Фэн - фу – энса суяги ва I бўйин умуртқаси орасида, соч ўсиш орқа чегарасидан 3 см юқори.

GI_{15} – Цзянь-юй – елка усти бўғими, курак елка ўсимтаси (акромион) ва елка суяги катта бўртмаси орасида жойлашган.

GI_4 – Хэ-гу – I ва II қўл кафти ораси II қўл кафти суяги билак чеккаси яқинида.

GI_{11} – Цюй - чи – тирсак букуми ташқи чеккаси, тирсак бурмаси ва ташқи тўпиқ орасидаги масофа ўртасида.

MC_6 – Нэй-гуань – билак - кафт бурмасидан 2 цунь юқори, узун қўл кафти мускуллари ва панжани букувчи билак пайлари орасида.

E_{36} – Цзу - сань - ли – катта болдир суяги қиррасидан 3 цунь ташқарига мускуллар орасида; тизза кўзи пастки чеккасидан 3 цунь пастда.

PP_6 – Сань-инь-цзяо – медиал тўпиқ суяги устки чеккасидан 3 цунь юқори, катта болдир суягидан орқага.

F_2 – Синь - цзянь – I ва II оёқ кафти суяклари ва бошчалари орасида.

F_3 – Тай - чун – I ва II оёқ кафти суяклари энг тор жойи орасида.

VB_{30} – Хуань - тяо – чаноқ сон бўғимидан думба орасига. Агар қуймич суяги дўнги ва ёнбош суяк қирраси тўғри чизиқда бирлаштирилса ва сон суяги катта дўнгидан бу чизиққа перпендикуляр чизиқ ўтказилса, у ҳолда уларнинг кесишув жойида хуань - тяо нуқтаси жойлашган бўлади.

T_{26} – Жэнь - чжун – бурун учи остида, юқори лаб усти учинчи вертикал эгатчасида.

J_{24} – Чэн - цзянь, – ияк - лаб эгатчаси марказида.

GI_4 – Хэ - гу.

P_9 – Тай - юань, қўл панжасини букувчи билак пайлари билак чеккасида, билак - кафт бўғими проксимал бурмасида.

ИРТ усули шундай ҳолатларда интенсив терапия билан бир қаторда ёрдамчи роль ўйнаши мумкин.

Стенокардия (С)

ИРТ оғриқли хуружларни бартараф қилиш ва уларнинг олдини олиш учун қўлланилади. Даволаш курсига MC_6 , MC_7 , J_{15} , VB_{20} , E_{36} , GI_4 , GI_{11} ва бошқа миокарднинг қон билан таъминланишини яхшиловчи нуқталар киради.

Чжу - лянъ маълумоти бўйича, стенокардия хуружи вақтида чап томондаги нуқталарга – GI_4 ёки VB_{21} ёки GI_{11} (тормозлаш усулининг I варианты) игна санчиш яхши натижалар беради. Стенокардияда ГК фонида $+E_{36}$ чап GI_{11} қиздириш билан. Қулоқ супрачасида шэнь - мэнъ нуқтаси.

Стенокардияда РТ нуқталари.

MC_6 – Нэй - гуанъ – билак-кафт бурмасидан 2 цунъ юқори, узун қўл кафти мускуллари ва панжани букувчи билак пайлари орасида.

MC_7 – Да - лин – билак - кафт бўғими ўртасида, узун қўл кафти мускуллари ва панжани букувчи билак пайлари орасида.

J_5 – Цзю - вэй – қалқонсимон ўсимта учидан 0,5 цунъ пастга.

VB_{20} – Фэн - чи – соч ўсиш чегарасидан 1 цунъ юқори, энса суяги остида, трапециясимон мускуллар ташқи чеккаси чуқурчаси ичкарисида.

VB_{21} – Цзянь-цзин (елка қудуғи) – суяк дўнги усти чуқурчаси марказида, T_{14} (Да – чжуй) ва GI_{15} (Цзянь - юй) нуқталари орасидаги масофа ўртасида, елка бўғимлари усти курак акромиал ўсимтаси ва елка суяги катта бўртмаси орасида (қўл кўтарилгандаги чуқурда).

E_{36} – Цзу - санъ - ли – катта болдир суяги қуррасидан 3 цунъ ташқарига мускуллар орасида, тизза кўзи пастки чеккасидан 3 цунъ пастда.

GI_4 – Хэ - гу – I ва II қўл кафти ораси II қўл кафти суяги билак чеккаси яқинида.

GI_{11} – Цюй - чи – тирсак букуми ташқи чеккаси, тирсак бурмаси ва ташқи тўпиқ орасидаги масофа ўртасида.

Овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари

Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касалликлари

Одатда тормозлаш усулининг II варианты, ажралиб турувчи оғриқ синдромларида эса тормозлаш усулининг I варианты қўлланилади. Айниқса, кўп қўлланиладиган нуқталар: E_{36} ; E_{45} ; MC_6 ; RP_4 ; J_{12} - J_{15} ; V_{20} - V_{22} .

Биринчи сеансда қорин соҳасидаги маҳаллий нуқталардан фойдаланишнинг кераги йўқ. Қоидага кўра, даволаш асосий синдромни йўқотиш учун нуқталар танлаб олиш билан бошланади. Масалан, жиғилдон қайнашини камайтириш учун VB_{20} ва TR_5 нуқталарига игна санчиш тавсия этилади (анча оғриқли синдромларда + аурикуляр нуқталар: шэнь-мэнь, симпатик нуқталар ва бошқа). Сеанслар ҳар куни ўтказилади, уларнинг йўқолиши бўйича кунора. Ҳаммаси бўлиб 10-15 сеанс ва 7 кундан 2-3 ҳафтагача танаффус билан 3-5 курс. Зўрайиш (баҳор, куз) кўзда тутилган даврда мустаҳкамловчи даволаш курси ўтказиш мумкин.

Баъзан овқат ҳазм қилиш тизими рецептурасига, умумий оғриққа қарши таъсирга эга бўлган, GI_4 (хэ-гу) ва V_{60} (кунь-лунь) нуқталари киритилади.

Қайт қилишда: E_{36} , J_{12} , F_3 тай-чун F_2 (синь-цзянь) MC_6 , V_{20} , V_{21} , V_{22} дан 0,5 цунь юқори.

Каллэз яралари, ошқозондан қон кетганда шошилиш жарроҳлик аралашуви зарур бўлган пайтда ИРТ ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ошқозон ва ўн икки бармоқ яра касалликларини даволашда нуқталар топографияси

E_{36} – Цзу - сань - ли – катта болдир суяги қиррасидан 3 цунь ташқарига мускуллар орасида; тизза кўзи пастки чеккасидан 3 цунь пастда.

E_{45} – Ли - дуй – оёқ панжаси II бармоқ ташқи тирноғидан 0,3 см.

MC_6 – Нэй - гуан – биллак - кафт бурмасидан 2 цунь юқори, узун қўл кафти мускуллари ва панжани букувчи биллак пайлари орасида.

RP_4 – Гунь - сунь – оёқ панжаси ички томони I оёқ кафти суяги чуқурлигида, оёқ кафти – фалангали бўғими оёқ панжаси I бармоғидан 1 цунь орқага.

J_{12} – Чжун - вань – киндикдан 4 цунь юқори.

J_{13} – Шань - вань – киндикдан 5 цунь юқорида.

J_{14} – Цзюй - цюе – қалқонсимон ўсимтадан 1,5 цунь пастда.

J_{15} – Цзю - вэй – қалқонсимон ўсимтадан 0,5 цунь пастда.

V_{20} – Пи - шу – курак I ён чизиғи, XI ва XII кўкрак умуртқалари суяк дўнги ўсимталари орасида.

V_{21} – Вэй - шу – курак I ён чизиғи, XII кўкрак ва I бел умуртқалари суяк дўнги ўсимталари орасида.

V_{22} – Сань - цзяо - шу – курак I ён чизиғи, I ва II бел умуртқалари суяк дўнги ўсимталари орасида.

Ўткир ва сурункали гастрит

Ўткир ва сурункали гастритларда нуқталарни танлаш қоидаси ошқозон яраси касаллигидаги кабидир. Ўткир гастритда кўпинча тор-мозлаш усулининг I варианты қуйидаги нуқталардан фойдаланиш билан қўлланилади: V_{17} - V_{22} ; J_{12} ; E_{36} ; E_{25} ; GI_{10} ; RP_4 ; MC_6 .

Юқори кислоталикни меъёрга келтириш самараси MC_6 ва E_{36} ёки VB_{20} ва TR_5 нуқталарига игна санчиш билан белгиланади.

GI_4 нуқтасига таъсир ўтказиш, ошқозон секрецияси каби унинг ҳаракатга келишида ҳам шундай бир меъёрда таъсир кўрсатади. E_{36} ёки V_{21} нуқтасига таъсир ўтказиш кўпроқ перисталтикага таъсир қилади, ўшанда MC_6 нуқтаси каби кўпинча ошқозон секрециясини ўзгартиради.

Гастритларда ИРТ нуқталари топографияси

V_{17} – Гэ-шу – VII-VIII кўкрак умуртқалари суяк дўнги ўсимталари орасидаги оралиқ бўйлаб, курак I ён чизиғи.

V_{18} – Гань-шу – курак I ён чизиғи, IX ва X кўкрак умуртқалари суяк дўнги ўсимталари орасида.

V_{19} – Дань-шу – курак I ён чизиғи, X ва XI кўкрак умуртқалари суяк дўнги ўсимталари орасида.

V_{20} – Пи-шу – курак I ён чизиғи, XI ва XII кўкрак умуртқалари суяк дўнги ўсимталари орасида.

V_{21} – Вэй-шу – курак I ён чизиғи, XII кўкрак I бел умуртқалари суяк дўнги ўсимталари орасида.

V_{22} – Сянь-цзяо-шу – курак I ён чизиғи, I ва II бел умуртқалари суяк дўнги ўсимталари орасида.

J_{12} – Чжунь - ван – киндикдан 4 цунь юқори.

E_{36} – Цзу - сань - ли – катта болдир суяги қиррасидан 3 цунь ташқарига мускуллар орасида; тизза кўзи пастки чеккасидан 3 цунь пастда.

E_{25} – Тянь - шу – киндик бўйлаб, қорин ўрта чизиғидан 2 цунь ташқарига.

GI_{10} – Шоу - сань - ли – GI_{11} цюй - чи нуқтасидан 2 цунь пастда.
 MC_6 – Нэй - гуань – билак-кафт бурмасидан 2 цунь юқори, узун қўл кафти мускуллари ва панжани букувчи билак пайлари орасида.

RP_4 – Гунь - цунь – оёқ панжаси ички томони I оёқ кафти суяги чуқурлигида, оёқ кафти – фалангали бўғими оёқ панжаси I бармоғидан 1 цунь орқага.

TR_5 – Вай - гуань – билак орқа юзаси, билак-кафт бўғими проксимал бурмасидан 2 цунь юқори.

V_{60} – Кунь-лунь – латерал тўпиқ ва товон пайлари орасидаги ма-софа ўртасида.

Периферик нерв тизими касалликлари

Бел – думғаза радикулити

Замонавий маълумотларга кўра, бел-думғаза радикулити ривожланишининг асосий сабаблари, остеохондроз деб ном олган, бу бўлим дискларнинг дегенератив – дистрофик ўзгариши ҳисобланади.

Даволаш: беморга биринчи навбатда умуртқа поғонасига тушадиган кучни тўхтатиш учун осойишталик яратиш зарур. Оғриқни бартараф этиш учун блокадалар тавсия этилади (паравертебрал новокаинли). Дори воситаларидан: дегидратацион терапия (лазикс, фурацемид ва б.), анальгетиклар (анальгин, реопирин, вольгарен ва б.). Кечасига седатив препаратлар.

Ўткир даврида илиқ муолажалар, даволаш жисмоний тарбияси, уқалаш мумкин эмас, томирчалар шишига имкон туғдирувчи, шунингдек, оғриқ синдромлари кескин кучайиши мумкин. Ультрабинафша нурланиши, диадинамик тоқлар, электрофорез ва бошқа белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу муолажаларнинг барчасини рефлексотерапиядан кейин ўтказган маъқул.

Даволашнинг умумий таъсир кўрсатувчи нуқталарига (P_7 ; GI_4 ; GI_{11} ; E_{36} ; RP_6 ; VB_{34}) игна санчиш билан бошлаш ва уларни (1-2) навбатдаги ҳар бир муолажада қўллаш лозим.

ИРТ Ирритасияда (таъсирланиш) L_5 : VB_{30} , VB_{34} , E_{36} , E_{42} , E_{44} .

Агарда S_1 томирчалари шикастланса, унда сийдик пуфаги меридианлари (V_{40} , V_{60} ва VB_{30}) T_4 ва V_{40} нуқталарини уларнинг кучли стимуляцияси билан қўллаш люмбалгияда самарали нуқталардан бири ҳисобланади.

Тормозлаш усулининг I ёки II варианты қўлланилади, яъни кучли ва давомли стимуляция.

Радикулитда ИРТ нуқталари топографияси

VB_{30} – Хуань - тяо – ёнбош суяк қирраси учи билан қуймиш суяги бўртиғи ва сон суяги катта бўртиғидан перпендикуляр бирлаштирувчи, тўғри чизиқ кесишадиган жойда.

VB_{34} – Ян - лин - цюан – кичик болдир суяги олд чеккаси чуқурида, тизза кўзи пастки чеккасидан 2 цунь пастда

E_{36} – Цзу - сань - ли – катта болдир суяги қиррасидан 3 цунь ташқарига, тизза кўзи пастки чеккасидан 3 цунь пастда.

E_{42} – Чун - ян – оёқ панжаси гумбазининг энг баланд жойида, II ва III понасимон ва II ва III товон суяклари бўғимлари орасида.

E_{44} – Нэй – тин – II – III товон бошчалари ва суяклари орасида.

V_{40} – Вэй - чжун – тақим чуқурчаси марказида, тақим артериясидан ташқарига.

V_{60} – Кунь - лунь – латерал тўпиқ ва товон пайлари орасидаги масофа ўртасида.

RP_6 – Сань - инь - цзяо – медиал тўпиқ марказидан 3 цунь юқорида.

T_4 – Мин - мэнъ – L_2 - L_3 умуртқалари суяк дўнги ўсимгалари орасида.

Юз нерви неврити

Ўткир даврида уч асосий палла кўзда тутилади: биринчидан, юзнинг соғлом ярмига ушбу яримни бўшаштириш ва шу билан бирга юзнинг оғриқли ярми мускуллари тортишишини камайтириш мақсадида таъсир ўтказилади.

Иккинчидан, бир вақтда соғлом томонга таъсир ўтказишда 1-2 узоқ нуқталардан (P_7 , GI_4 ёки GI_{11}) фойдаланилади.

Учинчидан, юзнинг оғриқли томонида ИРТ таъсирлантирувчи усул бўйича 1-5 дақиқа давомида ўтказилади.

1-кун: соғлом томонда (СТ): E_6 , E_7 ; узоқ нуқталар (УН): P_7 ; барча нуқталар учун – 20 дақиқа.

2-кун: соғлом томонда E_5 , IG_{18} ; узоқ нуқталар: G_{14} , GI_{11} ; қувват берувчи усул бўйича оғриқли томонда: E_2 , E_5 , E_6 ; GI_{10} , GI_{20} , IG_{18} .

3-кун: СТ: E_6 , E_7 ; УН: E_{36} ; ОТ: E_4 дан E_6 га игнани горизонтал киритиш.

4-кун: СТ: TR_{17} (и-фэн); УН: TR_5 (вай-гуань) ОТ: VB_1 , VB_2 ; TR_{23} ; T_{26} ; J_{24} ; игна санчишдан кейин оғриқли томонга игналар боёлами билан таъсир ўтказиш.

5-кун: СТ: VB₁, E₅; УН: R₇; ОТ: VB₁, E₅, E₆; TR₁₇.

6-кун: СТ: E₄, E₅, E₆, E₇; УН: GI₁₁, G₁₄; ОТ: E₄ ва E₇ га игналарни горизонтал киритиш; игна санчишдан кейин оғриқли томонга игналар бойлами билан таъсир ўтказиш.

7-кун: СТ: GI₂₀; E₅; + H₂ (Тай-ян); УН : GI₁₀ (Шоу-сань-ли); ОТ: GI₂₀ (Инь-сянь), T₂₆ (Жэнь-чжун), J₂₄ (Чэн-цзянь), E₂ (Сы-бай), E₅ (Да-ин), IG₁₈ (Цюань-ляо)

8-кун: 7-кундаги каби.

7-8 сеансдан кейин агар тикланиш яхши борса, у ҳолда даволаш кун ора ёки икки кундан кейин 14-15 сеансгача давом этиши мумкин. Анча яхшиланишда 7 сеанс ва дори воситалари билан даволаш (никотин кислота, но-шпа, эуффилин ва б.) давом эттирилади.

Ёмон тикланишда 3, 4, 5 кун ва ҳоказо рецептураларни такрорлаш мумкин.

Даволаш гимнастикаси дастлабки 3-4 муолажадан кейин киритилади. Ўткир босқичда, игна терапиядан ташқари олиготермик дозировкали, УБН қўлланилади. Курс 10-15 муолажа. УБН ИРТ дан кейин 1,5-2 соат ўтгандан сўнг ўтказилгани яхшироқ. Ўткир даврда ёқа соҳаси ва юз соғлом томони уқаланади, оғриқли томони энгил силанади.

Юз нерви невритида ИРТ нуқталари топографияси

E₂ – Сы - бай, E₁ (чэн-ци) нуқтасидан 1 см вертикал пастда. E₁ – кўз қорачиғи таги орбитанинг пастки чеккаси ўртасида.

Укол чуқурлиги 0,3 см дан кўп эмас.

E₄ – Ди-цан – оғиз бурчагидан 1 см ташқарига, кўз қорачиғидан вертикал чизиқда.

E₅ – Да-ин – пастки жағ бурчагидан 1-1/3 цунь олдинга. Пастки жағ учинчи катта илдиз тиши бўйлаб.

E₆ – Цзя-чэ – пастки жағ бурчагидан 1-1,2 цунь олдинга ва пастга, чуқурликда.

E₇ – Ся-гуань – пастки жағ бўғими ўсимтасидан олдинга ва пастга, чуқурликда.

GI₁₀ – Шоу-сань-ли – билак томондан қўлнинг ўрта сегменти орқа юзасида, G₁₁ (цйю-чи) нуқтасидан 2 цунь пастда.

GI₂₀ – Ин-сян – бурун қанотлари ён эгатчалари юқори чеккаси, кўз ички бурчагидан перпендикуляр пастда.

IG₁₈ – Цюань-ляо – ёноқ суяги танаси пастки чеккаси ости чуқурида, кўз ташқи бурчагидан вертикал пастда.

VB_1 – Тун-цзы-ляо – кўз ташқи бурчагидан 5-6 мм ташқари чуқурда.

VB_2 – Тин-хуэй – қулоқ юмшоғидан олдинга ва пастга, пастки жағ бўғими ўсимтаси орқа чеккаси чуқурида.

TR_{23} – Сы-чжу-кун – қош ташқи охири чуқурида.

J_{24} – Чэн-цзян.

T_{26} – Жэнь-чжун.

TR_5 – Вай-гуань.

TR_{17} – И-фэн – қулоқ солинчаги асосидан орқага, сўрғичсимон ўсимта ва пастки жағ бурчаги орасидаги чуқур жойда.

H_2 – Тай-ян – қош ён чизиғи чеккасидан ташқарига ва пастга, кўз косасидан 1,2 цунь орқага.

Уч шоҳли нерв невралгияси (УШНН)

УШНН даволаш учун ИРТ бошқа даволаш шакллари билан (нейротроп, томир тортишишига қарши ва қон томирларни кенгайтирувчи препаратлар ва бошқа) ва алоҳида ҳолда ҳозиргача кенг қўлланилади.

Хусусан, касалликнинг бош манзарасида оғриқ синдроми бўлса, у ҳолда ИРТ учун тормозлаш усуллариининг I ва II вариантлари қўлланилади.

Даволашнинг уч шаклини шартли ажратиш мумкин:

Фақат узоқ нуқталарни қўллаш билан: GI_4 , GI_{10} , GI_{11} ; P_7 ; E_{36} ; TP_5 ; V_{60} ; F_2 ; F_3 .

Маҳаллий ва узоқ нуқталарни қўллаш: ҳар куни фақат бир тармоққа таъсир кўрсатиш.

Биринчи кунда иннервация зонасининг биринчи тармоқлари (3-4 нуқта): V_1 , V_2 ; VB_1 , VB_{14} ; TR_{23} ; T_{24} ; E_8 ва бошқа узоқ нуқталар.

Иккинчи кунда иккинчи тармоқларнинг 3-4 нуқталари: E_2 , E_4 , E_7 ; GI_{20} ; T_{27} ; IG_{18} ва бошқа.

Учинчи кунда учинчи тармоқ: E_5 , E_6 , E_7 , IG_{17} ; VB_2 , VB_{20} игналарни E_4 дан E_6 га ёки J_{24} дан пастки жағ бўйича унинг бурчагига ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Шундан сўнг ИРТ дастлабки тартиб бўйича қайтарилади.

Агар бу икки усул охиригача муваффақиятсиз бўлса, у ҳолда соғлом томондаги 4-6 нуқтани қувват берувчи усул, узоқ нуқталар ва оғриқли томон нуқталарини эса тормозлаш усули бўйича қўллашга ҳаракат қилиш лозим.

Эътиборга олиш лозимки, яъни оғриқ синдромини баргараф этиш учун акупунктур нуқталари стимуляцияси интенсив ва узоқ (30-40 дақиқа) бўлиши керак.

Уч шохли нерв невралгиясида нуқталар топографияси

V_1 - Цин - мин – кўз ички бурчагидан 0,3 цунь ичкарига.

V_2 – Цуань - чжу – қош бошланиши, V_1 нуқтасида.

VB_1 - Тун-цы – кўз ташқи бурчагидан 5-6 мм ташқари чуқурликда.

VB_{14} – Ян-бай – қош ўртасидан 1 цунь юқорида, тўғрига қараган кўзнинг қорачиғидан перпендикуляр юқори.

T_{24} – Шэнь-тин – бош ўрта чизиги соч ўсиш олд чегарасидан 0,5 цунь юқори.

T_{27} – Дуй-дуань – юқори лаб маркази терининг шиллиқ қаватга ўтиш ўрнида.

GI_{20} – Ин-сян – бурун қаноти ён эгатчаси юқори чеккасида, кўз ички бурчагидан перпендикуляр пастда.

IG_{17} – Тянь - жун – қулоқ солинчаги асосидан пастда, тўш-ўмров суяги – сўрғичсимон ўсимта мускуллари олд чеккаси ва пастки жағ бурчаги ораси чуқурчасида.

E_8 – Тоу-вэй – пешона бурчаги бошнинг сертук қисмида 1,5 цунь пешона бурчагидан чакка чуқури томонида.

Сийдик - таносил тизими касалликлари (нефрит, пиелонефрит, буйрак санчиғи, цистит ва цисталгиялар)

ИРТ спастик ҳолатлар, оғриқ қолдиришни анча тез баргараф қилади, антибиотиклар билан бирга эса яллиғланиш ҳодисаларини ҳам тугатади. Асосан зарарланган аъзолар билан умумий сегментлар иннервацияга эга бўлган нуқталар қўлланилади. Шундай қилиб, буйрак касалликларини даволашда V_{22} , V_{23} , V_{26} , V_{27} ; E_{25} , E_{28} ; VB_{25} ; RP_9 , RP_4 ; J_4 ; R_3 ва бошқа нуқталар қўлланилади.

Сийдик пуфаги зарарланганда юқорида санаб ўтилган нуқталар + V_{31} , V_{34} ҳамда бошқа нуқталар қўлланилади.

Нефритлар ва пиелонефритлар

Ўткир даврда тормозлаш усулининг II варианты бўйича, юқорида санаб ўтилган нуқталардан сурункали жараёнларда эса қўшимча усулларни қўллаш билан (бел ва қорин нуқталарида қувват оширувчи, узоқ нуқталарда тормозлаш усуллари) фойдаланилади.

Чжу - лян тормозлаш усулининг I варианты билан VB_{30} ва E_{36} нуқталарига таъсир ўтказишни тавсия қилади. Ушбу нуқталарни узоқ қиздириш диурезни кўпайтириши мумкин.

Уремия А. Лебарбиер ҳодисалари билан анурия ҳолатларида диурезнинг кўп бўлишини таъминлайдиган, E_{36} ва RP_9 нуқталари бирга тавсия қилинади.

Буйрак санчиғи

Буйрак санчиғида антиспастик нуқталар: F_3 ; F_2 ; оғриққа қарши V_{60} ва ўзига хос: маҳаллий V_{23} , V_{26} , V_{28} ; VB_{25} ; E_{28} ва узоқ R_4 , R_3 , RP_9 нуқталарни киритиш билан тавсия этилади. Табиийки, улар бирга қўлланилмайди. Масалан, таъсир ўтказиш V_{60} дан бошланади, сўнг VB_{25} ва V_{23} кейинчалик R_4 қўшилади. Кучли стимуляция (тормозлаш усулининг I варианты).

Агар тош сийдик йўли бўйича сурилса, нуқталар унинг йўналиши бўйича қўшилади: E_{28} ; RP_{15} ва бошқалар. Зарурат туғилганда ИРТ текис мускулларга таъсир қилувчи дори воситалари, шунингдек анальгин каби анальгетиклар билан уйғунлаштирилади. Наркотик воситалар билан (акупунктура самарасини блоkirловчи) бирга мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Циститлар ва цисталгиялар

Ҳаммадан кўпроқ V_{23} , V_{28} , V_{31} ; T_4 ; RP_6 , RP_{15} ; J_2 - J_5 ; R_3 , R_4 нуқталарига таъсир ўтказиш билан тормозлаш усулининг II варианты қўлланилади. Бир сеанс учун 4-5 нуқта танланади.

Ўткир циститларда (Чжу Лян бўйича) тормозлаш усулининг I вариантини қўллаш, E_{36} нуқтасига бир вақтнинг ўзида J_4 , RP_9 нуқталарини қиздириш билан таъсир ўтказиб яхши натижаларга эришилади. Игналарни олгандан кейин, қайта RP_9 нуқтасини қиздириш. Агар сийдик чиқариш фаолияти простата беzi гипертрофияси муносабати билан бузилса, J_2 - J_5 ; V_{28} ; RP_6 ва бошқа нуқталар қўлланилади. Бу нуқталар простатитларга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Кўп ҳолларда сийдик - таносил аъзолари касалликларида даволаш курси ўтказилади (курс 10-15 сеанс). Такрорий курс клиник кўрсатмалар бўйича ўтказилади.

Сийдик - таносил соҳаси касалликларида нуқталар топографияси

V_{22} – Сянь - цзяо - шу – курак I ён чизиғи, I ва II бел умуртқалари суяк дўнги ўсиқлари орасида.

V₂₃ – Шэнь-шу – курак I ён чизиги, II ва III бел умуртқалари суяк дўнги ўсиқлари орасида.

V₂₆ – Гуань-юань -шу – курак I ён чизиги V бел ва I думғазга умуртқалари суяк дўнги ўсиқлари орасидаги оралиқ бўйлаб.

V₂₇ – Сяо-чан-шу – курак I ён чизиги, I ва II думғазга умуртқалари суяк дўнги ўсиқлари орасида.

V₂₈ – Пан-гуань-шу – курак I ён чизиги, II ва III думғазга умуртқалари суяк дўнги ўсиқлари орасида.

V₃₁ – Шан-ляо – биринчи орқа думғазга тешигига тўғри келади. Курак ўрта чизиги ва V₂₇ нуқтаси (I ён чизик, I ва II думғазга умуртқалари) орасидаги масофа ўртасида.

V₄₀ – Вэй-чжун – тақим чуқурчаси марказида, тақим артериясидан ташқарига.

V₆₀ – Кунь-лунь – латерал тўпиқ орқа чеккаси ва ахил пайлари ораси чуқурида тўпиқ маркази бўйлаб.

E₂₈ – Шуй-дао – киндикдан 3 цунь паст, ўрта чизикдан 2 цунь ташқарига.

E₃₆ – Цзу-сань-ли, катта болдир суяги қиррасидан 3 цунь ташқарига, тизза кўзи пастки чеккасидан 3 цунь пастда.

RP₆ – Сань-инь-цзяо – медиал тўпиқ марказидан 3 цунь юқори.

RP₉ – Инь-лин-цюань – катта болдир суяги медиал тўпиқдан пастки чуқурда, тизза кўзи пастки чеккасидан 2 цунь пастроқда.

RP₁₅ – Да-хэн – киндик бўйлаб, қорин ўрта чизигидан 4 цунь четга.

R₃ – Тай-си – медиал тўпиқ суяги ва ахил пайлари орасида, товон суягидан юқори чуқурликда.

R₄ – Да - чжун – ахил пайларининг товон суяги чуқурида жипслашадиган жойидан олдинга R₃ нуқтасидан 1,5 цунь пастда.

VB₂₅ – Цзинь-мэнь – қорин ён юзасида, XII қовурғанинг бўш охирида.

VB₃₀ – Хуань-тяо – ёнбош суяк қирраси учи билан қуймич суяги бўртиғи ва сон суяги катта бўртиғидан перпендикуляр бирлаштирувчи, тўғри чизик кесишадиган жойда.

T₄ – Мин-мэнь – L₂-L₃ умуртқалар суяк бўртмаси ўсиқлари орасида.

F₂ – Синь-цзянь – I ва II оёқ кафти суяклари ва бошчалари орасида.

F₃ – Тай-чун – I ва II оёқ кафти суяклари энг тор жойи орасида.

J₂ – Цюй - гу – қов симфизи юқори чеккаси ўртасида.

J₃ – Чжун - цзи – киндикдан 4 цунь пастда.

J₄ – Гуан-юань – киндикдан 3 цунь пастда.

J₅ – Ши-мэнь – киндикдан 2 цунь пастда.

RP₄ – Гуань-сунь – оёқ панжаси ички томони I оёқ кафти суяги чуқурлигида, оёқ кафти – фалангали бўғими оёқ панжаси I бармоғидан 1 цунь орқага.

E₂₅ – Тянь - шу – киндик бўйлаб, қорин ўрта чизигидан 2 цунь ташқарига.

V₃₄ – Ся-ляо – тўртинчи орқа думғаза тешигига тўғри келади, S₄ суяк бўртмаси ўсиғи бўйлаб.

Даволаш амалиётида рефлексотерапия усуллари қўллаш бўйича кўрсатма ва қарши кўрсатмалар

Нерв тизими ва сезги аъзолари касалликлари

Асосий кўрсатмалар

Вегетатив (автоном) нерв тизими касалликлари. Идиопатик периферик вегетатив невропатия (тунцитлар, симпатоганглионитлар, соляритлар ва бошқалар).

Мигрен, атипик юз оғриғи (шу билан бир қаторда Слудер, Шарлен, Хортон синдромлари). Юз нерви касалликлари.

Бош чаноғи нервларининг бошқа касалликлари. Нерв томирчалари ва чигаллари касалликлари. Елка чигалларининг зарарланиши.

Қўл-оёқ фантоми синдроми.

Қўл мононеврити ва кўпликдаги мононеврит. Оёқ мононеврити.

Рухий бузилишлар

Оқ алаҳлаш

Невротик бузилишлар

Хавотирлик (ташвиш) неврози

Истерик невроз

Невротик фобия

Шилқимлик неврози

Невротик депрессия

Неврастения

Ипохондрия неврози.

Бошқа невротик бузилишлар (ёзув спазми ва бошқа касб неврозлари)
Жинсий совуқлик ва жинсий алоқага қобилиятсизлик (шу билан бир қаторда, жинсий фаолиятни бошқарувчи асаб бузилиши билан неврозлар; нерв-рецептор, асперматизм, уруғ сочиш йўли спазми келиб чиқиши ва оғриқ синдромлари, приапизм)

Сурункали алокоголизм

Тамаки чекиш

Жисмоний фаолият психоген этиологиясининг бузилиши

Суяк-мускуллар тизими (психоген қийшиқ бўйин)

Нафас олиш аъзолари (психоген ҳиқичоқ, йўтал, эснаш ва б.)

Юрак-томир тизими (юрак неврози ва бошқа психоген юрак-томир бузилишлари)

Тери (психоген қичима)

Овқат йўли (аэрофагия, психоген вақти-вақти билан қайт қилиш)

Дудуқланиш ва тутилиб қолиш

Нерв (руҳий) аноресия

Тиклар

Энурез

Кўз ва унинг ортиқлари касалликлари

Рефракция ва аккомодациянинг бузилиши (ўртача ва унча кўп бўлмаган ифодаланиши). Кератит (фотокератит ёки қор кўрлиги). Невротрофик кератоконъюнктивит

Сурункали конъюнктивит (баҳорги конъюнктивит)

Блефароконъюнктивит (аллергик)

Блефарит (аллергик)

Кўриш нерви неврити (кўришнинг ўртача пасайиши билан)

Қулоқ ва сўргичсимон ўсимта касалликлари

Менер касаллиги

Қулоқ шанғиллаши

Эшитиш нерви касалликлари (эшитишнинг ўртача пасайиши билан неврит)

Оталгия

Қон айланиши тизими касалликлари

Эссенциал гипертония, гипертония касаллиги (I ва II босқич)

Стенокардия (рефлектор)

Сурункали юрак ишемия касаллиги (гипертония касаллигининг I ва II босқичи) билан ёки гипертония касаллиги ҳақида ажралиб турмайдиган ЭКГ ўзгаришлари

Юрак урушининг бузилиши (экстрасистология, юрак мускулларининг оғир патологияси билан боғлиқ бўлмаган)

Атеросклероз (эрта босқичи)

Рейно синдроми (эрта босқичи)

Облитерацияга олиб борадиган тромбангиит

Бошқалар (акроцианоз, акропарестезия, эритромегалгия)

Флебит ва тромбофлебит (асоратсиз)

Оёқ юза томирлари

Оёқ веналарининг варикоз кенгайиши яра билан

Яра ёки яллиғланиш ҳақида эслатиб ўтилмайди

Ички бавосил асорати ҳақида эслатиб ўтмасдан

Ташқи бавосил асорати ҳақида эслатиб ўтмасдан

Гипонония

Эндокрин тизими, овқатланиш, модда алмашув ва иммунитетнинг бузилиши

Тиреотоксикоз, буқоқ ва бошқа сабаблар ҳақида эслатиб ўтилмайди (ўртача ифодаланган).

Гипофиз касаллиги ва гипоталамо-гипофизар бошқарувнинг бузилиши.

Тухумдонлар дисфункцияси (кам миқдорда ифодаланган).

Мояклар дисфункцияси (ўртача ифодаланган).

Нафас олиш аъзолари касалликлари

Сурункали ринит

Сурункали фарингит

Сурункали синусит

Сурункали ларинготрохеит

Аллергик ринит

Сурункали бронхит

Бронхиал астма

Овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари

Сурункали гингивит

Пародонтоз

Стоматит

Глоссодиния, глоссалгия

Қизилўнғач дискенезияси

Ошқозон яраси

Ўн икки бармоқ ичак яраси

Гастрит ва дуоденит
Ошқозон фаолиятининг бузилиши.
Ахлоргидрия
Одатий қайт қилиш
Ноинфекцион этиологияда гастроэнтерит ва колит
Қабзият
Функционал диурез
Анал сфинктор спазми
Ичак фаолиятининг сурункали бузилиши
Орқа чиқарув тешигининг ёрилиши
Ўт йўллари дискенезияси
Оддий сфинктери спазми
Сийдик-таносил тизими касалликлари
Сурункали циститлар
Цисталгия
Сурункали сальингит ва оофорит
Цервицит ва эндоцервисит
Вагинит ва вульвит
Ҳайз даврининг бузилиши ва аёллар жинсий аъзоларидан бошқа
анормал қон кетиши
Ҳайз кўрмаслик
Кам ва қисқа ҳайз кўриш
Тез-тез ва ҳаддан ташқари кўп ҳайз кўриш
Мунтазам бўлмаган ҳайз цикли
Менопауза ва климактрия давридаги ҳолатлар
Туғиш ва туғишдан кейинги давр.
Нормал туғиш (туғиш фаолиятини бошқариш, туғишни оғриқ-
сизлантириш)
Йирингли бўлмаган мастит
Лактациянинг йўқлиги
Кам (сезилар-сезилмас) лактация
Тери ва тери ости клечаткалари касалликлари
Себорея дерматити (экзема)
Болалар экземаси ва шу билан боғлиқ ҳолатлар
Псориаз ва псориазга ўхшаш касалликлар
Қичима ва шунга ўхшаш ҳолатлар
Орқа чиқарув тешиги қичиши

Пруриго
Эшакеми
Ангионевротик шишиш
Суяк-мускул тизими ва бирлаштирувчи тўқималар касалликлари
Ревматоид артрит (бўғимлар фаолияти бузилишининг I ва II бос-
қичи)
Сурункали посттравматик артропатия
Остеоартроз ва улар билан боғлиқ бузилишлар
Дастлабки локализация
Травматик артропатия
Аллергик ринит
Артропатиянинг бошқа аниқланган шакллари
Спондилез ва улар билан боғлиқ ҳолатлар (фаолият бузилиши-
нинг ўртача ифодаланиши билан, оғриқ синдромининг устунлиги)
Умуртқалар ораси диски касалликлари (турли неврологик – то-
мирча синдромларининг пайдо бўлиши билан)
Бўйин соҳасининг бошқа касалликлари
Цервикалгия
Бўйин-чаноқ синдроми (орқа бўйин симпатик синдроми)
Бўйин-елка синдроми (диффуз)
Елка неврити ёки радикулит
Аниқ бўлмаган бўйин қийшайиши
Бошқа ва аниқ бўлмаган умуртқа поғонаси касалликлари
Умуртқа поғонасининг кўкрак бўғимидаги оғриқ
Люмбаго
Ишиас
Кўкрак ёки бел-думғаза неврити ёки радикулит
Нерв тизими шикастланишининг келгуси оқибатлари (ўртача ифо-
даланган, айниқса оғриқ синдромлари билан)
Нисбий кўрсатмалар.
Тиреотоксикоз буқоқ билан ёки буқоқсиз
Қандли диабет
Нейроэндокрин алмашув ва нейротрофик бузилишлар ифодалан-
маган гипоталамик синдромлар
Подагра
Энцефалит, миелит ва энцефаломиелит
Ўткир полиомиелит оқибатлари

Мускул дистрофиясининг зўрайиши
Титровчи фалаж (Паркинсон касаллиги)
Паришонхотирлик склерози
Болалар церебрал фалажи
Эпилепсия
Сирингомиелия
Тўр парда периферик дегенерацияси
Хориоретинит ўчоғи ва ретинохориоидит ўчоғи
Ўткир ва ўткирга ўхшаш иридоциклит
Сурункали иридоциклит
Кўзнинг рангдор пардаси ва киприк танаси томирларининг зарарланиши

Глаукома (бошланғич шакли, оғриқли синдром)
Отосклероз
Аниқ бўлмаган пароксимал тахикардия
Мия транзиторли ишемияси
Серебро-вакуляар касалликларнинг узоқ оқибатлари (фаолият бузилишининг ўртача ифодаланиши билан)
Ўт пуфаги ва ўт йўллари касалликларида оғриқ синдромлари
Сурункали панкреатит
Сийдик-таносил аъзолари касалликларида оғриқ синдромлари
Жарроҳлик амалиётида (клиникада) рефлексотерапияни қўллаш мумкинлиги ҳақида қўшимча маълумотлар:

1) рефлексотерапияни операциядан олдин тайёрлаш ва операциядан кейин умумий мустаҳкамловчи ўзига хос бўлмаган терапия усули сифатида киритиб, компоненти каби қўллаш;

2) замонавий комбинацияланган анестезия компоненти каби препаратларни қабул қила олмайдиган беморларда, анестезиологияда фойдаланилади.

Қарши кўрсатмалар

Хавфли ва хавфсиз ўсмаларда рефлексотерапия кўрсатмалари бўйича бошқа касалликларни даволаш учун ўтказилиши мумкин (кескин оғриқ синдромлари мавжудлигида оғриқсизлантирувчи таъсир усули сифатида).

1. Хавфли ва хавфсиз янги ўсмалар пайдо бўлиши.

2. Қон ва қон яратувчи аъзолар касалликлари: ирсий геморрагик камқонлик.

Қон ивишининг бузилиши.

Пурпура ва бошқа геморрагик ҳолатлар.

3. Ҳомиладорлик.

4. Ўткир инфекцион касалликлар ва ноаниқ этиологиянинг иситма кўтарилиши ҳолатлари.

5. Сурункали юқумли касалликларнинг зўрайиш босқичида (сил, бруцеллез ва б.).

6. Юрак, ўпка ва бошқа ички аъзолар касалликларининг декомпенсацияси.

7. Енгил қон кетишига мойил бўлган пневмосклероз.

8. Миокард инфаркти.

9. Фаол ревматизм.

10. Вена тромбозлари ва эмболия ўткир даврида.

11. Кескин озиш.

12. Жисмоний зўриқиш.

13. Қулоқ супрачасини совуқ олдириш ва яллиғланиш жараёнлари.

14. Таянч-ҳаракат аппаратининг ўткир яллиғланиш жараёнлари.

15. Марказий нерв тизимининг туғма нуқсони.

Назорат саволлари

1. Бронхиал астма хуружларини бартараф қилиш.

2. Бронхиал астмада қандай таъсир усули қўлланилади?

3. Стенокардияда таъсир усуллари ва нуқталар.

4. Жиғилдон қайнашини камайтириш учун тавсия қилинадиган нуқталар.

5. Умумий оғриққа қарши таъсирга эга нуқталар ва уларнинг топографиясини айтинг.

6. Бел-думғаза радикулитининг ўткир даврида қандай муолажалар мумкин эмас?

7. Юз нерви неврити ўткир давридаги уч асосий паллани санаб беринг.

8. Уч шохли нерв невралгиясида ИРТ қўллашнинг ўзига хослигини кўрсатинг.

9. Буйрак санчиғида тавсия этиладиган антиспастик ва оғриққа қарши нуқталар.

10. Ўткир циститларда таъсир усуллари.

КУЙДИРИШ УСУЛИНИНГ АСОСЛАРИ

Шарқ тиббиётида игна санчиш (чжень) билан бир қаторда, терининг маълум қисмига таъсир ўтказиш учун куйдириш (цзю) ҳам игна санчиш билан бир вақтда ёки кейин кенг қўлланилади. Шундан ҳам бу усулнинг анъанавий номланиши – чжень-цзю келиб чиққан, яъни игна санчиш ва куйдириш, терапиянинг яхлит усули сифатида кўриб чиқилган.

Эрмонли (куйдирувчи ўт) конус билан куйдириш.

Цзю усули учун қўлланиладиган эрмон (шувоқ) қуёшда қуритилади, кейин жунсимон момиқ (куйдирувчи ўт-пахта) ҳолатига келгунча эзилади, ундан гуруч донидан каптар тухумигача бўлган катталикда, яъни баландлиги 1 см ва диаметри (23-расм) 0,8 см бўлган конуслар ясалади.

Цзю ўтказишда конус маълум нуқта асосига ўрнатилади, унинг учи ёқилади, у қачон туташ асосга етганда бошқаси билан алмаштирилади. Конуслар ҳажми касаллик характериға боғлиқ, бир муолажа вақтида конуслар миқдори бирдан бир неча ўнтагача ўзгариб туради.


Эрмонли конус билан куйдиришнинг қуйидаги вариантлари қўлланилган: а) бевосита терини куйдириш, б) туз, саримсоқ ёки занжабилдан қистирма билан куйдириш. Муолажа давомийлиги – терида пуфакчалар ҳосил бўлгунча.

Қадимда жиддий таркибда пуфакчалар ҳосил бўлиши, ютуқлар гарови бўлиб ҳисобланган, уларнинг мавжуд бўлмаслигида эса самара бўлмаган.

Бироқ ҳозирги вақтда бу усул кам қўлланилади. Илгари бўлган эрмонли (куйдирувчи ўт) конуслар ўрнига эрмон сигаретлари қўллана бошланди, бугун улар даволаш амалиётида кенг қўлланилмоқда.

Эрмон сигаретаси билан куйдириш

Эрмон сигаретаси папирос қоғозидан тайёрланган, диаметри 1-2 см ва узунлиги 20 см (23-расм), майдаланган жунсимон эрмон билан зич тўлдирилган найча кўринишига эга.



23-расм. Куйдирувчи ўт – конус ва куйдирувчи ўт – сигарет

Куйдириш техникаси оддий. Куйдириладиган нуқталар локализациясига боғлиқ бўлган иккита таъсир усули фарқланади. Биринчи усулда эрмон сигаретасини қаламни ёзиш учун ушлаган каби учта бармоқ билан (I, II ва III) ушланади. Сигаретали қўл V бармоқ орқа юзаси куйдириладиган нуқта яқинига ёки кафтнинг ташқи чеккасига таянади. Бу усул кўкрак, қорин ва ҳоказо, яъни қаерда катта бўш юза бўлса шу жойда қўлланилади.

Иккинчи усулда эрмон сигаретасини I ва II бармоқ билан ушлаш, сигаретали қўл, V ёки IV қўл панжаси бармоғига таянади. Хулоса қилиб айтганда, бу усул катта бўлмаган юза (чаккада, бўйинда) нервларга таъсир ўтказишда қўлланилади.

Куйдириш иккита таъсир усули билан ўтказилади: таъсирлантирувчи ва тормозлаш. Эрмонли – сигарет билан куйдириш чўқиш, силаш, илитиш кўринишида амалга оширилади. Таъсирлантирувчи усул учун 1-6 дақиқа давомида таъсир ўтказиш билан цзю чўқиш ҳаракати қўлланилади. Бу усул, қачон алоҳида аъзолар ёки организм тизимига, уларнинг фаолияти пасайганда, масалан, болаларда полиомиелитдан кейин шалвираган фалажларда таъсирлантирувчи таъсир ўтказиш лозим бўлганда қўлланилади.

Тормозлаш таъсирида силаш ёки узлуксиз илитиш цзю 10 дан 20 гача дақиқа ва ундан ортиқ вақт давомида ўтказилади. Бу усул одатда мускуллар қувватининг ошиши, спазмлар, нейродерматит, экзема ва бошқаларда қўлланилади.


Эрмонли сигарет усулининг катта афзаллиги, унинг шифокор томонидан кўрсатилган услубияти бўйича, беморларнинг ўзи ёки уларнинг яқинлари томонидан уй шароитида ҳам ўтказишлари мумкинлигидир. Бу айниқса, узоқ даволашни талаб қиладиган сурункали касалликларда катта аҳамиятга эга.

Игна орқали куйдириш

Куйдириш билан даволаш мустақил қўлланиладек, игна санчиш билан бирга ҳам олиб борилади. Кўрсатмаларга қараб (контрактуралар, мускуллар тонусининг юқорилиги, ичакнинг спастик ҳолати ва б.) таъсир турлича ўтказилиши мумкин: иситиш кейин игна санчиш билан ёки уларни бир вақтда, эрмонли сигаретнинг тутаётган учи билан тўқимага киритилган игнага ёки игна дастасига эрмон бойлами бириктирилган «иссиқ игна» (24-расм) йўли билан таъсир ўтказиш. Кул тушиб, куйиш мумкинлигининг олдини олиш учун игна тагига картон бўлагини ўртасигача кесиб қўйиш тавсия этилади. Бу усул билан каналларни иситишга, қон юриши тезлашишига эришилади. У асосан совуқ ва зах орқали келиб чиққан бўғимлардаги оғриқ, қўл-оёқ қотиб қолиши ва фалажларда қўлланилади.

Куйдиришни қўллаш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.

Куйдиришни қўллаш учун кўрсатмалар игна санчишдек бўдгани каби асосан аввалгидек, бироқ Шарқ муаллифларининг қатор маъ-



24-расм. Игналарни қиздириш усуллари

лумотлари бўйича ушбу усулни педиатрия ва ҳолдан тойган беморларда қўллаш игна санчиш олдида баъзи афзалликларга эга.

Қадимги тиббиётга оид китобларда кўрсатилишича, куйдириш (цзю – терапия, куйдирувчи ўт – терапия) ҳатто игна санчиш ва дори кучсиз бўлганда ҳам (масалан, агар инсон узоқ вақт совқотса, агар беморда қайт қилиш ва ич кетиши, шунингдек ян – қувватнинг йўқолиб бориши хавфи бўлса, ҳатто ўшанда ҳам) таъсир кўрсата олади.

Умумий мумкин бўлмаган кўрсатмаларга меъёрдан ошиш ва ҳаракат синдромларини киритиш лозим. Куйдиришни қон туфлаш билан кечадиган ўпка касалликлари, тана ҳароратининг юқорилиги, патологик поллюциялар ва бошқаларда қўллаш мумкин эмас. Куйдириш юз, юрак соҳаси, қорин ости соҳаси, жинсий аъзоларда, ҳомиладор аёлларда қорин ва бел соҳасида ман этилади.

Назорат саволлари

1. Цзю – терапия учун конус ва сигареталар нимадан тайёрланади?
2. Куйдириш ўтказиш техникаси.
3. Куйдириш таъсири усуллари.
4. Игналарни қиздириш йўллари.
5. Куйдиришнинг уч асосий усулини санаб ўтинг.

ХАЛҚ ТИББИЁТИНИНГ ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАРИ

Халқлар тарихи қанчадан бери мавжуд бўлса, халқ воситалари ҳам шундан буён мавжуд ва жуда хилма-хилдир. Ўсимликларни даволаш мақсадида қўллаш ҳақидаги дастлабки маълумотлар бизнинг эрамизгача VI минг йилликларга тегишлидир. Шифобахш ўсимликларни қўллашда Шарқ халқ табиблари анчагина ютуқларга эришганлар. Тиббиёт санъатининг ривожланишида Абу Али ибн Синонинг (980-1037) «Тиб қонунлари» асари алоҳида ўрин тутди. Ушбу асар кўп асрлар давомида Шарқда бўлгани каби Фарбда ҳам тиббий билимларнинг асосий манбаи бўлди. Ибн Сино «Тиб қонунлари»да 811 оддий, шулардан 612 таси ўсимликлардан тайёрланган дориларнинг даволовчи хусусиятлари ва уларни қўллаш учун кўрсатмалар ҳақидаги маълумотларни акс эттирган.

Ҳозирги вақтда замонавий тиббиётда қўлланилаётган, катта миқдордаги синтетик препаратларга қарамай, шифобахш ўсимликлар билан даволаш, Шарқ мамлакатларидаги каби Европада ҳам кенг қўлланилмоқда. Ўсимликлардан тайёрланган воситаларни муваффақиятли қўллаш, уларнинг юқори биологик фаоллиги, организмга кам зарарли бўлиши билан изоҳланади. Бунинг устига ўсимликлардан тайёрланган препаратларнинг нархи синтетик препаратлардан пастроқ. Ушбу бобни ёзишда кўплаб мамлакатларнинг, шу билан бир қаторда доривор ўсимликларни ўстириш технологияси ва шифобахш ўсимликлардан дори тайёрлаш технологиясининг юксак илмий потенциалига эга бўлган ўзимизнинг халқ тиббиёти тажрибасидан фойдаланилади. Биз эса даволаш ва профилактика, доривор ўсимликлар тўплами таркиби, тайёрлаш усуллари ва қўллаш учун кўрсатмаларни келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Халқ тиббиётида қўлланивчи шифобахш ўсимликлар тўплами

Шифобахш ўсимлик ва тўпламлардан дамлама ва қайнатмалар қуйидагича тайёрланади: 10 г (1-2 ош қошиқ) маҳсулот сирланган идишга солинади, 200 мл иссиқ қайнатилган сув қуйилади ва сув ҳам-

момида иситилади. Дамлама – 15 дақиқа, қайнатма – 30 дақиқа давомида совутилади ва сузилади. Олинган дамлама ҳажми қайнатилган сув билан 200 мл гача етказилади. Доривор аралашма қайнамаслиги лозим, дамлама ва қайнатма 1-2 кунга тайёрланади. Агар илиқ ичиш керак бўлса, иситилмайди, балки иссиқ сув қўшилади.

Ингаляция аралашмалари тайёр қайнатмалар ёки дамламалар, уларни кейинчалик зарур концентрациягача одатда 1:2 ёки 1:3 қайнаган сув билан аралаштириш асосида тайёрланади.

Ҳўллаб қўйиш, чайқаш, маҳаллий ванначалар учун эритмалар анологик усуллар билан тайёрланади.

Даволовчи ванналарни тайёрлаш учун ваннага 1-2 литр ҳисобида дамлама ва қайнатмалар ишлатилади.

Кўпгина сурункали касалликларда даволаш курси 25-35 кунни ташкил қилади. Такрорий курслар 10-15 кунлик танаффусдан кейин, лекин асосий даволаш курсидан сўнг иккитадан кўп бўлмаган курс белгиланади. Алоҳида ҳолатларда самарадорлик пасайишидан қочиш ёки ўрганиб қолишнинг олдини олиш учун, такрорий даволаш курсида тўпلام таркибини ўзгартириш ва анологик терапевтик фаолликка эга бўлган шифобахш ўсимликларни белгилаш тавсия этилади.

Нафас олиш аъзолари касалликларида:

1. Доривор гулхайри (илдизи) – 20 г. Қизилмия (илдизи) – 20 г. Оддий Арпабодиён (мевалари) – 20 г. Доривор Маврак (барглари) – 20 г. Оддий Қарағай (куртаклари) – 20 г.

Нафас олиш аъзолари касалликларида кунига 3-4 марта 1/4 стакан дамлама қабул қилинади.

2. Доривор гулхайри (илдизи) – 40 г. Қизилмия (илдизи) – 40 г. Оддий оқ зира (мевалари) – 20 г.

Нафас олиш аъзолари касалликларида ҳар 4 соатдан кейин 1/4 стакан дамлама қабул қилинади.

3. Доривор гулхайри (илдизи) – 40 г. Кўка (барглари) – 40 г. Оддий тоғрайҳон (ўти) – 20 г.

Нафас олиш аъзолари касалликларида кунига 3-4 марта 1/2 стакан илиқ дамлама кўринишида қабул қилинади.

4. Зубтурум (барглари) – 30 г. Қизилмия (илдизи) – 40 г. Кўка (барглари) – 40 г.

Нафас олиш аъзолари касалликларида дамлама ҳар 4 соатдан кейин 1/2 стакандан қабул қилинади.

5. Доривор гулхайри (илдизи) – 40 г. Қизилмия (илдизи) – 30 г. Қора Андиз (илдизи) – 30 г.

Нафас олиш аъзолари касалликларида дамлама ҳар 3 соатдан кейин 1/4 стакандан қабул қилинади.

6. Оддий Арпабодиён (илдизи) – 20 г. Доривор гулхайри (илдизи) – 40 г. Қизилмия (илдизи) – 40 г.

Нафас олиш аъзолари касалликларида дамлама ҳар 3 соатдан кейин 1/4 стакандан қабул қилинади.

7. Доривор Маврак (барглари) – 20 г. Оддий Арпабодиён (мевалари) – 20 г. Қарағай (куртаклари) – 20 г. Доривор гулхайри (илдизи) – 20 г. Қизилмия (илдизи) – 20 г.

Нафас олиш аъзолари касалликларида дамлама кунига 3-4 марта 1/3 стакандан қабул қилинади.

8. Кўка (барглари) – 25 г. Арпабодиён (мевалари) – 25 г. Доривор гулхайри (илдизи) – 40 г.

Нафас олиш аъзолари касалликларида дамлама кунига 3 марта овқатдан кейин 1/2 стакандан қабул қилинади.

Трахеобронхит, сурункали бронхит, ўткир, қуруқ бронхит ва бронхо-спазмда:

1. Кўка (барглари) – 10 г, зубтурум (барглари) – 20 г, қирқбўғим (ўти) – 30 г, наврўзгул (гуллари) – 40 г.

Йўтал, трахеобронхит, сурункали бронхит, ўткир, қуруқ бронхитда 1/3 – 1/4 стакандан дамлама ёки қайнатма илиқ ҳолда қабул қилинади.

2. Кўка (барглари) – 20 г, зубтурум (барглари) – 30 г, қизилмия (илдизи) – 30 г, капалакгул (ўти) – 20 г.

Йўтал, трахеобронхит, сурункали бронхит, ўткир бронхитда кунига 3 марта овқатдан олдин 1/3 – 1/4 стакандан илиқ дамлама қабул қилинади.

3. Ботқоқ ледуми (ўти) – 10 г, кўка (барглари) – 10 г, гунафша (ўти) – 10 г, зубтурум (барглари) – 10 г, мойчечак (гуллари) – 10 г, наврўзгул (ўти ва илдизи) – 10 г, арпабодиён (мевалари) – 10 г, доривор гулхайри (илдизи) – 20 г, қизилмия (илдизи) – 10 г.

Қуруқ бронхитларда кунига 3 марта 1/3 стакандан дамлама ёки қайнатма кўринишида овқатдан кейин қабул қилинади.

4. Доривор гулхайри (илдизи) – 40 г, қизилмия (илдизи) – 25 г, кўка (барглари) – 20 г, оддий фенхел (меваллари) – 15 г.

Ўткир ва сурункали бронхит, ўпка эмфиземаси, зотилжамда кунига 3-5 марта илиқ дамлама ёки қайнатма кўринишида 1/3 – 1/4 стакандан қабул қилинади.

5. Доривор қашқарбеда (ўти) – 5 г, оддий жамбил (ўти) – 10 г, оддий фенхел (мевалари) – 10 г, қалампир ялпиз (барглари) – 10 г, зубтурум (барглари) – 15 г, қизилмия (илдизи) – 15 г, кўка (барглари) – 20 г.

Йўтал, трахеобронхит, сурункали бронхит, ўткир, қуруқ бронхитда кунига илиқ 1 литр қайнатма ёки дамлама кўринишида 1/3 – 1/4 стакандан қабул қилинади.

6. Қора андиз (илдизи) – 10 г, арпабодиён (мевалари) – 10 г, қарағай (куртаклари) – 15 г, тирноқгул (гуллари) – 10 г, доривор маврак (барглари) – 10 г, қалампир ялпиз (ўти) – 10 г, кўка (ўти) – 10 г, капалакгул (ўти) – 10 г, ёғочсимон эвкалипт (барги) – 15 г.

Нам бронхитда 2 литр дамлама ёки қайнатма кўринишида 1/3 – 1/4 стакандан кунига 3 марта овқатдан кейин қабул қилинади.

7. Доривор маврак (ўти) – 20 г, оддий жамбил (ўти) – 15 г, дорихона мойчечаги (гуллари) – 15 г, зангори полемониум (илдизи) – 15 г, арпабодиён (мевалари) – 15 г, кўка (барглари) – 10 г, доривор тирноқгул (гуллари) – 10 г.

Бронхитда кунига 3-4 марта овқатдан кейин 1/3 – 1/4 стакандан 1 литр дамлама кўринишида қабул қилинади.

8. Қизилмия (илдизи) – 15 г, зангори полемониум (илдизи) – 15 г, дорихона мойчечаги (гуллари) – 20 г, доривор валериана (илдизи) – 10 г, арслонқуйруқ (ўти) – 10 г, қалампир ялпиз (ўти) – 20 г, тешик далачай (ўти) – 10 г.

Бронхоспазмда кунига 3-5 марта 1 дамлама кўринишида 1/3 – 1/4 стакандан 3-5 марта овқатдан кейин қабул қилинади.

Бронхиал астма, кўкйўтал, сурункали зотилжамда:

1. Оддий арпабодиён (мевалари) – 30 г, оддий фенхел (мевалари) – 30 г, зиғир уруғи – 20 г, оддий жамбил (ўти) – 20 г.

Бронхиал астма, кўкйўтал, бронхларнинг юқумли касалликларида 1 литр илиқ дамлама кўринишида кунига 3 марта 1/3 – 1/4 стакандан қабул қилинади.

2. Ботқоқ ледуми (ўти) – 10 г, кўка (барглари) – 10 г, капалакгул (ўти) – 10 г, дорихона мойчечаги – 10 г, доривор тирноқгул (гуллари) – 10 г, текис қизилмия (илдизи) – 10 г, қора андиз (гуллари) – 10 г, оддий арпабодиён (мевалари) – 10 г, қалампир ялпиз (ўти) – 10 г, зубтурум (барглари) – 10 г.

Бронхиал астма, астмасимон бронхитларда кунига 3 марта овқатдан кейин 1/3 – 1/4 стакандан дамлама кўринишида қабул қилинади.

3. Қизилмия (илдизи) – 10 г, уч бўлакли қорақиз (ўти) – 10 г, манҷур аралаяси (илдизи) – 10 г, дала қирқбўғими (ўти) – 10 г, долчин рангли наъматак (мевалари) – 10 г, бўзноч (гуллари) – 10 г, қора андиз (илдизи) – 10 г, кулранг олха (тўп меваси) – 10 г, доривор қоқиўт (илдизи) – 10 г, қариқиз (илдизи) – 10 г.

Десенсибилизацияловчи восита сифатида кунига 3 марта овқатдан кейин дамлама кўринишида 1/3 – 1/4 стакандан қабул қилинади.

4. Оддий жамбил (ўти) – 20 г, кўка (ўти) – 20 г, капалакгул (ўти) – 20 г, қора андиз (илдизи) – 20 г, оддий арпабодиён (мевалари) – 20 г.

Бронхиал астма, бронхлар юқумли касалликларида кунига 3 марта илиқ дамлама кўринишида 1/3 – 1/4 стакандан қабул қилинади.

5. Оддий арпабодиён (мевалари) – 20 г, оддий фенхел (мевалари) – 20 г, оддий жамбил (ўти) – 20 г, қизилмия (илдизи) – 20 г, оддий қарағай (куртаклари) – 20 г.

Бронхиал астма, кўкйўтал, бронхлар юқумли касалликларида кунига 3 марта дамлама кўринишида 1/3 – 1/4 стакандан қабул қилинади.

6. Доривор гуллайри (илдизи) – 50 г, оддий жамбил (ўти) – 50 г.

Бронхиал астма, кўкйўтал, бронхлар юқумли касалликларида кунига 3 марта дамлама кўринишида 1/3 – 1/4 стакандан қабул қилинади.

7. Оддий қарағай (куртаклари) – 40 г, зубтурум (барглари) – 30 г, кўка (барглари) – 30 г.

Бронхиал астма, кўкйўтал, бронхлар юқумли касалликларида кунига 3 марта илиқ дамлама кўринишида 1/3 – 1/4 стакандан қабул қилинади.

8. Қора андиз (илдизи) – 10 г, оддий арпабодиён (мевалари) – 10 г, қарағай куртаклари – 10 г, тирноқгул (гуллари) – 10 г, доривор маврак (барглари) – 10 г, кўка (барглари) – 10 г, тешик далачой (ўти) –

10 г, зубтурум (барглари) – 10 г, қалампир ялпиз (ўти) – 10 г, таёқсимон эвкалипт (барглари) – 10 г.

Сурункали зотилжам, бронхоэктатик касалликларида кунига 3 марта овқатдан кейин 1/3 – 1/4 стакандан дамлама қабул қилинади.

Юрак-томир касалликларида:

1. Доривор валериана (илдизи) – 25 г, арслонқуйруқ (ўти) – 25 г, оддий қора зира (мевалари) – 25 г, оддий фенхел (мевалари) – 25 г,

Асабийлик ва юрак урушининг тезлашишида кунига 3 марта 1/2 стакандан қабул қилинади.

2. Манчжур аралияси (илдизи) – 15 г, махсарсимон левзея (илдизи) – 15 г, қизил дўлана (мевалари) – 15 г, долчин рангли наъматак (мевалари) – 15 г, доривор тирноқгул (гуллари) – 10 г, уч бўлакли қорақиз (ўти) – 10 г, қора мевали четан (мевалари) – 10 г, зубтурум (барглари) – 10 г.

Қувват берувчи ва иммуностимулловчи восита сифатида кунига 3 марта 1/3 – 1/4 стакандан дамлама қабул қилинади.

3. Қалампир ялпиз (барглари) – 30 г, арслонқуйруқ (ўти) – 30 г, доривор валериана (илдизи) – 20 г, оддий отқулоқ (ғуддалари) – 20 г.

Асабийлик таъсирчанлик, уйқусизликда кунига 3 марта 1/2 стакандан 1 дамлама қабул қилинади.

4. Пушти родиола (илдизи) – 20 г, баланд бўйли эхинопанакс – 20 г, долчин рангли наъматак (мевалари) – 20 г, икки уйли газанда (ўти) – 20 г, қизил дўлана (мевалари) – 15 г, тешик далачой (ўти) – 10 г.

Қувват оширувчи ва иммунорезистент воситаларини кўтарувчи сифатида кунига 2-3 марта 1/3 – 1/2 стакандан дамлама қабул қилинади.

5. Доривор валериана (илдизи) – 30 г, қалампир ялпиз (барглари) – 30 г, уч баргли мени антес (барглари) – 40 г.

Асабийлик ва таъсирчанликда кунига 2 марта 1/2 стакандан дамлама қабул қилинади.

6. Дала қирқбўғими (ўти) – 20 г, қуш торон (ўти) – 30 г, қизил дўлана (гуллари) – 50 г.

Юракнинг тез-тез уриши, таъсирчанлик, уйқусизликда кунига 3-4 марта 1/4 стакандан дамлама қабул қилинади.

7. Доривор валериана (илдизи) – 30 г, арслонқуйруқ (барглари) – 30 г, оддий бўймодорон (ўти) – 20 г, оддий арпабодиён (мевалари) – 20 г.

Юрак оғриқларида кунига 2-3 марта дамлама кўринишида $1/3 - 1/4$ стакандан қабул қилинади.

8. Қора маржондарахт (гуллари) – 25 г, дорихона мойчечаги (гуллари) – 25 г, юраксимон жўка (гуллари) – 25 г, қалампир ялпиз (ўти) – 25 г.

Сийдик ва тер ҳайдовчи восита сифатида кунига 2-3 марта қайноқ дамлама кўринишида 1 стакандан қабул қилинади.

9. Долчин рангли наъматак (мевалари) – 54 г, оддий брусника (мевалари) – 15 г, икки уйли газанда (барглари) – 40 г.

Дармон дори воситаси сифатида кунига 1-3 марта $1/2$ стакандан дамлама қабул қилинади.

10. Долчин рангли наъматак (мевалари) – 30 г, қорақат (мевалари) – 10 г, икки уйли газанда (барглари) – 30 г, сабзи (илдизи) – 30 г.

Дармон дори воситаси сифатида кунига 3 марта $1/2$ стакандан дамлама қабул қилинади.

11. Қалампир ялпиз (барглари) – 20 г, эрмон (ўти) – 20 г, оддий фенхел (мевалари) – 20 г, юраксимон жўка (гуллари) – 20 г, олхасимон франгула (пўтслоғи) – 20 г.

Климактрик неврозда эрталаб ва кечқурун 1 стакандан дамлама қабул қилинади.

12. Ҳозпанжа (ўти) – 25 г, катта қончўп (ўти) – 25 г, оддий бўймордон (ўти) – 25 г, мойчечак (гуллари) – 25 г.

Климактрик неврозда кунига $1/2 - 1/3$ стакандан катта бўлмаган ҳўшпамда қабул қилинади.

13. Марваридгул (гуллари) – 10 г, оддий фенхел (мевалари) – 20 г, қалампир ялпиз (барглари) – 30 г, доривор валериана (илдизи) – 40 г.

Миокардитда дамлама кўринишида кун давомида 3 марта $1/3 - 1/4$ стакандан қабул қилинади.

14. Доривор валериана (илдизи) – 20 г, дорихона мойчечаги (гуллари) – 30 г, қора зира (мевалари) – 50 г.

Асабийлик, таъсирчанлик, уйқусизликда кунига 2 марта $1/2$ стакандан дамлама қабул қилинади.

15. Дорихона мойчечаги (гуллари) – 20 г, қалампир ялпиз (барглари) – 20 г, оддий фенхел (мевалари) – 20 г, доривор валериана (илдизи) – 20 г, оддий қора зира (мевалари) – 20 г.

Уйқусизликда эрталаб 1-2 стакан, кечқурун 1 стакандан қайнатма кўринишида қабул қилинади.

16. Оддий қоразира (мевалари) – 20 г, кичик бўригул (барглари) – 10 г, доривор валериана (илдизи) – 20 г, қизил дўлана (гуллари) – 20 г, оқ вискум (ўти) – 30 г.

Гипертония тури бўйича нейросиркуляр дистонияда кун давомида бир неча марта $1/3 - 1/4$ стакандан дамлама қабул қилинади.

Атеросклерозда:

1. Наъматак (мевалари) – 15 г, ботқоқ гнафалиуми (ўти) – 10 г, оқ қайин (барглари) – 10 г, қалампир ялпиз (ўти) – 10 г, сабзи (мевалари) – 10 г, тиканли элеутерококк (илдизи) – 15 г, ўткир баргли сано (мевалари ва барглари) – 10 г, ер чой (ўти) – 10 г, қариқиз (илдизи) – 10 г.

Атеросклерозда кунига 3 марта $1/3 - 1/2$ стакандан дамлама кўринишида қабул қилинади.

2. Денгиз карами – 10 г, қизил дўлана (мевалари) – 15 г, қора мевали четан (мевалари) – 15 г, брусника (барглари) – 10 г, мойчечак (гуллари) – 10 г, маккажўхори пояси попути билан – 10 г, синувчи франгула (пўстлоғи) – 10 г.

Атеросклерозда кунига 3 марта овқатдан кейин $1/3 - 1/4$ стакандан қабул қилинади.

Гипертония касаллигида:

1. Байкал шлемниги (илдизи) – 20 г, оддий арслонқуйруқ (ўти) – 15 г, қалампир ялпиз (ўти) – 10 г, ботқоқ гнафалиуми (ўти) – 15 г, наъматак (мевалари) – 15 г, ерчой (ўти) – 15 г, мойчечак (гуллари) – 10 г.

Гипертония касаллигининг I ва II босқичида кунига 3 марта $1/3 - 1/4$ стакандан дамлама кўринишида қабул қилинади.

2. Қора мевали четан (мевалари) – 15 г, сабзи (мевалари) – 10 г, оддий оқ зира (мевалари) – 10 г, доривор валериана (илдизи) – 15 г, дала қирқбўғими (ўти) – 10 г, зангори бўтакўз (гуллари) – 10 г, қизил дўлана (мевалари) – 15 г, байкал шлемниги (илдизи) – 15 г.

Гипертония касаллигининг I ва II босқичларида кунига 3 марта $1/4 - 1/3$ стакандан дамлама кўринишида қабул қилинади.

Тинчлантирувчи тўшамлар:

1. Қалампир ялпиз (барглари) – 20 г, уч баргли мени – антес (барглари) – 20 г, доривор валериана (илдизи) – 10 г, қулмоқ (қубба меваси) – 10 г.

Қабул қилиш усули: 2 ош қошиқ тўплам 2 стакан қайнаб турган сувда дамланади, 20 дақиқа совутилиб, докадан ўтказилади ва асабийлик, таъсирчанлик ҳолатларида кунига 2 марта эрталаб ва ётишда 1/2 стакандан қабул қилинади.

2. Валериана (илдизи) – 10 г, қалампир ялпиз (барглари) – 20 г, трипастик (барглари) – 20 г, қулмоқ (қубба меваси) – 10 г.

1 ош қошиқ аралашмага 2 стакан қайнаб турган сув қуйилади, 30 дақиқа тиндирилади, сузилади ва кунига 2 марта 1/2 стакандан қабул қилинади тинчлантирувчи чой сифатида ҳам ичилади.

12 бармоқли ичак яра касалликлари, гастрит, ичак санчилиги, юқори кислоталикда:

1. Зубтурум (барглари) – 20 г, қалампир ялпиз – (ўти) – 10 г, тешик далачай (ўти) – 10 г, мойчечак (гуллари) – 10 г, доривор тирноқгул (гуллари) – 10 г, қоқиўт (илдизи) – 10 г, доривор маврак (ўти) – 10 г, ботқоқ игири (илдизи) – 10 г, уч баргли мени – антес (барглари) – 10 г.

Сурункали гипацид ва анацид гастритларда кунига 3 марта овқатдан 30 дақиқа олдин 1/3 – 1/2 стакандан қабул қилинади.

2. Мойчечак (гуллари) – 20 г, доривор тирноқгул (гуллари) – 20 г, зубтурум (барглари) – 10 г, бўймодорон (ўти) – 20 г, уч бўлакли қорақиз (ўти) – 20 г.

Ўткир гастритларда ошқозонни дезинфекция қилувчи эритмалар билан ювиш қаторида 1/2 – 1/3 стакандан дамлама қабул қилинади.

3. Доривор гулхайри (илдизи) – 10 г, қизилмия (илдизи) – 10 г, кулранг олха (ғудда меваси) – 10 г, доривор тирноқгул (гуллари) – 10 г, бўймодорон (ўти) – 10 г, ботқоқ гнафалиуми (ўти) – 10 г, баланд бўйли қора андиз (илдизи) – 10 г, мойчечак (гуллари) – 10 г, черника (гуллари) – 10 г.

Нормал ва гиперсекрецияли ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касалликларида кунига 3 марта овқатдан 30 дақиқа олдин 1/2 – 1/3 стакандан қабул қилинади.

4. Зубтурум (барги) – 10 г, эрмон (ўти) – 10 г, қалампир ялпиз (ўти) – 10 г, мойчечак (гуллари) – 10 г, доривор тирноқгул (гуллари) – 10 г, тешик далачай (ўти) – 10 г, оддий игир (илдизи) – 10 г, доривор маврак (ўти) – 10 г, қоқиўт (илдизи) – 10 г, манчжур аралияси (илдизи) – 10 г.

Ошқозон секрецияси пасайиши билан ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касалликларида кунига 3 марта овқатдан 30 дақиқа олдин 1 дамлама 1/3 – 1/2 стакандан қабул қилинади.

5. Доривор гулхайри (илдизи) – 10 г, мойчечак (гуллари) – 10 г, доривор тирноқгул (гуллари) – 10 г, қизилмия (илдизи) – 10 г, тешик далачай (ўти) – 10 г, қумлоқ бўзночи (гуллари) – 10 г, оддий бўймордон (ўти) – 10 г, оддий эман (пўстлоғи) – 10 г, арслонқуйруқ (ўти) – 10 г, ботқоқ гнафалиуми (ўти) – 30 г.

Нормал ёки гиперсекрециялар ва сурункали гастритларда кунига 3 марта овқатдан 30 дақиқа олдин 1/3 – 1/2 стакандан дамлама қабул қилинади.

6. Катта қончўп (ўти) – 10 г, оддий бўймордон (ўти) – 30 г, мойчечак (гуллари) – 30 г, далачай (ўти) – 30 г.

Ошқозон шираси кислоталиги юқори бўлганда кунига 3 марта овқатдан 30 дақиқа олдин 2/3 стакандан дамлама қабул қилинади.

7. Ботқоқ игири (илдиз пояси) – 20 г, уч баргли мени андиз (барглари) – 20 г, кичик тиллабош (ўти) – 20 г, апельсин пўтлоғи – 20 г, эрмон (ўти) – 20 г.

Ахилик гастритда кунига 3 марта 1/2 - 1/3 стакандан қайнатма қабул қилинади.

8. Доривор валериана (илдизи) – 5 г, ботқоқ игири (илдизпояси) – 10 г, уч баргли мени – андиз (ўти) – 10 г, кичик тиллабош (ўти) – 10 г, оддий қора зира (мевалари) – 10 г, арпабодиён (барглари) – 15 г, бўймордон (ўти) – 20 г.

Гастритлар, яра касалликларида овқатдан 1/2 соат олдин – 2 қайнатма 1/3 - 1/2 стакандан бир қабул учун иссиқ шаклда ичилади.

9. Юраксимон жўка (гуллари) – 10 г, зиғир уруғи – 20 г, қизилмия (илдизи) – 20 г, ботқоқ игири (илдизпояси) – 20 г, ялпиз (барглари) – 10 г, оддий фенхел – 20 г.

Ошқозон шираси кислоталиги юқори бўлганда кунига 3 марта овқатдан 30 дақиқа олдин 2/3 – 3/4 стакандан қайнатма қабул қилинади.

10. Оддий фенхел (мевалари) – 25 г, доривор гулхайри (илдизи) – 25 г, мойчечак (гуллари) – 25 г, қизилмия (илдизи) – 25 г.

Сурункали гастритда кунига 3 марта овқатдан 30 дақиқа олдин 1/2 – 1/3 стакандан қайнатма қабул қилинади.

11. Катта қончўп (ўти) – 10 г, доривор гулхайри (илдизи) – 30 г, қизилмия (илдизи) – 30 г, доривор окопник (илдизи) – 30 г.

Ошқозон ва ўн икки бармоқ яра касалликларида овқатдан олдин кунига 3 марта 2/3 – 3/4 стакандан қайнатма қабул қилинади.

12. Уч баргли мени – антес (барглари) – 20 г, оддий фенхел (мевалари) – 20 г, қалампир ялпиз (ўти) – 20 г, бўймодорон (ўти) – 20 г, кичик тиллабош (ўти) – 20 г.

Гиперацид ҳолатларда овқатдан 30 дақиқа олдин 1/2 стакандан қайнатма қабул қилинади.

13. Оддий фенхел (мевалари) – 30 г, мойчечак (гуллари) – 30 г, юраксимон жўка (гуллари) – 40 г.

Ошқозон ва ўн икки бармоқ яра касалликларида овқатдан олдин кунига 2-3 марта 1/2 – 2/3 стакандан 2 дамлама қабул қилинади.

14. Кичик тиллабош (ўти) – 20 г, қалампир ялпиз (барглари) – 80 г.

Гастритда овқатдан 30 дақиқа олдин кунига 3 марта 1/2 – 2/3 стакандан қабул қилинади.

15. Ботқоқ игири (мевалари) – 20 г, оддий фенхел (мевалари) – 20 г, қора зира (мевалари) – 20 г, қалампир ялпиз (барглари) – 40 г.

Ошқозон спазмлари ва метеоризмда кунига 3 марта овқатдан 30 дақиқа олдин 1/3 – 1/4 стакандан ҳўплаб ичилади.

16. Доривор зангвизорда (илдизи) – 10 г, шумурт (мевалари) – 10 г, кулранг олха (тўпмеваси) – 10 г, қалампир ялпиз (ўти) – 10 г, қора зира (мевалари) – 10 г, оддий фенхел (мевалари) – 10 г, қизилмия (илдизи) – 10 г, ерқўноқ (илдиз пояси) – 10 г, мойчечак (гуллари) – 10 г, тешик далачай (ўти) – 10 г.

Сурункали энтеритларда кунига 3-4 марта овқатдан 10 дақиқа олдин 1/3 – 1/2 стакандан дамлама қабул қилинади.

17. Мойчечак (гуллари) – 10 г, оддий фенхел (мевалари) – 10 г, қора зира (мевалари) – 10 г, кулранг олха (тўпмеваси) – 10 г, қалампир ялпиз (ўти) – 10 г, доривор гулхайри (илдизи) – 10 г, тешик далачай (ўти) – 10 г, зубтурум (барги) – 10 г, қумлоқ бўзночи (гуллари) – 10 г, ўткир баргли сано (барглари ва мевалари) – 10 г.

Сурункали спастик колитларда кунига 3 марта овқатдан олдин 1/3 – 1/2 стакандан дамлама қабул қилинади.

18. Ботқоқ гнафалиуми (ўти) – 10 г, доривор тирноқгул (гуллари) – 10 г, мойчечак (гуллари) – 10 г, тешик далачай (ўти) – 10 г, кулранг олха (тўпмеваси) – 10 г, қалампир ялпиз (ўти) – 10 г, зубтурум (барги) – 10 г, доривор гулхайри (илдизи) – 10 г, бўймодорон (ўти) – 10 г, қора зира (мевалари) – 10 г.

Сурункали ўзига хос бўлмаган ярали колитларда кунига 3 марта овқатдан олдин 1/3 – 1/2 стакандан дамлама қабул қилинади.

19. Оддий фенхел (мевалари) – 15 г, ботқоқ игири (илдизпояси) – 15 г, доривор валериана (илдизи) – 20 г, қалампир ялпиз (барглари) – 20 г, мойчечак (гуллари) – 30 г.

Метеоризм ва ичак спазмларида кунига 3 марта овқатдан кейин илиқ кўринишида 1 дамлама 1/2 – 3/4 стакандан қабул қилинади.

20. Арча (мевалари) – 10 г, оддий фенхел (мевалари) – 20 г, қора зира (мевалари) – 20 г, мойчечак (гуллари) – 25 г, қалампир ялпиз (барглари) – 25 г.

Ичак спастик ҳолатларида кунига 2 марта овқатдан кейин эрталаб ва кечқурун илиқ кўринишда 1/2 – 3/4 стакандан дамлама қабул қилинади.

21. Доривор валериана (илдизи) – 10 г, оддий фенхел (мевалари) – 10 г, қалампир ялпиз (барглари) – 25 г, мойчечак (гуллари) – 60 г.

Ичак спастик ҳолатларида ва ошқозон соҳасида оғирлик ҳиссида кунига 3 марта овқатдан кейин 1/2 – 3/4 стакандан дамлама қабул қилинади.

22. Оддий арпабодиён (мевалари) – 10 г, оддий фенхел (мевалари) – 10 г, қалампир ялпиз (барглари) – 20 г, мойчечак (гуллари) – 30 г, олхасимон франгула (пўсти) – 30 г.

Ичак санчиқларида кунига 3 марта овқатдан кейин 1/2 – 3/4 стакандан дамлама қабул қилинади.

23. Эрмон (ўти) – 20 г, дала қирқбўғими (ўти) – 30 г, оддий бўймодорон (ўти) – 30 г, тик ўсувчи ғозпанжа (ер устки қисми) – 20 г.

Метеоризм ва ич кетишга мойиллик бўлганда кунига 2-3 марта 1/2 – 2/3 стакандан қайнатма қабул қилинади.

Гепатит ва жигар циррозларида:

1. Оддий фенхел (мевалари) – 10 г, қора зира (мевалари) – 10 г, олхасимон франгула (пўстлоғи) – 20 г, қалампир ялпиз (барглари) – 20 г, оддий бўймодорон (ўти) – 20 г, кичик тиллабош (ўти) – 20 г.

Гепатитларда ахлатни назорат қилувчи восита сифатида кунига 3 марта овқатдан 30 дақиқа олдин 1/3 – 1/4 стакандан дамлама қабул қилинади.

2. Олхасимон франгула (пўстлоғи) – 15 г, баргли мени – антес (барглари) – 15 г, сариқ ербаҳо (илдизи) – 15 г, катта қончўп (ўти) – 15 г, қоқиўт (илдизи) – 20 г, қалампир ялпиз (барглари) – 15 г.

Гепатитларда ахлатнинг доимий меъёрини ушлаб туриш учун кунига 3 марта овқатдан 30 дақиқа олдин 1/2 – 3/4 стакандан дамлама қабул қилинади.

3. Тешик далачай (ўти) – 10 г, оддий дастарбош (гуллари) – 10 г, оддий бўймодорон (ўти) – 10 г, мойчечак (гуллари) – 10 г, қариқиз (илдизи) – 10 г, наъматак (мевалари) – 10 г, доривор маврак (ўти) – 10 г, баланд бўйли қора андиз (илдизи) – 10 г, қуш торон (ўти) – 10 г, уч бўлимли қорақиз (ўти) – 10 г.

Сурункали гепатитларда ва жигар циррозларида кунига 3 марта овқатдан 30 дақиқа олдин $1/3 - 1/2$ стакандан дамлама ёки қайнатма кўринишида қабул қилинади.

Буйрак ва сийдик чиқариш йўллариинг яллиғланиш касалликлариди:

1. Доривор тирноқгул (гуллари) – 20 г, икки уйли газанда (ўти) – 10 г, дала онониси (илдизи) – 15 г, бўймодорон (ўти) – 20 г, оддий фенхел (мевалари) – 10 г, дала қирқбўғими (ўти) – 10 г, оқ қайин (барглари) – 15 г.

Буйрак ва сийдик чиқариш йўллари сурункали яллиғланиш касалликларида сийдик ҳайдовчи ва яллиғланишга қарши восита сифатида кунига 3 - 4 марта $1/3 - 1/4$ стакандан дамлама қабул қилинади.

2. Дала қирқбўғими (ўти) – 30 г, тик ўсувчи ғоз панжа (ер устки қисми) – 30 г, зубтурум (барглари) – 40 г.

Буйрак ва сийдик чиқариш йўллари яллиғланиш касалликларида $2/3 - 3/4$ стакандан кечасига илиқ кўринишда қабул қилинади.

3. Қора маржондарахт (гуллари) – 25 г, тешик далачай (ўти) – 25 г, мойчечак (гуллари) – 25 г, юраксимон жўка (гуллари) – 25 г.

Буйрак ва сийдик чиқариш йўллари яллиғланиш касалликларида 1-2 стакандан илиқ кўринишда дамлама қабул қилинади.

4. Оқ қайин (барглари) – 15 г, брусника (барглари) – 15 г, ер чой (ўти) – 10 г, қизилмия (илдизи) – 15 г, тешик далачай (ўти) – 15 г, мойчечак (гуллари) – 15 г, доривор тирноқгул (гуллари) – 15 г.

Сийдик чиқариш йўллариинг яллиғланиш касалликларида кунига 3-4 марта $1/3 - 1/2$ стакандан дамлама қабул қилинади.

5. Наъматак (мевалари) – 25 г, дала онониси (илдизи) – 25 г, баҳорги адонис (ўти) – 25 г, оддий арча (мевалари) – 25 г.

Диуретик ва яллиғланишга қарши восита сифатида кунига 3 марта илиқ ҳолда $1/2 - 1/3$ стакандан қабул қилинади.

Сурункали гломерулонефрит ва сурункали пиелонефритда:

1. Ерчой (ўти) – 15 г, зубтурум (барглари) – 15 г, қирқбўғим (ўти) – 10 г, бўймодорон (ўти) – 10 г, тирноқгул (гуллари) – 20 г, уч бўлакли қорақиз (ўти) – 15 г, наъматак (мевалари) – 15 г.

Сурункали гломерулонефритда кунига 3-4 марта 1/4 – 1/3 стакандан дамлама қабул қилинади.

2. Ерчой (ўти) – 15 г, зубтурум (барглари) – 15 г, дала қирқбўғими (ўти) – 10 г, бўймодорон (ўти) – 15 г, икки уйли газанда (барглари) – 15 г, доривор тирноқгул (гуллари) – 15 г, уч бўлакли қорақиз (ўти) – 15 г.

Сурункали гломерулонефритнинг гематурик шаклида кунига 3-4 марта 1/4 – 1/3 стакандан дамлама қабул қилинади.

3. Ер чой (ўти) – 20 г, толокнянка (барглари) – 10 г, қирқбўғим – 10 г, қизилмия (илдизи) – 15 г, тирноқгул (гуллари) – 15 г, мойчечак (гуллари) – 15 г, зубтурум (барглари) – 15 г.

Сурункали пиелонефритда кунига 3-4 марта 1/4 – 1/3 стакандан дамлама қабул қилинади.

4. Зиғир уруғи – 40 г, дала оноси (илдизи) – 30 г, оқ қайин (барглари) – 30 г.

Пиелонефритда кун давомида бир неча марта 1/3 – 1/4 стакандан дамлама қабул қилинади.

5. Ўрмон қулупнайи (барглари) – 10 г, икки уйли газанда (барглари) – 20 г, оқ қайин (барглари) – 20 г, зиғир уруғи – 50 г.

Пиелонефритда кун давомида бир неча марта илиқ шаклда 1-2 стакандан дамлама қабул қилинади.

Сийдик - тош касалликларида:

1. Арпабодиён (мевалари) – 10 г, петрушка (ўти) – 20 г, очамбити (ўти) – 10 г, арча (мевалари) – 15 г, толокнянка (барглари) – 15 г, дала онониси (илдизи) – 15 г, қоқиўт (илдизи) – 15 г.

Сийдик - тош касалликларида кунига 2-3 марта илиқ шаклда 1/2 – 1/3 стакандан қайнатма қабул қилинади.

2. Наъматак (мевалари) – 20 г, арча (мевалари) – 20 г, оқ қайин (барглари) – 20 г, рўян (илдизи) – 40 г.

Сийдик-тош касалликларида сийдик ҳайдовчи восита сифатида кунига 3 марта 1/3 – 1/4 стакандан дамлама ҳўплаб ичилади.

3. Рўян (илдизи) – 20 г, дала онониси (ўти) – 15 г, оқ қайин (барглари) – 10 г, ерчой (ўти) – 15 г, қирқбўғим (ўти) – 10 г, мойчечак (гуллари) – 15 г, укроп (уруғи) – 15 г.

4. Икки уйли газанда (барглари) – 20 г, ботқоқ игири (ер устки қисми) – 15 г, қалампир ялпиз (барглари) – 10 г, қирқбўғим (ўти) – 15 г, қора маржон дарахт (гуллари) – 10 г, оддий арча (мевалари) – 15, наъматак (мевалари) – 15 г.

Сийдик-тош касалликларида кунига 2-3 марта илиқ ҳолда 1/2 – 1/3 стакандан қайнатма қабул қилинади.

5. Рўян (илдизи) – 30 г, дала онониси (илдизи) – 20 г, зиғир уруғи – 50 г.

Сийдик-тош касалликларида кечасига илиқ ҳолда 1 стакандан дамлама қабул қилинади.

6. Оқ қайин (барглари) – 20 г, дала онониси (илдизи) – 20 г, арча (мевалари) – 20 г, катта қончўп (ўти) – 20 г, тик ўсувчи ғозпанжа (ўти) – 20 г.

Сийдик пуфаги ва сийдик йўлида тош бўлганда илиқ ҳолда кечасига 1 стакандан дамлама қабул қилинади.

Шифобахш ўсимликларнинг даволовчи хусусиятлари

Адаптоген, иммуностимуляцияловчи: ўрмон қулупнайи, оддий анжир, оқ бошли карам, оддий клюква, икки уйли газанда, хитой лимонниги, лимонут, чакканда, доривор қоқиўт, ёнғоқ, эгилувчан саллагул, оддий четан, қарақат, Шарқ хурмоси, черника, исмалоқ.

Антиревматик: заҳарли парпи, оддий райҳон, оддий зирк, оқ қаюсуника, санчиқўт, оддий тизимгул, геспер (тунги бинафша), оддий олча, илончўп, ёронгул, гажак ўт, ҳақиқий кардамон, оддий клюква, оддий қуёнқуйруқ, қўнғир илонпечак, арча, сабзи, қизил қалампир мунчоқ, турп, оддий ойболдирғон, уч бўлакли қорақиз.

Антисептик (йиринглашга қарши): адиантум венерин, тоғ арникаси, оддий пахтатикан, оддий ойболтирғон, илонсимон торон, қариқиз, икки баргли тунгул, доривор қоқиўт, ёнғоқ, дала қирқбўғими, уч бўлакли қорақиз, оқ ламиум.

Антитоксик: белладонна, доривор валериана, қўйпечак, доривор қашқарбеда, лимон, қариқиз, малина, доривор қоқиўт, семизўт, оддий эхиум, оддий снит, урал қизилмияси, оддий сачратқи, хитой чой бутаси, уч бўлакли қорақиз, саримсоқ, май наъматаги, отқулоқ, солаб.

Оғриқ қолдирувчи: Америка агаваси, ботқоқ игири, оқ-гунафша парпи, ботқоқ ледуми, кузги савринжон, мингдемона, оддий пахтатикан, оддий ойболтирғон, доривор валериана, санчиқўт, оддий тизимгул, оддий сувйиғар, анор, доривор шотара, тешик далачой, кашнич, сариқ нилуфар, кўкнори, доривор лимонўт, оддий бодом, қалампир ялпиз, мойчечак, думалоқ баргли росянка, оддий қарағай, қора зира, бўймодорон, оддий қулмоқ, катта қончўп.

Бронхолитик: ўрик, Америка агаваси, доривор гулхайри, тоғ арникаси, алп астраси, ботқоқ ледуми, қалин баргли бергения, брусника, доривор қорақайин, доривор бурачник, доривор вероника, ток, доривор воловик, сариқ ербахо, баланд бўйли қора андиз, доривор қашқарбеда, оддий тоғрайҳон, қарағай, ямин бутаси, тешик далачой, анжир, тирноқгул, себарга, лансет кадописис, паст бўйли козелес, Европа копитени, экма кашнич, оддий сигирқуйруқ, икки уйли газанда, қичитувчи газанда, Сибир тилоғочи, эманзор ёрмаси, лобелия, бошпиёз, икки баргли тунгул, малина, япон мандарини, кўка, доривор медуниса, оддий бодом, кровел молодило, каккумох, дори-

вор ерсовун, қаламспир ялпиз, настурсия, найзасимон ғұра, зағчақұз, наврузгул, саллагул, кунгабоқар, эрмон, тугмачагул, прострел луговой, оддий сариқ чой, жавдар, мойчечак, думалоқ баргли росянка, зангори полемониум, урал қизилмияси, оддий қарағай, серпоя ўсимлик, алп термопсиси, оддий бўймодорон, оддий фенхел, итбурун, капалакгул, тюринген хатмаси, дала қирқбўғими, Шарқ хурмоси, уч бўлакли қарақиз, саримсоқ, доривор маврак, йирик баргли кўнғироқгул, эдилвейсосимон эделвейс, эфедра, ёввойи олма.

Ветрогон (метеоризмда): ботқоқ игири, тоғрайҳон, оқ туёқли гибрид, доривор валериана, ванил доривор қашқарбеда, оддий райҳон, тешик далачой, Сибир тилоғочи, тоғзира, сабзи, доривор ерсовун, оддий дастарбош, эрмон, дорихона мойчечаги, қора зира, оддий бўймодорон, хушбўй укроп, оддий фенхел, доривор маврак, исма-лоқ, отқулоқ, оқ тоғтурбит.

Иштаға очувчи: ботқоқ игири, дарахтсимон алоэ, ширин апельсин, оддий зирк, доривор қорақайин, доривор валериана, доривор вероника, узум, оддий олча, сариқ ербаҳо, анор, грейпфрут, нок, баланд бўйли қора андиз, оддий райҳон, доривор шотира, маймунжон, тешик далачой, ўрмон қулупнайи, молдава дракосефалюми, оқ бошли карам, туганакли картошка, лимон, бошпиёз, малина, япон мандарини, кўка, доривор лимонўт, сабзи, оддий мушмула, ялпиз, доривор қоқиўт, дала пастернаги, шафтоли, петрушка, оддий дастарбош, саллагул, кунгабоқар, эрмон, оддий шувоқ, турп, олхўри, қизил смородина, оддий бўймодорон, хушбўй укроп, оддий фенхел, оддий қулмоқ, ерқаламспир, сачратқи, уч бўлакли қорақиз, саримсоқ, заъфарон, ёввойи олма.

Бириктирувчи (ич суришга қарши): ботқоқ игири, доривор гулхайри, семиз баргли бадан, оддий зирк, гиребер бразенияси, брусника, оддий вереск, оддий олча, сувқаламспир, ёронгул, илонсимон торон, ширчой, анор, нок, баланд бўйли қора андиз, оддий эман, маймунжон, тешик далачой, ўрмон қулупнайи, оддий золотарник, туганакли зопник, оқ тол, анжир, тирноқгул, бродрезак, чегирсимон гулсапсар, сохта каштан, сариқ нилфия, ғозпанжа, икки баргли тунгул, малина, оддий манжетка, кўка, доривор медуниса, кровел молодило, морошка чалабутаси, оддий муимула, кулранг олха, ёнғоқ, икки йиллик ослинник, очамбити, оддий дастарбош, чакамиқ, тунгут ровочи, оддий шолғом, дорихона мойчечаги, қора смородина,

дала қирқбұғими, тиканли оқ каррак, оддий жамбил, бұймодорон, шумурт, черника, саримсоқ, доривор маврак, май наъматаги, отқулоқ, сохта отқулоқ, оқ ламиум.

Глистлар чиқарувчи: заҳарли парпи, манчжур аралияси, тарвуз, банан, гулидовид, оқ қайин, доривор валериана, голубика, сариқ ербаҳо, анор, қора андиз, тешик далачай, оқ тол, оқ бошли карам, Европа копитени, экма кашнич, лимон, сибир тилоғочи, бошпиёз, оддий зиғирак, магнолия, арча, сутлама, сабзи, оддий нивяник, доривор қоқиўт, ёнғоқ, эркак қирққулоқ, оддий дастарбош, эрмон, шувоқ, экстроген шувоқ, серпоя ўсимлик, туя, қовоқ, оддий қулмоқ, саримсоқ, катта қоичўп, отқулоқ, оқ тоғтурбит.

Иситма туширувчи: ботқоқ игири, оқ-бинафша ранг парпи, апельсин, ботқоқ ледуми, семиз баргли бадан, оддий райҳон, оддий зирк, оқ қайин, брусника, доривор бурачник, оддий вереск, доривор вероника, ток, олча, сувқалампир, қўйпечак, галега, қора андиз, оддий тоғрайҳон, доривор шотира, маймунжон, қорақарағай, ўрмон қулупнайи, туганакли зопник, оқ тол, доривор тирноқгул, оддий бродрезак, себарга, бақа жўхори, клюква, Европа копитени, икки уйли газанда, қариқиз, оддий зиғир, малина, кўп йиллик дастаргул, кўка, доривор лимонўт, арча, морошка чалабутаси, қалампир ялпиз, дала ялпизи, оддий нивяник, оддий дастарбош, чакамиқ, эрмон, шолғом, дорихона мойчечаги, оддий настарин, қизил смородина, қорақат, оддий снит, соссюрея, бұймодорон, капалакгул, сачратқи, уч бўлимли қорақиз, саримсоқ, заъфарон, оқ тоғтурбит.

Ўт ҳайдовчи: Америка агаваси, адиянтум венерин, ботқоқ игири, дарактсимон алоэ, тарвуз, артишок, оддий зирк, оқ қайин, бўзноч, ойболтирғон, брусника, тоғ қудиси, тизимгул, ток, сувйиғар, қора водьяника, анор, грейпфрут, қора андиз, рус жинғили, оддий райҳон, доривор шотира, қорақарағай, тешик далачай, ўрмон қулупнайи, туганакли зопник, тирноқгул бродрезак, оқ бошли карам, Европа копитени, экма кашнич, зуфо, икки уйли газанда, қичитқи газанда, оддий крижовник, сариқ нилфия, оддий маккажўхори, тўғри турувчи ғозпанжа, лимон, Хитой лимонниги, бошпиёз, оддий зиғир, кўка, арча, сабзи, қалампир ялпиз, бодринг, доривор қоқиўт, очамбити, оддий дастарбош, плюшч, чакамиқ, эрмон, семизўт, тугмачагул, зарғўш, тангачали расторопша, тангут ровочи, турп, оддий шолғом, доривор розмарин, мойчечак, қизил смородина, оддий қарағай. сар-

сабил, оддий қоразира, помидор, бўймодорон, хушбўй укроп, оддий фенхел, оддий физалис, қирқбўғим, оддий қулмоқ, сачратқи, уч бўлакли қорақиз, катта қончўп, доривор маврак, май наъматаги, нордон отқулоқ, ёввойи олма, оқ ламииум.

Қон тўхтатувчи: ботқоқ игири, дарахтсимон алоэ, ширин апельсин, тарвуз, семиз баргли бадан, оддий зирк, оқ қайин, доривор тоғ қудиси, санчиқўт, тизимгул, доривор вероника, ток, олча, оддий сувйиғар, сувқалампир, вюнок, ранг-баранг вязел, ёронгул, чиннигул, ширчай, қора-андиз, доривор қашқарбеда, оддий эман, дудник, райҳон, маймунжон, тешик далачай, ўрмон қулупнайи, туганакли зопник, оқ тол, доривор тирноқгул, оддий бродрезак, сохта каштан, манчжур кирказони, себарга, Европа копитени, зуфо, икки уйли газанда, маккажўхори, тўғри турувчи ғозпанжа, лимон, Хитой лимонниги, қариқиз, бошпиёз, малина, кўп йиллик дастаргул, доривор ме-дуниса, доривор лимонўт, кровел молодило, морошка чала бутаси, каккумох, зағчақўз, жирғанак, кулранг олха, очамбити, петрушка, оддий дастарбош, саллагул, чакамиқ, шувоқ, прострел луговой, зарғўш, турп, доривор розмарин, мойчечак, четан, ботқоқ сабелниги, қизил смородина, соссюрея, тиканли дала онониси, тиканли оқ каррак, бўймодорон, қирқбўғим, хохлотка, ерқалампир, уч бўлакли қорақиз, черника, саримсоқ, наъматак, отқулоқ, оқ ламииум.

Лактоген: галега, ўрмон қулупнайи, Европа копитени, икки уйли газанда, кичик кросоднев, сариқ нилфия, қариқиз, оддий манжетка, сабзи, доривор қоқиўт, турп, қорақат, қора зира, бўймодорон, хушбўй укроп, оддий фенхел.

Сийдик ҳайдовчи: баҳорги адонис, ботқоқ игири, тарвуз, семиз баргли бадан, оддий зирк, гулидовид, оқ қайин, бўзноч, брусника, маржон дарахт, доривор бурачник, санчиқўт, оддий вереск, геспер (тунги бинафша), ток, олча, сувйиғар, доривор ҳўкиз тили, қизил илдизли илончўп, қўйпечак, ранг-баранг вязел, галега, амур чиннигули, томирдори, анор, нок, қора андиз, райҳон, доривор шотара, қовун, қорақарағай, тешик далачай, ўрмон қулупнайи, оддий золотарник, анжир, какао (шоколадли дарахт), тирноқгул, бродрезак, оқ бошли карам, туганакли картошка, себарга, бақа жўхори, Европа копитени, оддий қуёнқуйруқ, зуфо, икки уйли газанда, қичитқи газанда, эманзор ёрмаси, крижовник, сариқ нилфия, маккажўхори, марваридгул, лимон, қариқиз, кўкпиёз, бошпиёз, оддий зиғир, мали-

на, оддий манжетка, доривор медуниса, арча (барча тури), ботқоқ сутламасы, сабзи, морошка чала бутасы, доривор совунўт, настурсия, оддий нивяник, дала бодринги, доривор қоқи ўт, остролодочник, пастернак, очамбити, наврўзгул, петрушка, чакамиқ, семизўт, турп, шолғом, сариқ чой, четан (ҳамма турлари), ботқоқ гулсапсари (ирис), лавлаги, сензеночник, амур настарини, олхўри, қизил смородина, қорақат, оддий снит, сарсабил, дала онониси, оқ каррак, қора зира, қовоқ, хушбўй укроп, оддий фенхел, итбурун, капалакгул, оддий физалис, қирқбўғим, ерқалампир, Шарқ хурмоси, сачратқи, Хитой чой бутасы, уч бўлакли қорақиз, черника, саримсоқ, тоғ қудиси, наъматак, исмалоқ, ёввойи олма, оқ ламиум.

Нари сурувчи: ботқоқ игири, дарахтсимон алоэ, доривор гулхайри, тоғрайҳон, оддий зирк, белладонна, бурачник, сувйиғар, қўйпечак, тикандарахт, жефферсония, маймунжон, тешик далачай, доривор тирноқгул, оқ бошли карам, туганакли картошка, арктика княженикаси, овкняжиги, тикка турувчи ғозпанжа, лимонўт, ялпиз, мойчечак, бўймодорон, тюренген хатмаси, хохлатка, доривор маврак, наъматак, йирик баргли қўнғироқгул.

Умумий мустаҳкамловчи: ўрик, дала артишоги, ботқоқ ледуми, брусника, сариқ ербаҳо, қора андиз, райҳон, тешик далачай, ўрмон қулупнайи, оқ бошли карам, бақа жўхори, икки уйли газанда, Хитой лимони, қариқиз, бошпиёз, магнолия, япон мандарини, доривор медуниса, ялпиз жирғанак, бодринг, пастернак, очамбити, қизил қалампир, петрушка, шувоқ, туруп, оддий четан, қорақат, қора зира, помидор, хушбўй укроп, ерқалампир, сачратқи, черника, саримсоқ, дуар наъматаги, оқ ламиум.

Балғам кўчирувчи: ўрик, ботқоқ игири, доривор гулхайри, ботқоқ ледуми, бўзnoch, доривор тоғ қудиси, доривор вероника, ток, олча, оддий сувйиғар, анор, нок, қора андиз, қашқарбеда, райҳон, ўрмон қулупнайи, туганакли зопник, анжир, доривор иссоп, оддий бродрезак, оқ бошли карам, себарга, оддий клюква, Европа копитени, оддий қуёнқуйруқ, икки уйли газанда, қичитқи газанда, сибир тилоғочи, бошпиёз, кўкнори, малина, япон мандарини, оддий манжетка, кўп йиллик дастаргул, кўка, доривор медуниса, оддий бодом, сабзи, ялпиз, зағчақўз, оддий нивяник, бодринг, доривор қоқиўт, пастернак, наврўзгул, турп, жавдар, зангори полемониум, оддий эхиум, қорақат, оддий қарағай, оддий жамбил,

қора зира, оддий фенхел, капалакгул, ерқалампир, уч бұлакли қорақиз, саримсоқ, заъфарон, май наъматаги, ёввойи олма, оқ ламим, солаб.

Авитаминоз ва гиповитаминозларда қўлланувчи: ўрик, ботқоқ игири, актинидия коломикта, ширин апельсин, оқ қайин, доривор бурачник, оддий тизимгул, қора водянника, голубика, анор, грейпфрут, доривор шотара, қовун, маймунжон, қорақарағай, ўрмон қулупнайи (барча тури), оддий бродрезак, оддий клюква, арктика княженикаси, икки уйли газанда, лимон, Хитой лимонниги, сибир тилоғочи, қариқиз, бошпиёз, малина, япон мандарини, доривор медуниса, сабзи, пастак морошка, мандарин, катта настурсия, жирғанак, доривор қоқиўт, ёнғоқ, пастернак, очамбити, наврўзгул, шафтоли, петрушка, семизўт, маржон баргли четан, оддий четан, лавлаги, қизил смородина, қорақат, оддий снит, оддий қарағай, помидор, оддий қулмоқ, ерқалампир, шумурт, саримсоқ, даур наъматаги, май наъматаги, исмалоқ, отқулоқ, ёввойи олма.

Гипертония касалликларида қўлланувчи: ўрик, авокадо, қора мевали арония, банан, оддий зирк, кичик бўригул, доривор тоғ қудиси, ток, грейпфрут, қора андиз, доривор қашқарбеда, доривор шотара, маймунжон, ўрмон қулупнайи, доривор тирноқгул, оддий бродрезак, бақа жўхори, Европа копитени, оддий крижовник, маккажўхори, бошпиёз, магнолия, доривор лимонўт, катта настурсия, жирғанак, бодринг, очамбити, эрмон, шувоқ, арслонқуйруқ, четан, лавлаги, қизил смородина, хушбўй укроп, ловия, оддий физалис, қирқбўғим, уч бұлакли қорақиз, саримсоқ, исмалоқ, ёввойи, олма.

Гипотония касалликларида қўлланувчи: манчжурия аралияси, бўзnoch, доривор тоғ қудиси, ток, какао (шоколад дарахт), Европа копитени, Хитой лимонниги, оддий мородовник, оддий дастарбош, пушти родиола, доривор розмарин, оқ каррак, қовоқ, Хитой чой бутаси, эфедра.

Семиришда қўлланувчи: брусника, қизилтасма, ўрмон қулупнайи, оқ бошли карам, маккажўхори, кўк пиёз, сабзи, бодринг, доривор қоқиўт, петрушка, туруп, лавлаги, қорақат, қовоқ, хушбўй укроп, ерқалампир, Шарқ хурмоси, сачратқи, черника, саримсоқ, отқулоқ, ёввойи олма.

Юрак-томир касалликларида қўлланувчи: баҳорги адонис, тарвуз, дала артишоги, бақлажон, оддий зирк, оқ қайин, қизил дўлана,

Ўрик, доривор тоғ қудиси, доривор валериана, оддий вереск, ток, ранг-баранг вязел, қизилтасма, мушукўт, қора андиз, доривор шотара, қовун, тешик далачай, ўрмон қулупнайи, оқ тол, анжир, доривор тирноқгул, бродрезак, оқ бошли карам, Европа копитени, икки уйли газанда, маккажўхори, марваридгул, хитой лиммонлиги, лобелия, магнолия, икки баргли майник, кўка, доривор медуниса, доривор лимонўт, оддий бодом, сабзи, кавказ морозниги, ялпиз, ангишонагул, бодринг, остролодочник, пастернак, очамбити, наврўзгул, пертушка, дастарбош, арслонқуйруқ, туруп, сариқ чой, доривор розмарин, оддий четан, лавлаги, селезеночник, сарсабил, тиканли оқ каррак, помидор, қовоқ, бўймодорон, хушбўй укроп, оддий физалис, оддий қулмоқ, ерқалампир, Шарқ хурмоси, сачратқи, Хитой чой бутаси, уч бўлаккли қорақиз, черника, саримсоқ, заъфарон, ёввойи олма.

Аллергияга қарши: дала артишоги, оқ қайин, қизилтасма, оддий бродрезак, икки уйли газанда, жирғанак, бодринг, доривор қоқиўт, пахмоқгулли зубтурум, урал қизилмияси, сарсабил, Фарб туяси, хушбўй укроп, қирқбўғим, сачратқи, уч бўлимли қорақиз, черника, отқулоқ, эфедра, оқ ламиум.

Атеросклерозга қарши: ўрик, тарвуз, дала артишоги, бақлажон, банан, оқ қайин, доривор тоғ қудиси, маймунжон, ўрмон қулупнайи, оқ бошли карам, маккажўхори, бошпиез, оддий манжетка, сабзи, жирғанак, бодринг, доривор қоқиўт, кунгабоқар, туруп, оддий четан, лавлаги, олхўри, қорақат, дорихона сарсабили, помидор, қовоқ, хушбўй укроп, оддий ловия, фейхоа, оқ зира, капалакгул, ерқалампир, Шарқ хурмоси, сачратқи, Хитой чой бутаси, черника, саримсоқ, май наъматаги.

Яллиғланишга қарши: дарахтсимон алоэ, доривор гулхайри, тарвуз, ботқоқ ледуми, семиз баргли бадан, оддий зирк, оқ қайин, доривор бурачник, оддий тизимгул, оддий вереск, доривор вероника, ток, сувқалампир, чиннигул, ёронгул, қизилтасма, анор, қора андиз, оддий эман, тоғрайҳон, маймунжон, тешик далачай, ўрмон қулупнайи, туганакли зопник, оқ тол, анжир, доривор иссоп, доривор тирноқгул, оддий бродрезак, оқ бошли карам, туганакли картошка, сохта каштан, себарга, икки уйли газанда, марваридгул, тўғри турувчи ғозпанжа, лимон, қариқиз, бошпиез, оддий зиғир, икки баргли любка, малина оддий манжетка, кўп йиллик дастаргул, кўка, доривор медуниса, кровел молодило, сабзи, паст бўйли морошка, ялпиз, зоғчакўз,

